O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

МАЪРИФАТ * ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ* معرفت

1931 йилдан чиқа бошлаган | 2002 йил 8 июнь, шанба | Баҳоси сотувда эркин нархда | № 44 (7447)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

КОМПЬЮТЕРЛАШТИРИШНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ВА АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида» 2002 йил 30 майдаги ПФ-3080-сон Фармонини бажариш юзасидан ва ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида стратегик устуворликларни амалга оширишга доир амалий чора-тадбирларни таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Қуйидагилар:

2002-2010 йилларда компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш дастури;

Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича Мувофиқлаштирувчи Кенгаш тўғрисидаги Низом;

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бошқарув аппаратининг ходимларнинг чекланган сони 55 нафар бўлган (ёрдамчи ва хизмат кўрсатувчи ходимлардан ташқари) тузилмаси тасдиқлансин.

2. Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича Мувофиқлаштирувчи Кенгаш:

ишчи гуруҳларнинг таркибини белгиласин ва 20 кун муддатда 2003-2010 йилларда телекоммуникациялар ва маълумот узатиш миллий тармоғини ривожлантириш, 2003-2010 йилларда давлат бошқарувида электрон технологияларни жорий этиш, 2010 йилгача бўлган даврда электрон тижоратни ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш жадвалини ва дастурлар таркибини тасдиқласин;

ишлаб чиқиладиган дастурларда компьютерлаштириш ва ахборот- коммуникация технологияларини ривожлантиришнинг мазкур қарорда белгиланган мақсадли кўрсаткичларига эришиш учун зарур чора- тадбирларни, уларнинг бажарилиши учун масъул ижрочиларни ва маблағ билан таъминлашнинг аниқ манбаларини назарда тутсин;

(Давоми 2-бетда)

САММИТ НИҲОЯСИГА ЕТДИ

7 июнь. Санкт-Петербург. ЎзА махсус мухбири Анвар Бобоев хабар қилади.

Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Санкт-Петербургдаги саммити давлат раҳбарларининг тор доирадаги учрашуви билан бошланди. Унда ташкилотни ривожлантириш истиқболлари билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Сўнг Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатлар расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари бўлди. Томонлар ташкилот доирасида турли соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантириш, ўзаро алоқалар механизмларини такомиллаштириш масалалари юзасидан фикр алмашди.

Музокаралар якунида Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарларининг Декларацияси, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Хартияси ҳамда Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар ўртасида минтақавий антитеррор тузилмаси ҳақидаги битим имзоланди.

Мазкур маросимдан сўнг президентлар оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашиб, ўзаро мулоқотларнинг натижалари, кўрилган масалалар ҳақида сўзлади.

Унда давлатимиз раҳбари Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасида кўп томонлама иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш зарурлигига эътиборни қаратди. Ислом Каримов табиий хом-ашё заҳираларидан тежамкорлик билан фойдаланиш, энергетика тизимини яратиш ва атроф-муҳит муҳофазасига эътиборли муносабатда бўлиш - Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасидаги иқтисодий ҳамкорликнинг истиқболли йўналишларидан бири эканини айтди.

Шу билан саммит ниҳоясига етди.

(ЎзА).

TELEFON ORQALI MULOQOT

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Islom Karimovning Jahon banki Prezidenti Jeyms Vulfenson bilan bo'lib o'tgan telefon orqali muloqotda iqtisodiy islohotlarning borishi, J. Vulfensonning shu yil aprel oyida O'zbekistonga tashrifi chog'ida erishilgan kelishuvlarning amalga oshirilishi hamda o'zaro hamkorlikni chuqurlashtirish choralari xususida fikr almashildi.

SO'NGGI UCH KUN MUJDALARI

SAMIMIY TABRIK

Samarqandda Imom Buxoriy va Germaniyaning Fridrix Ebert xalqaro jamg'armalari hamda Toshkent Islom universiteti tomonidan tashkil etilgan "Islom va dunyoviy-ma'rifiy davlat" mavzuidagi xalqaro ilmiy-nazariy anjuman ishtirokchilariga mamlakatimiz rahbari Islom Karimov samimiy tilaklar bitilgan tabrik yo'lladi.

QAROR

O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining "Tadbirkorlik faoliyatining ayrim turlari bilan shug'ullanishni tartibga solish to'g'risida"gi qarori e'lon qilindi.

ILG'ORLARGA QUTLOVLAR

Yurtboshimizning Qiziriq va Jarqo'rg'on tumani g'allakorlariga ularning Respublikamizda birinchilardan bo'lib o'z shartnomaviy rejalarini uddalaganligi munosabati bilan yo'llagan tabrik maktubida jumladan shunday deyiladi—"...Bir-biriga qo'shni bo'lgan bu ikki tuman mehnatkashlari qo'lga kiritgan bunday muvaffaqiyat zamirida, avvalo, dehqonlarimizning yerga egalik tuyg'usi, o'z mehnatidan manfaatdorlik hissi ortib borayotgani, qishloqda xo'jalik yuritishning zamonaviy, ilg'or usullari izchil joriy etilayotgani mujassam, desak, aslo xato bo'lmaydi...".

ГАЗЕТАНИ ВАРАҚЛАГАНДА:

МУЗМУН БИРЛАМЧИ БЎЛСИН
3-бет

Матёқуб ҚЎШЖОНОВ: ЛИЦЕЙ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ МУРАККАБ САВОЛЛАРИДАН МАМНУН БЎЛДИМ
5-бет

ДЕМОКРАТИК ХАРАКТЕРДАГИ ЯНГИ КУРС
6-бет

НОДАВЛАТ БОҒЧА – ТАДБИРКОРЛИК НИШОНАСИ
8-9-бетлар

БОЛАЛАР ДУНЁСИ
10-бет

ТЕЛЕДАСТУРЛАР
(Келгуси ҳафта теледастурлари билан танишасиз)
14-бет

КЎЗГУДА XVII ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ
15-бет

"АНТИҚА" КРОССВОРДИ
16-бет

Жорий йилнинг охиридаёқ камида 235 та янги маълумотлар узатиш узеллари барпо этилади, 2010 йилда эса Интернетдан жамоа бўлиб фойдаланиш портлари сони 45 000 тани ташкил этади.

Ma'rifat

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

КОМПЬЮТЕРЛАШТИРИШНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ВА АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

ишчи гуруҳларнинг таркибини белгиласин ҳамда мазкур қарор билан тасдиқланган Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш дастурида назарда тутилган қонун лойиҳалари ишлаб чиқилишини ташкил этсин.

3. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги:

Вазирлар Маҳкамасининг Ташқи иқтисодий алоқалар ва хорижий инвестициялар департаменти, Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, манфаатдор вазирликлар, идоралар билан биргаликда кўрсатиб ўтилган 2002-2010 йилларда компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш дастурини амалга ошириш учун асосан имтиёзли хорижий кредитлар ва грантларни жалб этсин;

Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда Тошкент ахборот технологиялари университетининг фаолиятини ташкил этиш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш юзасидан бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

2003 йилдан бошлаб ахборот-компьютер технологиялари соҳасида жаҳонда ва мамлакатимиздаги тенденциялар ва ютуқларни ёритувчи, албатта Интернет-нусхаси бўлган махсус журнал чиқарилишини ташкил этсин.

4. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳузуридаги Компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ҳамда жорий этиш марказига қуйидаги асосий вазифалар юклансин:

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг буюртмаси бўйича ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш соҳасида дастурлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳаларини ишлаб чиқиш;

реал иқтисодиёт тармоқлари, бошқарув, бизнес, соғлиқни сақлаш, фан ва таълим соҳалари учун, шунингдек электрон тижорат дастурини амалга ошириш учун амалий ва мослаштирилган дастурий воситаларни, маълумотларнинг ахборот базаларини, веб-сайтлар ва бошқа дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқиш бўйича тендерларида иштирок этиш;

компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш масалалари юзасидан бошқарув органлари, бюджет ташкилотлари ва хусусий бизнесга кенг миқёсдаги ахборот, сервис ва консалтинг хизматлари кўрсатиш;

ҳар чоракда ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришнинг жаҳонда ва мамлакатимиздаги тенденциялари, ушбу соҳадаги замонавий халқаро стандартлар тўғрисида ахборотлар ва шарҳлар тайёрлаш.

Белгилансинки, Компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ҳамда жорий этиш марказининг жорий фаолиятини маблағ билан таъминлаш бажарилган ишлар (кўрсатилган хизматлар) учун олинган ўз маблағлари, Фан ва технологиялар марказининг, халқаро жамғармалар ва ташкилотларнинг гранглари, қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа даромадлар ҳисобига амалга оширилади.

5. Вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

2002 йил охиригача Компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ҳамда жорий этиш марказининг кўмагида маҳаллий идоравий компьютер тармоқларини ташкил этиш дастурини ишлаб чиқсинлар, уларнинг Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигида экспертизадан ва синовдан ўтказилишини ташкил этсинлар, шунингдек ички электрон ҳужжатлар айланишини босқичма-босқич жорий этиш, ахборот ресурсларини Интернет тармоғига жойлаштирган ҳолда уларни шакллантириш ва доимий равишда янгилаш бўйича аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқсинлар;

2002 йилнинг охиригача тегишли давлат бошқарув органлари аппаратларининг масъул ходимларига замонавий компьютер ускуналарида, шу жумладан маҳаллий компьютер тармоқларидан, шунингдек Интернет тизимидан фойдаланган ҳолда ишлашни босқичма-босқич ўргатиш тадбирларини амалга оширсинлар.

2002 йилнинг охиригача ўзларининг фаол ишлайдиган веб- саҳифаларини яратсинлар, уларни Интернет тармоғида жойлаштирсинлар ва келгусида уларни мунтазам янгилаб борсинлар.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари дастурий воситаларни ишлаб чиқиш, провайдерлик, хостинг, Интернет хизматлари кўрсатиш, маълумотларнинг ахборот базаларини, веб-сайтларни шакллантиришга доир хизматлар кўрсатиш, компьютер техникасига сервис хизмати кўрсатиш, маҳаллий тармоқлар яратиш бўйича хусусий компаниялар ташкил этишга ҳар томонлама кўмаклашсинлар.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги:

ихтисослаштирилган олий ўқув юртларида, касб-ҳунар коллежларида ва академик лицейларда дастурий воситаларни, маълумотларнинг ахборот базаларини, мультимедиа, компьютер техникасини ишлаб чиқиш ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича юқори малакали мутахассислар ва техник ходимлар, шунингдек компьютер ва ахборот технологияларидан фойдаланувчилар тайёрлашни кенгайтирсин;

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги билан биргаликда умумтаълим мактабларининг барча ўқувчиларини ва талабаларни компьютер ва ахборот технологиялари билан ишлашга кенг кўламда ўқитишни таъминласин;

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги билан биргаликда ўрта ва олий таълимнинг таълим стандартларига мувофиқ равишда электрон ўқитиш базасини яратиш, таълим муассасаларининг ахборот инфратузилмасини шакллантириш, барча ўқув муассасаларида инглиз тилини чуқур ўрганиш, шунингдек республика ахборот тармоғида лотин алфавитига асосланган ўзбек тилидан фойдаланишнинг стандартлаштирилган механизмини ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўйича дастурий чора-тадбирлар тўғрисида бир ой муддатда таклифлар ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Илмий-техника тараққиётини Мувофиқлаштириш Кенгаши компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш соҳасидаги истиқболли илмий-амалий тадқиқотлар ва инновация фаолиятига грантларнинг биринчи навбатда ажратилишини назарда тутсин.

9. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Адлия вазирлиги ўқув юртлари ва илмий муассасаларга, қишлоқ жойлардаги Интернетдан фойдаланувчиларга имтиёзли тарифлар бўйича хизмат кўрсатувчи провайдерлар ва операторлар учун мақсадли имтиёзлар ва преференциялар бериш юзасидан бир ой муддатда таклифлар киритсинлар.

10. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги 2002-2005 йилларда Миллий университет, Тошкент давлат техника университети ва Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузурида ахборот ва компьютер технологиялари соҳасида мутахассислар тайёрлаш бўйича ихтисослаштирилган факультетларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларни методологиялар ва кадрлар билан таъминлаш учун молиявий ресурслар ажратилишини назарда тутсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Молия вазирлиги:

«Ўзэлтехсаноат» уюшмаси, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги билан биргаликда мамлакатимизда компьютерлар ва улар учун бутловчи буюмлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш масаласини уч ой муддатда ишлаб чиқсинлар ва Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсинлар;

2002-2010 йилларда компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш дастурига мувофиқ амалга оширилаётган лойиҳаларни Республика инвестиция дастурига киритсинлар.

12. Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ҳамда жорий этиш маркази, Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси ва Давлат алоқа инспекциясини жойлаштириш учун Тошкент шаҳар, А.Қодирий кўчаси, 2-уйдаги бинолар комплексини Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигига сотиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига амалдаги қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқувчи ўзгартиришлар ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

14. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Н. Орипов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 2002 йил 6 июнь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида» 2002 йил 30 майдаги Фармонига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига

ШАРҲ

Бугунги кунда компьютер ва ахборот технологиялари, телекоммуникациялар тармоқларини, маълумотлар узатишни, Интернет хизматларига кириб боришни ривожлантириш ва замонавийлаштириш республикамизда устувор ўринларга чиқмоқда.

Иқтидорли ёшлар иштирокида республикада Интернет- фестивалллар, Интернет-форумлар ўтказиш одат бўлиб қолди, шаҳарлар ва қишлоқларда Интернет тармоғидан жамоа бўлиб фойдаланиш пунктлари сони тобора кўпаймоқда, ахборот хизматлари турлари сезиларли даражада кенгаймоқда, уларнинг сервиси янада интеллектуалроқ бўлиб бормоқда.

Мамлакат Президенти Ислом Каримов 2001 йил май ойида Олий Мажлиснинг V сессиясида сўзлаган нутқида компьютерлаштириш ва ахборот технологияларини ишлаб чиқаришга, мактаблар ва олий ўқув юртлари дастурларига, одамларнинг кундалик турмушига жорий этиш бўйича Ўзбекистоннинг юксак даражаларга эришиши юзасидан аниқ вазифаларни қўйди.

Жамиятни компьютерлаштириш, ахборот технологияларини ривожлантириш бўйича вазифаларни ҳал этиш учун 2002 йил 30 майда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида»ги Фармони қабул қилинди. Фармонда белгиланган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши ахборотлаштиришнинг миллий тизимлари барпо этилишини, иқтисодиётга ва жамиятнинг ҳар бир аъзоси ҳаётига компьютер техникаси ва ахборот технологиялари оммавий жорий этилиши учун шарт-шароитларни таъминлайди, жаҳон бозорида мамлакатимиз иқтисодиётининг рақобатбардошлилигини оширади.

Президент Фармонини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси қарор қабул қилди ва 2002-2010 йилларда компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш дастурини тасдиқлади, уларда телекоммуникациялар ва маълумотлар узатишни ривожлантириш, ресурслардан фойдаланиш, Интернет тармоғида ўз сайтларини яратишнинг мақсадли йўналишлари белгиланди.

Иқтисодиёт тармоқлари ва жамиятнинг ахборотни тезкор айирбошлашга, жаҳон ахборот ресурсларига кириб боришга бўлган юқори эҳтиёжи, таълим жараёнларини ва кишиларнинг кундалик турмушини компьютерлаштириш зарурияти, шунингдек ахборот ва маълумотлар базаси сақланишини таъминлаш эҳтиёжи ушбу муҳим қарорлар қабул қилиниши учун асос бўлди.

Дастурда телекоммуникацияларнинг янги объектларини қуриш назарда тутилган. Жумладан, 2005 йилда халқаро каналлар сонини анча кўпайтириш, уларни 100 фоиз рақамлаштириш мўлжалланган, минтақавий даражада каналлар сони 50 мингтагача кўпаяди ва рақамлаштиришнинг 72 фоизига эришилади. Ахборотни айирбошлашни автоматлаштириш 98 фоизга етади.

Агар бугунги кунда 62 олий ўқув юртидан фақат 40 таси, 531 коллеж ва лицейдан 22 таси Интернет тармоғига кириш имкониятига эга бўлса, 2010 йилда Интернет тармоғига кириб бориш имкониятига эга бўлган мактаблар, лицейлар ва коллежлар сони 10-15 баравар кўпаяди.

Маълумотларни узатиш тармоғи сезиларли даражада ривожланади. Жорий йилнинг охиридаёқ камида 235 та янги маълумотлар узатиш узеллари барпо этилади, 2010 йилда эса Интернетдан жамоа бўлиб фойдаланиш портлари сони 45 000 тани ташкил этади. Аҳоли орасида фойдаланувчилар сони 55,6 мингтадан 3321 мингтага ўсади ёки оилаларнинг деярли 60 фоизи ушбу жаҳонга машҳур ва ривожланган ахборот тармоғи хизматларидан фойдаланади. Республиканинг барча аҳоли пунктлари, шунингдек бошқарув органлари ва хўжалик юритувчи субъектлар учдан икки қисми Интернетга уланади.

Дастурий воситаларни ишлаб чиқиш, мамлакатимизнинг ўзида компьютер техникаси ва буюмларини ишлаб чиқаришни ривожлантириш чора-тадбирлари биринчи даражали вазифалар этиб белгиланган. Шу муносабат билан компьютерлар ва улар учун бутловчи буюмлар, дастурий воситалар келтириш, ўқитиш ва ахборот хизматлари кўрсатиш бўйича бир қанча солиқ ва божхона имтиёзлари жорий этилади.

Қабул қилинган ҳужжатларда компьютерлаштириш ва ахборот технологиялари соҳасида кадрлар тайёрлаш ва уларни қайта тайёрлашни ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг аниқ вазифалари олдинга қўйилган ва мақсадли йўналишлари ифодалаб берилган. Жумладан Тошкент электротехника алоқа институти Тошкент ахборот технологиялари университетига айлантирилди. Ушбу университетда янги мутахассисликларнинг кенг доираси бўйича кадрлар тайёрлаш тизимини анча кенгайтириш назарда тутилмоқда. Бундан ташқари, ўқув юртларининг моддий-техник ва илмий-тадқиқот базасини кенгайтириш юзасидан комплекс чора-тадбирлар назарда тутилган.

Фармонда ва Ҳукумат қарорида белгиланган дастурий чора- тадбирларнинг амалда рўёбга чиқарилиши бошқарувнинг барча тармоқ ва минтақавий органларига, иқтисодиёт ва маданиятнинг барча соҳаларига, умуман жамиятга дахлдордир. Ушбу вазифаларни амалга ошириш учун махсус Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича Мувофиқлаштирувчи Кенгаш ташкил этилди. Жорий йилда Кенгашга 2010 йилгача бўлган даврда телекоммуникациялар ва маълумотлар узатишнинг миллий тармоғини ривожлантириш; давлат бошқарувига электрон технологияларни жорий этиш; электрон тижоратни ривожлантириш бўйича Дастурларни тайёрлаш топширилди.

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигига айлантирилди, унга республикада ахборотлаштиришни ривожлантириш бўйича қўшимча функциялар юкланди. Ахборот хизматлари соҳасини ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш бўйича зарур норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш мақсадида Компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ҳамда жорий этиш маркази ташкил этилади.

Кўрсатиб ўтилган чора-тадбирлар мамлакат иқтисодиёти самардорлиги ўсишида телекоммуникациялар, компьютер ва ахборот технологияларининг фаол роли ошишини, одамларнинг фаолияти ва турмуши техник қурилмалар ва хизматларнинг энг замонавий турлари билан жиҳозланишини таъминлаш, республиканинг жаҳон жараёнларига муваффақиятли интеграциялашуви имконини беради.

МАЗМУН БИРЛАМЧИ БЎЛСИН

Metodik tavsiya

Ёшларнинг мустақил ҳаётга қадам қўйиши ижобий ҳодиса, қолаверса, тантанали тадбир сифатида эътироф этилади. Чунки етуклик шаҳодатномасини қўлига олган йигит-қизлар бир олам орзулар оғушида бўлиб, ўзларининг эзгу орзуларини амалга ошириш иштиёқи билан яшашади.

Мактаб битирувчиларига етуклик шаҳодатномаси топшириш маросими алоҳида тарбиявий характерга эгадир. Шу боис республика Халқ таълими вазирлигининг яқинда бўлиб ўтган ишлаб чиқариш йиғилишида ҳам бундай тадбирларни кўнгилдагидек, мазмунли қилиб ўтказиш юзасидан кўрсатмалар берилган эди.

Маълумотларга кўра, бу йил республикамиз умумтаълим мактабларининг XI синфини 35 минг, IX синфини 595 мингдан зиёд ўқувчилар битиришади. Етуклик шаҳодатномаси олингунга қадар бўлган даврда ҳар бир ўқувчи ўзи таълим олган мактаб билан қадрдон бўлиб қолиши, шубҳасиз. Шу боис ҳам мактаб билан хайрлашув, яъни етуклик шаҳодатномаси билан тақдирланиш маросимида бу кайфият яққол сезилиб туради. Мактаб ҳовлиси "Сизга қуллуқ, устозлар!", "Сизни унутмаймиз, муаллимлар!", "Хайр, мактаб!", "Салом, мустақил ҳаёт!", "Орзуларим бошлайди йўлга" сингари ҳисҳаяжонга тўлиқ шиорлар билан безатилади.

Мазмун-моҳиятига кўра, 2001—2002 йилги мактаб битирувчиларини "Истиқлол умидлари" деб аташ ҳам мумкин. Чунки улар Ўзбекистон мустақиллигининг илк йилларида мактаб остонасига қадам қўйган болалардир.

Шаҳодатнома топшириладиган кун тахминан 21- июнга тўғри келади. Тадбир эрталабки соат 10 да бошланиб, кечки соат 16 га қадар давом этиши белгиланади. Мақсад, мактаб битирувчиларига қадрдон даргоҳда билим берган, тўғри йўлга солган устозларга эҳтиром кўрсатиш, ширин каломлар айтишдангина иборат бўлмаслиги лозим.

Бу йилги битирув кечаси тадбири истиқлолнинг 11 йиллиги ҳамда Қарияларни қадрлаш йилида ўтказилмоқда. Бунинг ўзига хос рамзийлиги бор.

Йиғилиш бошланган пайтда мусиқа садолари остида Ўзбекистон байроғи кўтарилади. Сўнгра мадҳия ижро этилади. Шундан сўнг илмий ишлар бўйича директор ўринбосари тантанани очиқ деб эълон қилгач, сўз мактаб раҳбарига берилади. Табрик қисқа, лўнда, мазмунли бўлгани маъқул. Ва шундан сўнг у мактаб дирекциясининг битирувчиларга шаҳодатнома бериш ҳақидаги буйруғини ўқиб эшиттиради.

Тадбирга таклиф қилинган туман халқ таълими бўлими, "Маҳалла", "Нуроний", "Камолот" жамғармалари, хотин-қизлар қўмитаси вакилларидан айримлари ҳам битирувчиларни қутлашлари мумкин.

Битирувчилар тадбирида дастлаб етуклик шаҳодатномаси топширадиган киши ўз эътиборини мактабни "аъло" баҳоларга битирган, намунали хулқи билан тилга тушган ўқувчиларга қаратади. Шундан сўнг уларга биринчи бўлиб, қарсак ва олқишлар остида шаҳодатнома топширилади.

Эсингизда бўлса, ўтган йили Тошкент шаҳридаги умумтаълим мактаблари битирувчиларининг катта байрам тадбири "Пахтакор" стадионида ўтказилган, унга санъат юлдузлари таклиф қилинган, бу кун ҳақиқий ва эсда қоларли тарзда ўтган эди. Албатта, бундай тадбирларни кичик мактаб доирасидан ташқари туман миқёсидаги катта майдонларда, стадионларда, зиёратгоҳларда, клубларда ҳам ўтказиш мумкин. Байрам сценарийсини тайёрлашда аввало Ўзбекистоннинг ўтган 11 йил мобайнида иқтисод, сиёсат, маънавият соҳасидаги ютуқларидан лавҳалар келтириш, сўнгра юрт тараққиётига вилоят, шаҳар, туман, қишлоқ миқёсида қўшилаётган ҳисса ҳақида гапириш мақсадга мувофиқдир. Мумкин қадар байрам тадбирига ҳар бир мактабнинг ўтган йилги битирувчиларидан ҳам таклиф қилиш керак. Собиқ битирувчи агар олий ўқув юрти талабаси бўлса, нур устига нур. Вилоят, шаҳар, туман миқёсидаги битирувчилар шодиёнасида ҳар бир мактабнинг шу ўқув йилида эришган ютуқлари тилга олиниши лозим. Хусусан, "Йил мактаби", "Йил ўқитувчиси" танловларида иштирок этган, "Умид ниҳоллари" спорт ўйинларида қатнашган ўқувчилар, туман, шаҳар, вилоят, республика миқёсидаги фан олимпиадаси ғолиблари намуна қилиб кўрсатилади. Бу хилдаги ютуқлар байрам руҳига руҳ, мазмунига мазмун қўшади.

Битирувчи етуклик шаҳодатномасини қўлига олгач, улардан айримлари кўнглидан ўтаётган туйғуларни ифодалаш учун ўртага чиқиши мумкин. Кечанинг расмий қисми тугагач, албатта, унинг бадиий қисмини ҳам давом эттириш лозим. Ҳаваскор хонандалар ёки эл назарига тушган санъаткорлар байрамнинг бадиий қисмини куй-қўшиқ, рақс билан давом эттиришлари керакки, бусиз битирув оқшомлари файзсиз, тароватсиз кечади.

Хоразм, Самарқанд, Жиззах вилоятларининг айрим мактабларида ўтган ўқув йилларида қўллаб-қувватлашга арзийдиган ташаббус бошланганини нафақат ушбу ҳудудларда, балки бутун республикада кенг ёйиш ҳар жиҳатдан мақтовга лойиқ. Бу ҳар бир битирувчининг ўзи ўқиган мактабига бир донадан китоб совға қилиш ташаббусидир. Биласиз, ҳозир мактаб кутубхоналарида ташлаб юборишга кўз қиймайдиган эски дарсликлар тўлиб-тошган, ахир улар ҳам китоб-да. Бадиий, илмий адабиётлар эса камёб. Агар ҳар бир битирувчи ўз мактаби кутубхонасига бир донадан бадиий китоб ҳадя қилса, нурхоналар анча-мунча бойиган ва бундан уларнинг ука-сингил, жиянлари фойдаланишган бўларди.

Битирув оқшомларини айрим мактабларда, хусусан, шаҳар, таълим масканларида қуюшқондан чиқиб нишонлаш ҳолатлари ҳам учраб туради. Дабдабаю асъасага сира ҳам ҳожат йўқ. Битирув кечасида, аввало, мазмун биринчи ўринда туриши керак. Шакл эса иккинчи даражалидир. Фалон сўмдан пул йиғиш, тўкин дастурхон ясатиш, спиртли ичимликлар билан бир-бирларини қутлаш турли кўнгилсиз ҳодисаларни ҳам келтириб чиқарадики, шу боис бундай ҳолатлар ман қилиниши керак. Юқорида таъкидладик, ҳаётда бир марта ва охирги бор бўладиган тадбирдаги мазмун умрбод эсда сақланиши билан ўз аҳамиятини топади.

РТМ маънавий-маърифий ишлар бўлими

Direktor minbari

МАСЪУЛИЯТ ЮКИ ОҒИР

Мактаб — муқаддас даргоҳ. Унда келажак камол топади. Шу боисдан ҳам бизнинг илм ўчоқларига ҳар қачон эътибор ўзгача, муаллимга — устозга ҳурмат бўлакча бўлган. Республикамиз мустақилликни қўлга киритгач, таълим тизимига эътибор кучайди. Зеро, ёшлар тарбияси ҳар қачон долзарб масала ҳисобланиб, юртнинг келгуси равнақини белгилашга қодир кучдир . Ўсиб-унаётган фарзандларимиз келажагимиз таянчи уларнинг илм-фан, сир-синоатларини ўрганишларида ҳеч бир давлат фарзандларидан кам-кўстсиз вояга етишларида биз масъулмиз.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури юртимиз халқ таълими тизимида катта аҳамиятга эга бўлган ўзгаришлар бўлишига замин яратди. Янги замонавий техник жиҳозларга эга бўлган умумий ўрта таълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, лицейлар қурилиб, фойдаланишга топширилди. Пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманидаги 324-мактаб ҳам мустақиллик йиллари яъни, 1997 йил 1 сентябрда ўз фаолиятини бошлади. Ўқув йилининг биринчи йилиданоқ билим ўчоғида таълим-тарбия ишлари яхши йўлга қўйилди. Унда айни пайтда 100 нафар ўқитувчи 1850 нафар ўқувчиларга билим бериб келмоқдалар.

Мактабимизда ёшларни Ватанга садоқат, эл манфаати йўлида хизмат қилиш ғоялари асосида камол топтириш, уларнинг ижтимоий муаммоларини ҳал этиш ва жамоат ишларида фаолликларини ошириш юзасидан алоҳида дастур асосида иш олиб борилади. Бунда ёшларнинг сиёсий онги, сиёсий маданияти ва ижтимоий-маънавий фаоллигини, уларнинг ўз қобилиятини тўла рўёбга чиқаришлари учун "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими билан олиб борилаётган ҳамкорлик ишлари эътиборга молик. Мактабда ҳафтанинг ҳар бир куни маълум йўналишда номланган бўлиб, ўқув ишлари шу асосда ўтади. Масалан, душанба сиёсий-ҳуқуқий соҳа бўйича ўқувчиларга кўпроқ тушунчалар беришга ҳаракат қилинади. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қонунлари, Президент фармонларини кенг ўрганиш, ёшларимизнинг Ватан олдидаги бурчи ҳақида давра суҳбатлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи муассаса ходимлари билан учрашув кечалари ўтказилади. Бундан ташқари, ҳар ойнинг иккинчи сешанбасида ўқитувчиларимиз томонидан мактабда маънавий-маърифий ишларга алоҳида эътибор берилса, ойнинг учинчи чоршанбасида эса ижтимоий-иқтисодий соҳага асосий урғу қаратилади. Бу кунда мактабимизда ўқиб, уни битириб кетган ўқувчиларни ишга ва ўқишга жойлашганликларидан хабардор бўлиш, муҳтож ўқувчиларга ёрдам бериш кўзда тутилади. Шартнома асосида турли ўқув юртлари билан ҳамкорликда иш олиб борилади. Қизиқишларига кўра ўқувчиларнинг турли касб эгалари билан ижодий учрашувлари ташкил этилади. Шунингдек, ҳар ойнинг тўртинчи пайшанбаси: спорт-жисмоний тарбия куни, ҳар ойнинг биринчи жумасида эса халқаро фаолият соҳаси бўйича тарбиявий ишлар олиб борилади.

Илм даргоҳимизда ўқувчилар табақалаштирилган синфларда билим оладилар. Айниқса, мактабимизда 1-4 синф ўқувчиларига ҳам инглиз тили, компьютер асослари, тарих, конституция сабоқлари дарсларининг бериб борилиши аҳамиятга молик. Булардан ташқари мактабда ташкил этилган мониторинг хонаси Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида амалга оширилаётган ишларнинг таҳлиллари ва натижаларни мужассамлаштиради. Мониторинг хонасида илғор тажрибалар, таълим самарадорлигини оширишга қаратилган янги педагогик технологиялар, методик қўлланмалар, рисолалар, дарс ишланмалари ўрганилади ва лозим бўлган ўқитувчилар ишини оммалаштиришга таклифлар киритилади.

Маълумки, айни кунда ўқув йилини якунлаш арафасида турибмиз. Демак, ғалвир сувдан кўтариладиган палла яқин. Бу эса айниқса, мактабимизда 9 йил давомида таҳсил олиб, бугун катта ҳаёт остонасида турган 145 нафар битирувчи синф ўқувчиларимиз зиммасига янада катта масъулият юклайди. Чунки улар битирув имтиҳонлари олдида туришибди. Мактаб маъмурияти ушбу синовларнинг намунали ўтиши учун кўплаб чора-тадбирларни ишлаб чиқишган. Мактаб даҳлизига кираверишда битирув имтиҳонлари жадвали, имтиҳонларда иштирок этадиган ўқувчилар ҳамда имтиҳон комиссияси раиси, унинг аъзолари рўйхати илова қилинган. Ҳаттоки, қайси фандан қайси куни консультациялар бўлишигача кўрсатиб қўйилган. Шуни таъкидлаш лозимки, айни дамгача ўқувчиларимиз 14-22 май кунлари жисмоний тарбия фанидан ўтказилган биринчи Давлат имтиҳонларидан муваффақиятли ўтишди. Энди эса олдинда турган янада масъулиятли имтиҳонларга тайёргарлик кўрмоқ лозим. Ишонамизки, ўқувчиларимизнинг йил давомида илм масканининг тажрибали ўқитувчиларидан олган билимлари нафақат бугунги синовларда, балки кейинги ҳаёт йўлларида ҳам асқотади.

Эътиборлиси, бутун республикамиз битирувчилари томонидан бошланган ўз мактабларига совға тариқасида ўзлари таҳсил олган синфхоналарини сифатли қилиб таъмирлаб бериш ташаббуслари ўқувчиларимиз томонидан ҳам қўллаб қувватланаётганлиги биз ўқитувчиларни ҳам руҳлантириб юборди. Зеро, бу каби эзгу ишлар Ватан тараққиётини таъминлаш учун амалга оширилажак улкан бунёдкорлик ишларининг дебочаси бўлиб хизмат қилиши тайин.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, фарзандларимиз келажаги, уларнинг камолоти учун биз масъулмиз. Масъулият юки эса оғир. Уни сидқидилдан адо этиш ўзини шу юрт фарзанди деб ҳисоблаган ҳар бир кишининг шарафли бурчи ҳисобланади.

С.ШАРИПОВА,
Шайхонтоҳур туманидаги 324-мактаб директори

"Мен экотуристман" деб рюкзагини орқалаган ҳар қандай шижоатли ўқувчи, ўсмир ёшлар борки, уларнинг барчаси бизни ўраб турган табиат ҳимоячиларидир.

Tadbir

ФАРҒОНА ВОДИЙСИДА ЖАДИДЧИЛИК ҲАРАКАТИ

Ўтган асрнинг 20-йилларида майдонга келган ва шубҳасиз, мустақиллик учун курашган жадидчилик ҳаракатининг бош мақсади виждон, сўз, фикр эркинлигига эришиш эди. Шу боис Президентимиз мамлакат тараққиётининг муҳим бос-қичлари ҳақида фикр юритар экан, жадидчилик ҳаракатининг тарихдаги ўрнига катта баҳо берган эди.

Андижон Давлат университетида "Фарғона водийсидаги жадидчилик ҳаракати" мавзуида ўтказилган республика илмий-назарий анжумани ҳам тарихий сиймолар фаолиятига бағишланди.

Мазкур анжуман Бобур номидаги Андижон Давлат университети, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти, "Шаҳидлар хотираси" республика хайрия жамғармаси, "Мерос" халқаро илмий-амалий экспедицияси хайрия жамғармаси ташаббуси билан уюштирилди. Унда республикамизнинг таниқли тарихчи олимлари иштирок этишди.

Анжуманнинг "Жадидчилик ҳаракати: унинг илдизлари, шаклланиш, ривожланиш босқичлари" йўналиши бўйича, шунингдек, "Жадидларнинг маърифатчилик, ижтимоий-сиёсий фаолияти, қисмати ва тақдири" ҳамда "Жадидчилик ўзбек ва хориж тарихшунослиги талқинида" мавзулари юзасидан ўтказилган шўъба йиғилишлари ҳам қизғин баҳс ва мунозараларга бой бўлди.

О.СИДДИҚОВ,
"Ma'rifat"нинг махсус мухбири

ЭКОТУРИЗМ ФАҚАТ САЁҲАТ ЭМАС

Кундалик ҳаётимизда теварак-атрофга оқилона муносабатни шакллантириш учун республика Давлат болалар кутубхонасида 2002 йил халқаро экотуризм йилига бағишлаб "Ёшлар ва экотуризм" мавзусида ўтказилган анжуман том маънода кўп қиррали байрамга айланди. Тадбирда сўзга чиққан "Экосан" Тошкент клуби вице-президенти Мансурхон Тоиров экотуризм афзалликлари хусусида гапириб шундай деди:

— Экотуризм фақатгина саёҳат эмас. У саёҳатнинг шундай турики, бунда иштирок этувчилар ҳақиқий ўлкашуносга айланадилар. Ватан тарихидан сўзловчи қадамжолар, ўт-ўлану адирлар, қўйингки, она-юртнинг ҳар бир тоши экотуристлар нигоҳидан четда қолмайди. Энг асосийси, улар ўзларини табиатга оқилона муносабатда бўлишга, атроф-муҳит ифлосланишига қарши курашга чорлайдилар ва бошқаларни ҳам шундай бўлишга ундайди. "Мен экотуристман" деб рюкзагини орқалаган ҳар қандай шижоатли ўқувчи, ўсмир ёшлар борки, уларнинг барчаси бизни ўраб турган табиат ҳимоячиларидир.

Тадбирда қатнашаётган Тошкент шаҳридаги 145-мактаб ўқувчилари ва жами китобхонларда экотуризмга қизиқиш уйғотадиган бундай ҳикоядан сўнг, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг профессори, география фанлари доктори Баҳодир Бахритдинов республикамиз ҳар бир вилоятининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида қизиқарли, баҳс-мунозарали суҳбат ўтказди.

Куннинг иккинчи ярмида ҳамманинг ёдида қоладиган "Ўзбекистон — она Ватаним" мавзусида экоўйин ўтказилди. Ўйинда ғолибликни қўлга киритган ўқувчилар қимматбаҳо китоблар билан тақдирланишди. Шундан сўнг Людмила Исанбаева "Экология—Экотуризм—Буюк ипак йўли саҳифалари" тизимидаги тушунчаларни ўқувчиларга кўргазмали баён этган ҳолда, кутубхонада ташкил этилган "Экология ва экотуризм" китоблар кўргазмасига барчани таклиф этди.

Умуман, анжуман иштирокчилари кун бўйи зерикиш нималигини билишмади. Аксинча, бир олам таассуротлар билан экологик дунёқарашларини кенгайтиришди. Энди улар албатта ўзларининг кўрган-билганлари ҳақида ўртоқлари, яқинларига гапириб беришади. Демакки, табиат инқирозига қарши курашувчилар сони яна бир каррага ортади.

Насиба ЭРХОНОВА,
"Ma'rifat" мухбири

ИҚТИДОРЛИЛАРГА ПАТЕНТ БЕРИЛИШИ КЕРАК

Бугунги кунда республикамиздаги 137 та техник ижодкорлик марказларида 8312 та тўгарак фаолият кўрсатади. Ўз навбатида мана шу тўгаракларда 92073 нафар ўқувчига 2652 нафар мураббий ҳунар ўргатиб келмоқда.

Куни кеча Республика ўқувчилар техник ижодкорлик марказида барча вилоятларда фаолият кўрсатаётган мана шу марказ раҳбарларининг навбатдаги кенгаши бўлиб ўтди.

Йиғилишда бюджетдан ташқари маблағ топиш, замонавий технологиялар билан таъминлаш, ушбу масканга психологларни жалб этиш, ихтирочи, изланувчан болаларни рағбатлантириш, улар яратган янги турдаги кашфиётга патент олиш каби бир қанча масалалар кўрилди. Шунингдек, мактабдан ташқари муассасаларнинг нодавлат кўринишини шакллантириш ҳам йиғилиш кун тартибига қўйилган масалалардан бўлди.

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлиги, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Республика Давлат патент идораси, Республика ўқувчилар техник ижодкорлик маркази ҳамкорликда ўтказган ушбу тадбирда вазирликнинг маънавий-маърифий ишлар бошқармаси бошлиғи Ж.Фозилов, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг "Болалар" ташкилоти раиси Қ.Қуронбоевлар қатнашдилар.

Ғайрат ПЎЛАТОВ,
Шаҳрисабз тумани "Ёш техниклар ижодкорлик" маркази директори

ТАБИАТНИ АСРАНГ, ОДАМЛАР!

Яқинда пойтахтимиздаги Саъди Сирожиддинов номидаги 1-ўрта мактабнинг "Ёш биологлар" тўгараги "Она табиатни асрайлик" мавзуида анжуман ўтказди. Унда Ўзбекистоннинг бугунги кундаги экологик муаммоларига бағишланган маъруза ва чиқишлар қилинди.

Анжуманнинг мақсади, келажагимиз эгалари ҳисобланаётган мамлакатимиз ёшларини азалдан бизнинг миллий анъаналаримиз бўлган атроф-муҳитга, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсига айрича меҳр ва муҳаббатини шакллантиришдан иборат бўлди.

Айниқса, шу мактаб ўқувчилари Беҳзод Тўхтабоев ва Дилдора Ҳакимованинг Ўзбекистондаги сув ва ҳаво муаммоларига бағишланган чиқишлари ўтирганларни бефарқ қолдирмади.

Анжуманда сўзга чиққан "Биоэкосан" республика ўқув-услубий мажмуаси раҳбари Р.Султонов, профессорлар К.Розиқов, Д.Тешабоев ва бошқалар ана шу муаммоларнинг олдини олиш ва табиатни муҳофаза қилиш барчамизнинг бурчимиз эканлигини таъкидладилар.

Тадбир сўнгида ушбу тўгарак раҳбари Карима Турдиева саъй-ҳаракати билан тайёрланган бадиий қисмда ўқувчиларнинг она замин тилидан айтган нолалари ҳамда буюк ўтмишдошларимиз ўгитлари иштирокчиларни мамнун этди.

Ўктам ҚИЛИЧЕВ

РАДИО ТЎЛҚИНЛАРИДА РЕКЛАМА

Seminar

Тошкентдаги журналистларни қайта тайёрлаш халқаро жамоатчилик марказида "Оммавий ахборот воситаларида, хусусан, радиода реклама" мавзуида семинар бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультети, ЎзМУ журналистика факультети талабалари, FM радиоларининг реклама агентлари, шунингдек, қизиққан журналистлар ҳам иштирок этдилар. Семинарни марказ директори Гулнора Бобожонова очиб, иштирокчиларга маърузачи Саида Орифхонови таништирди.

У "Радиода реклама тайёрлаш асослари" мавзуида маъруза қилди.

Дарҳақиқат, бугунги кунда реклама барча оммавий ахборот воситаларини қамраб олди. Уни, айниқса, "қоғозсиз ва масофасиз газета" — радиода ёйиш қулай, тез ва ўнғайдир. Шу боис юртимизда фаолият кўрсатаётган радио тўлқинлари — "Ёшлар" канали, "Водий садоси", "Ўзбегим таронаси", "Гранд"-да рекламага кенг ўрин ажратилмоқда. Семинарда FM радиоларида рекламани тайёрлаш ва узатиш тамойиллари, муаммолари ҳақида зарур маълумотлар берилди.

Давронбек ТОЖИАЛИЕВ,
"Ma'rifat" мухбири

БОЛАЛАР СУДЛАНУВЧИНИ КЎРИШДИ

"Ёшлар ва қонун" клуби бир неча йиллардан буён Республика Давлат болалар кутубхонасида фаолият юритаётган бўлиб, унда пойтахтимиз мактабларининг юқори синф ўқувчилари жиноят ҳуқуқи, фуқаролик, конституция, халқаро ҳуқуқ каби тармоқларда ўз билимларини ошириб келмоқдалар.

Куни кеча ушбу клуб аъзолари Мирзо Улуғбек тумани судида кўрилаётган суд жараёнида иштирок этдилар.

Судья Г.Маҳмудов томонидан кўрилган жиноят иши Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 164-моддаси II қисми бўйича қўзғатилган эди.

Уч маротаба судланиб, ўзлари учун тегишли хулоса чиқармаган жиноятчиларнинг суд жараёнида ўзларини тутишлари, уларнинг ота-оналари, қариндошларининг нолаларини тинглаган ўқувчилар жиноятга қўл уриш ёмон оқибатларга олиб келишига яна бир карра амин бўлдилар.

Дилором ФАЙЗИЕВА

Anjuman

ДАРСЛАРНИ ҚАНДАЙ ЎТАСИЗ?

Яқинда Тошкент Давлат Шарқшунослик институтида "Етук мутахассисларни тайёрлашда, замонавий педагогик технология ва интерактив усулларнинг самарадорлиги" мавзусида илмий-услубий анжуман бўлиб ўтди. Мазкур анжуман педагогикадаги янгиликлар, замонавий педагогик технологиялар юзасидан ўқитувчиларнинг тажриба алмашиб, ўз методик базаларини янги маълумотлар билан бойитишларида муҳим аҳамиятга эга. Анжуманда бир неча олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари ўз маърузалари билан иштирок этдилар. Шу институт профессори О.Шоматовнинг "Лингвистик йўналишдаги шарқшунослик мутахассисларни тайёрлашнинг айрим муаммолари", профессор А.Қурбонбековнинг "Шарқ тилларини ўқитишда замонавий педагогик технологияларни қўллаш", доцент А.Жалиловнинг "Педагогик технологияларни жорий этишнинг оптимал тартиби" каби маърузалари йиғилганларда ижобий таассурот қолдирган бўлса, "Инновацион технологиялар маркази" директори, профессор Н.Азизхўжаеванинг "Малакали мутахассисларни тайёрлашда замонавий педагогик технологиялар", 1-Тошкент давлат тиббиёт институти профессори А Гадоевнинг "Талабалар билимини баҳолашнинг объектив-структурал методи" каби маърузалари ҳам анжуман иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди.

Г.РИХСИЕВА

ФАҚАТ МАКТАБ УЧУН

Республика "Ўзпахтасаноатсотиш" уюшмасининг раиси Эркул Зикриёевнинг ташаббуси билан Косон туманидаги "Мустақилликнинг ўн йиллиги" мактаби ўн миллион сўмлик дарслик ва ўқув қуроллари ҳамда спорт жиҳозлари билан таъминланди.

Уюшма ҳомийлигида жорий ўқув йилида 226 ўринли янги замонавий мактаб ҳам қурилиб, фойдаланишга топширилди. Энг асосийси, ўқувчилар юз фоиз ўқув дарсликларига эга бўлишди.

"Туркистон-пресс"

Mehmonxona

Атоқли адабиётшунос олим, профессор, филология фанлари доктори, академик Матёқуб Қўшжонов дастлаб Чоржўйда, кейин Самарқанд, Тошкент ва Тошҳовузда таълим олган. Москвадаги Ижтимоий фанлар академиясининг эстетика кафедрасида билимини оширган.

Ҳозиргача олимнинг қирқдан зиёд китоблари чоп этилган. Олимнинг икки жилдли "Сайланма"си ҳам нашр этилган.

М.Қўшжоновнинг замонавий ўзбек адабиётининг долзарб муаммоларига, машҳур адибларимиз ижодлари таҳлилига бағишланган тадқиқотлари ижодкорлар, тадқиқотчи ва талабалар, китобхонлар томонидан севиб ўқилади. "Ҳаёт ва маҳорат", "Ҳаёт ва нафосат", "Ижод сабоқлари", "Абдулла Қодирийнинг "Ўткан кунлар"идаги тасвирлаш маҳорати", "Ойбек маҳорати", "Қалб ва қиёфа" номли тўпламлари, Айний ва Ҳамза ижодига бағишланган монографияси, "Шедрость таланта" (Москва) китоби ўзбек адабиётшунослигининг жиддий ютуғи сифатида эътироф этилган.

Кейинги йилларда М.Қўшжоновнинг бир неча хотира, эсдаликлар китоблари чоп этилди. "Дагиш", "Алам", "Дийдорнома" асарлари шулар сирасидандир.

Дарвоқе, атоқли олим Матёқуб Қўшжонов "Mehmonxona" рукнимизнинг юзинчи меҳмонидир. Домлага бардамлик, ижодий куч-қувват, 100 ёшларга кириш тилагини билдирамиз.



Матёқуб ҚЎШЖОНОВ:

ЛИЦЕЙ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ МУРАККАБ САВОЛЛАРИДАН МАМНУН БЎЛДИМ

— Домла, Сизнинг иккинчи жаҳон урушида қатнашиб, мерган сифатида душманларнинг додини берганингиз ҳақида кўп гапиришади. Мерганлик маҳоратингизни баъзан танқидчи сифатидаги кескин чиқишларингизга боғлашиб, "Ҳа, домла мўлжални аниқ олиб, нишонга тўғри уради", дейишади. Мерганлик билан танқидчиликнинг қандай боғлиқ томонлари бор?

— Бундай қараганда, снайперлик (мерганлик) билан танқидчилик ўртасида ҳеч қандай боғлиқлик йўқдай кўринади. Бироқ моҳиятга назар ташласангиз, қандайдир боғлиқлик ҳам борлигини ҳис қилиш қийин эмас. Снайпер душманни қулатиш учун мўлжални тўғри ва аниқ олиши керак. Мунаққиднинг иши ҳам худди шунга ўхшаб кетади. У ҳам мўлжални тўғри ва аниқ олиши керак. Хўш, снайпер мўлжали билан мунаққид мўлжалида қандай фарқ бор? Фарқ шундаки, снайпер битта объектни мўлжалга олади, мунаққид мўлжали эса биргина объект билан чекланмайди, у, аввало, мўлжалга олган асарининг бадийяти қувватини аниқ билиши керак. Кейин бу асарда ёзувчи нима демоқчи, қайси маънони ифодаламоқчи — буларни теран англаши лозим... Қолаверса, снайпер бўлиш учун минглаб ўқ узиб, икки-уч ой машқ қилиш етарли бўлади. Аммо бадиий асар матнини англаш учун теран билим — йиллаб мутолаа билан шуғулланишга тўғри келади. Кўраяпсизки, мўлжалга урадиган мунаққид бўлиш душманни қулатадиган снайпер бўлишдан кўра анча қийин иш.

— Адабиётда Сизни устоз деб тан оладиганлар жуда кўп. Сизнинг устозларингиз кимлар бўлган? Мактабда илк таълимни берган ўқитувчингизни, кейинчалик олий ўқув юртида адабиётдан сабоқ олган устозларингизни эслаганингизда кўнглингиздан қандай ўйлар кечади?

— Афсуски, мен мактабга кеч борганман. Бизнинг қишлоқ жойларда мактаб энди ташкил қилинаётган пайтлар эди. Чамамда, ўн ёшларда бўлсам керак, бунгача мен қишлоқ мачитида мусулмон домласидан дарс олганман. Бизнинг оиламиз ўта диндор бўлмаса ҳам, диндорликка алоқаси бор эди. Оиламиз китобхонлар оиласи эди. Қуръони карим йўлакдаги токчада турарди. Ўтганда-кетганда уни тавоф қилиш лозим ҳисобланарди. Халқ китоблари уйимизда кўп ўқиларди. Бунинг сабаблари ҳам бор эди. Бизнинг оиламиз маълум даражада саводхон эшонлар оиласига яқинроқ турар эди. Ҳатто шажарага кўра, бизнинг аждодларимиз Ҳаким ота, яъни Сулаймон Боқирғонийга бориб боғланади. Биз Ҳаким отадан кейинги ўн учинчи ёки ўн тўртинчи авлодмиз. Соч қўйиш, шапка ва шим кийиш биз учун ман этиларди ўша замонлар. Шундай пайтда қишлоқда янги мактаб очиладиган бўлиб қолди. Янги мактабга болаларни жалб қилишаётганмиш, деган гап чиқди.

Кунларнинг бирида бир отлиқнинг бизнинг эшик томон келаётганини кўриб қолдим. Укам Отамурод билан ҳовлининг нариги эшигидан чиқиб, тўқай томон қочдик. Тўқайга ҳам ишонмасдан, Шовот каналининг ёқасига тушиб олиб, кўп юрдик. Бир пайт қирғоққа чиқдик. Не кўз билан кўрайликки, отлиқ рўпарамизда турибди. Қўлга тушдик. Отлиқ ҳам бола ҳолатини яхши биладиган киши экан, ҳеч нима демасдан, бизга бир ҳовуч қанд-курс узатди. Қандни яхши кўрардим, отлиққа эргашганимизни ўзимиз ҳам билмай қолдик... Шу йўсинда менинг мактаб кунларим бошланди.

Бу отлиқни Райим муаллим дейишарди. Кейинчалик у бизнинг уйимиздаги меҳмонхонада истиқомат қиладиган бўлди. У вақтлар дарсга борганларга битта-иккита мошинқанд, тушдан ўтар-ўтмас иссиқ овқат ҳам бериларди. Бу болаларни жалб қиладиган ҳодиса эди. Аммо мен Райим муаллим бошқараётган ўқишга бўйин бермасдим.

Шундай қилиб, 6-синфгача мен янги мактабда яхши ўқимадим. Фақат 5-синфдагина менда янги мактабга нисбатан уйғониш пайдо бўлди. (Бу 1930—35-йиллар атрофидаги гаплар.)

Шу маънода, мени дастлаб мактабга етаклаб олиб борган Райим муаллим бугун ҳам кўз ўнгимда жонли бир инсон сифатида гавдаланиб туради.

Олий ўқув юртларидаги ўқишларим турли жойларда ўтган. Бир неча ой Тошкентда ўқитувчилар институтида, Самарқандда, Тошҳовузда... Тошкентда бизга дарс берган доцент Фаттоҳ Абдуллаев, профессор-психолог Ивановни яхши эслайман. Самарқандда Садриддин Айний бизга бевосита дарс бермаган бўлса ҳам, у киши билан дуч келган пайтларим кўп бўлган. Воҳид Абдуллаевдан сабоқ олганмиз. Ҳанузгача у кишидан миннатдор бўлиб юраман.

Иккинчи жаҳон уруши менинг интилишларимни бўлиб қўйди. 1945 йили хизматдан келиб СаГУда Аюб Ғуломов, Ғулом Каримов, Ҳамид Сулаймон каби билимдон, талабчан устозлардан таълим олганман.

Москвада Ижтимоий фанлар академиясида менга раҳнамолик кўрсатган Россия Фанлар академияси аъзолари М.Храпченко, В.Василев, И.Ломидзеларнинг ҳам адабиёт сирларини эгаллашимдаги хизматлари оз эмас.

— Ёшларга сабоқ бериш, ўқитувчилик масъулиятига қандай қарайсиз?

— Ўқитувчиликни яхши кўраман, гарчи моҳир нотиқ бўлмасам-да. 30-йилларнинг ўрталарида саводсизликни тугатиш курсларида дарс олиб борганман. Иккинчи жаҳон уруши арафасида, бир йил чамаси, ўрта мактабда тил ва адабиёт муаллими бўлиб ишлаганман. Уруш бу ишларнинг белига тепди... Тўрт йиллик Москвадаги ўқиш менга илмий жиҳатдан катта куч-қувват берди.Уни сарф қилиш керак эди. Бахтимга ТошДУга ўқитувчи бўлиб тайинландим. Тахминан, 70—80 соат бадиий маҳорат мавзуида махсус курс олиб борадиган бўлдим.

Ишнинг бошланиши қизиқ бўлди: аудиторияга илк бор кирганимда сўзимни дарсга қатнашишнинг ихтиёрий эканидан бошладим ва: "Дарсимга хоҳлаган талаба кирсин. Синов, имтиҳонлардан ғам емасанглар ҳам бўлади. Кимки гаплашмоқчи бўлса, ташқарига чиқиб, гаплашиб олиб, яна кириб ўтираверишi мумкин. Кулгили бир ҳол рўй берса, аудиториядан чиқиб, кулиб-кулиб, яна кириб ўтираверишi мумкин. Булар менга халақит бермайди", дедим.

Гапни бундай бошлаш менга, албатта, осон бўлмади. Бироқ шу йўл билан ўз билимимни синаб кўриш менга афзал кўринди. Натижа шундай бўлдики, биринчи кунлар аудиторияда бўш жойлар борлигига кўзим тушди. Уч-тўрт гал дарс ўтганимдан кейин бу бўш жойлар ҳам тўлди. Ҳатто бирорта талаба бирор сабаб билан дарсга келмай қолган бўлса, эртаси келиб узр сўрайдиган бўлди. Яна бир нарса эсимда: кейинчалик бошқа факультетлардан ҳам келиб дарсга қатнашувчилар топилди.

Маърузаларни мен баъзи домлалардай равон, бир хил оҳангда олиб бора олмасдим. Ҳар бир масалани бандма-банд тушунтириш учун ҳаракат қилардим. Энг муҳими, ҳар бир фикримни адабий жараёндан олинган мисоллар билан далиллашга уринардим. Бу ердаги илмий доирага маълум бўлмаган янги қарашлар ва бу қарашларнинг ўзбек адабиётидан олинган мисоллар билан далилланиши талабаларнинг талабларига жавоб бўларди, назаримда.

— Невараларингиз ҳақида гапириб берсангиз. Уларнинг китобга меҳри қандай? Сизнинг илмий-ижодий фаолиятингизга улар қай даражада қизиқишади? Қўшжонов домла анъаналарини давом эттирадигани борми улар орасида?

— Менинг иккита фарзандим, еттита неварам бор. Шулардан иккитаси олий ўқув юрти талабаси, яна икки неварам лицейда, қолганлари мактабда ўқийди. Улар орасида мен учун энг умидлиси неварам Жасур Қўшжонов. У Жаҳон тиллари университетининг академик лицейида ўқийди. Аълочи. Ҳатто "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати бўйича лицейда раис. У адабиётни севади, кўп шеърларни ёд билади. Анчагина йирик бадиий асарларни ҳам ўқиб чиққан. Бор китобларимни унга мерос қилиб қолдиришимни ҳам ўзига айтганман. Одамлар билан муомалада ҳам, одоби икромда ҳам ками йўқ. Менинг ундан умидим катта.

Ҳар ҳолда домла Қўшжоновнинг анъаналари тўхтаб қолмаса керак.

Албатта, мен невараларим тимсолида келажак авлодни кўраман, мамлакатимиз эртанги кунининг эгаларини кўз олдимга келтираман. Ёш авлоднинг маънавий дунёси қай тарзда шаклланаётгани нафақат мени, балки ҳар бир ота-онани, буви ва бувани ўйлантириши, табиий.

Қадимдан маълумки, илмнинг асл манбаи — китоб. Китобга муҳаббат эса анча сусайган кўринади. Биз талабалик даврimизда қайси ёзувчи қандай асар устида ишлаётганию, у қачон битишини эшитиб, асарнинг эълон қилинишини тоқатсизлик билан кутардик. Ҳатто айтиш мумкинки, ҳар бир асарнинг чоп қилиниши ёшлар учун катта воқеа бўларди. Бугун ҳам ёзувчиларимиз асарлар ёзишаяпти, эълон ҳам қилишаяпти, бироқ уларга нисбатан кутилган қизиқиш йўқ. Асарнинг эълон қилиниши кўпларга номаълум бир воқеа сифатида ўтиб кетаяпти. Балки бу ҳол бозор иқтисодининг қонуниятлари билан боғлиқдир. Эҳтимол, бошқа бирор, биз билмайдиган сабаблари бордир.

Бироқ мустақилликдан кейин эътиборга сазовор энг катта янгиликлардан бири шу бўлдики, Президентимиз ташаббуси билан таълим-тарбия масалаларини янгидан кўриб чиқилди. "Таълим тўғрисида"ги қонун асосида республикамизнинг ҳамма жойларида, ҳатто узоқ-узоқ туманларда ҳам махсус коллежлар қурилди, лицейлар барпо этилди. Шуларнинг бири билан мен шахсан яқиндан танишман. Бу Элликқалъа туманидаги лицей. Мен бу лицейга бориб, учрашув ўтказишга ва қарийб икки соат лекция ўқишга ҳам муяссар бўлдим. Ўқувчиларнинг ўртага ташланган ҳар бир масалага алоҳида эътибор беришлари ва кутилмаган, илмий жиҳатдан мураккаб саволлар билан менга мурожаат қилишларидан мамнун бўлдим. Алоҳида жойларда бешта-ўнта компьютерлар ўрнатилган бўлиб, улар билан шуғулланаётган ёшларни кўриб, мамлакатимизда қабул қилинган таълим дастури бежиз эмаслигига яна бир карра амин бўлдим. Умуман, Берунийдай улуғ зотни берган бу элда илм-фанга бўлган қизиқиш ва шунга яраша ташкилий жиҳатдан яратилган шароит менда катта таассурот қолдирди.

— Бугунги кунда ижодкор зиёлилар, ўқитувчилар зиммасидаги вазифалар орасида энг долзарби қайси деб ҳисоблайсиз?

— Ўзбек ижодкор зиёлиларининг, шу жумладан, тил ва адабиёт ўқитувчиларининг олдидаги долзарб масала — болаларда, ёшларда реалистик адабиётга муҳаббат уйғотишдир. Шундай бўлсинки, ўқувчи-ёшларимиз ҳақиқий бадиий асарларни бошқа жойга ишонмасдан, ётган ёстиғининг тагига қўядиган бўлсин.

Гап ҳақиқий бадиий реалистик адабиёт ҳақида кетаяпти. Тўғри, ёшларни ҳақиқий бадиий асарларни ўқишга ўргатиш бироз қийин. Ҳатто шундай бўлиши ҳам мумкинки, ота-оналар ёки оиладаги саводли бирор киши бўлса, мактаб ёшидаги болаларга бир неча асарларни ўқиб бериб, уларнинг дидига таъсир ўтказиши лозим. Шахсан мен ўзим ёшлигимдан бошлаб бувим ўқиб берган китоблар таъсирида китобга меҳр қўйганман.

Яқинда мен бир китоб ўқидим. Бу китоб Раҳматилла Иноғомов қаламига мансуб "Шоирлик қисмати" деб номланган. Бу китобнинг ўзига хослиги шундаки, муаллиф шоир Эркин Воҳидовнинг ҳаёт йўлини, инсон сифатидаги шахсий хислатларини унинг ижодий лабораториясига боғлиқ ҳолда таҳлил қилади. Шу йўл билан китобхон учун қимматли фикрларни айтади. Демоқчиманки, ҳурматли адабиёт ўқитувчилари дарсларида, жуда бўлмаса, ўқувчи, талабаларга шу хилдаги китобларни бобма-боб ўқиб берсалар ҳам уларда адабиётга меҳр уйғотган бўлади.

Хуллас, яна такрор айтаман, реалистик адабиётга муҳаббат уйғотмасдан туриб ёшларда китобхонликни кучайтириш мумкин эмас.

Бу ерда яна бир гап бор: бу телевидениега боғлиқ. Бир серияси иккинчисидан кам фарқ қиладиган, баъзан фақат ур-йиқитдан иборат бўлган фильмларни айлантириб қўявериш ўрнига, реалистик адабиётдан олинган ихчам сюжетларни, ўрни келганда халқ севиб ўқийдиган йирик асарларни телеэкранга кўпроқ чиқарилса, биз ютган бўламиз.

Алоҳида таъкидлашни истардим: кечки пайтларда ур-йиқит фильмларнинг кўрсатилиши фақат ёшларга эмас, катталарга ҳам зарарлидир.

— Самимий суҳбатингиз учун ташаккур.

Аҳмад ОТАБОЕВ суҳбатлашди.

Кафедра томонидан тайёрланган ва кўпайтирилган ўқув қўлланмалари китоб шаклида тайёрланган бўлса-да, аммо улар плакат ва слайдлар ҳолатига келтирилмаган.

ДЕМОКРАТИК ХАРАКТЕРДАГИ ЯНГИ КУРС

Мамлакатимиз фуқаролари, ҳар бир мутахассис кадр демократик, ҳуқуқий ва фуқаролик, инсонпарвар жамияти қуришнинг мураккаб ва масъулиятли вазифа эканлигини англаб етиши, унинг назарий асосларини чуқур ўрганиши, уларни ҳаётга татбиқ этишда ўз меҳнати билан қатнашмоғи зарур бўлади. Барча олий ва ўрта махсус таълим ўқув юртларида бўлганидек, Тошкент давлат иқтисодиёт университетида ҳам ижтимоий-гуманитар фанлар ўқитилишига жиддий эътибор қаратиляпти. Хусусан, *"Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти"*ни яхлит курс сифатида ўрганиш, уни талабалар онгига сингдириш ҳозирги кунда мамлакатимиз бошидан кечираётган улкан ўзгаришлар даврининг муҳим талабларидан бири ҳамдир.

Бугунги кунда "Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти" кафедрасига 1 та курс ва 2 та фан ("Сиёсатшунослик" ва "Социология" фанлари ҳамда "Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти" курси) ўқитилиб келинмоқда. Бу курс ва фанлар ўз намунавий дастурларига эга бўлиб, кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан маъруза ва амалий семинар машғулотлари мавзулари тўла ишлаб чиқилган. Курс ва фанлар бўйича тузилган баҳолаш тизими, савол ва тестлар мавжуд. Жамият сиёсий тузилмасига доир бу билимлар талабалар ижтимоий-сиёсий онги ва тафаккурини, мустақил фикрлаш кўникмаларини бойитиб боришга йўналтириляпти.

Кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан курс ва фанларга доир рейтинг назорат жадвали, реферат мавзулари ишлаб чиқилганлиги, фойдаланилган асосий ва қўшимча адабиётлар рўйхати, Олий Мажлис томонидан қабул қилинган муҳим Конституциявий қонун ҳужжатлари, Президент Ислом Каримов асарлари, нутқ ва мақолаларига алоҳида аҳамият берилаётганлиги талабаларнинг демократик жамият қуриш ғояларини мукаммал ўзлаштиришлари учун имконият туғдирмоқда.

Курснинг 36 соатлик маъруза, 36 соатлик семинар мавзуларидаги асосий эътибор Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигини қўлга киритиши ва унинг аҳамияти, мамлакатимизда ҳуқуқий давлат шаклланиши ва бунёд этиш жараёнлари, демократик фуқаролик жамиятининг моддий негизи, бозор иқтисодиётини шакллантириш назарияси ва амалиёти, Ўзбекистон ва жаҳон ҳамжамияти каби муҳим қирраларга қаратилмоқда.

Курс юзасидан маъруза ва семинар машғулотлари ўтказишда демократик жамият қуриш ғоялари ёшлар онгини фаоллаштиришга қаратилган. Кўпроқ мунозара, суҳбат, давра шакли усулидангина эмас, балки интерактив усуллардан фойдаланиб келинаётганлигини қўллаб-қувватламоқ даркор. Республика Президенти Ислом Каримовнинг энг муҳим, асосий асарларини, хусусан, "Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли", "Ўзбекистон — бозор муносабатларига ўтишнинг ўз йўли", "Ўзбекистон — келажаги буюк давлат", "Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида", "Ўзбекистон XXI бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари" ва бошқа асарларидаги ғоялар ҳар бир дарснинг негизини ташкил қилади.

Кафедра профессор-ўқитувчилари университет талабалари орасида сиёсий-маърифий, тарбиявий жараёнларда, кураторлик соатларида ҳам фаол қатнашмоқдалар. Аввало, демократик жамият қуриш ғояларини талабалар онгига сингдириш курс, фанлар бўйича ўқув фаолиятларида, талабаларнинг 2-3-ётоқхоналарида ҳам олиб борилмоқда. Шунингдек, мазкур ўқув йили давомида кафедра доцентлари Турғун Ҳошимов, Олим Йўлдошев, катта ўқитувчилар Бобоқул Раҳмонов, Мукаррамхон Муллажонова ва бошқалар демократик жамиятда сайлов тизими ва унинг Ўзбекистонда амалга ошишининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида суҳбат, савол-жавоб кечалари ўтказишди. Кафедра профессор-ўқитувчилари давлат мустақиллигини мустаҳкамлаш, демократик жамият қуриш ислоҳотларини чуқурлаштириш, мамлакат сиёсий, иқтисодий ҳаётини, давлат ва жамият қурилишини янада эркинлаштириш, маънавиятни юксалтириш, кадрлар масаласи каби муҳим мавзуларга алоҳида эътибор бериб, талабаларнинг демократик жамият қуриш ғоялари ҳақидаги фикрларини бойитиб боришларига эътибор қаратишди. Ётоқхона талабалари сўровларидан ҳам шу нарса аниқки, улар эндиликда демократик, фуқаролик жамияти қуриш бир қанча ваколатли лавозимларнинг давлатдан маҳаллий ҳокимият органларига, жамоат тузилмаларига ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич ўтказилишини англаб ва билиб бормоқдалар.

Яқинда университет илмий кенгаши "Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти" кафедраси томонидан демократик жамият қуриш ғояларини талабалар онгига сингдириш борасида олиб борилаётган ишлар тўғрисидаги масалани кўриб чиқди ва кафедра фаолиятига юқори баҳо берди. Шу билан бирга кафедранинг баъзи аъзолари оммавий-ахборот воситалари минбарларида мазкур курсга кирган энг муҳим ғояларни тарғиб-ташвиқ қилишда кенг фаоллик кўрсатмаётганлиги қайд этилди. Кафедра томонидан тайёрланган ва кўпайтирилган ўқув қўлланмалари китоб шаклида тайёрланган бўлсада, аммо улар плакат ва слайдлар ҳолатига келтирилмаган. Келгусида бу масалалар инобатга олинади.

Исмоил ШОДМОНҚУЛОВ,
ТДИУ "Ўзбекистон тарихи" кафедраси мудири, тарих фанлари номзоди
Турсунбой СУЛТОНОВ,
шу университетнинг "Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти" кафедраси доценти, фалсафа фанлари номзоди

Dolzarb mavzu

ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ АМАЛИЁТГА ТАТБИҚ ЭТИЛСА

Мамлакатимиз илмий ва технологик салоҳиятини тараққий эттиришни ҳозирги замон талаблари асосида ташкил этишни таъминлаш мақсадида яқинда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармони матбуотда эълон қилинди.

Бу фармон Республика ИИВ Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактабида сўнгги йиллар мобайнида амалга оширилаётган илмий-тадқиқот ишларини яна бир карра таҳлил қилиб кўришга ундади. Мактаб профессор-ўқитувчиларидан 40 фоизга яқини фанларнинг физика-математика, юридик, педагогика ва техника соҳалари бўйича илмий унвон ва илмий даражаларга эга ходимлардир. Мактаб ходимларининг изланиш ва кашфиётларидан халқ хўжалигининг кўпгина тармоқларида фойдаланилмоқда. Бугунги кунда улар томонидан 10 дан ортиқ ихтироларга патент олинди.

Сўнгги уч йил мобайнида профессор-ўқитувчиларнинг 40 дан ортиқ илмий ишлари чет элларда нашр қилинди. Мактаб профессор-ўқитувчиларининг илмий изланишлари натижалари Москва, Омск, Киев шаҳарларида, Аргентина, Туркия ҳамда Литвада ўтказилган халқаро илмий анжуманларга юборилиб, тўпламларда чоп этилди.

2000 йил ноябрь ойидаги "XXI аср бўсағасида ҳарбийлаштирилган тизимлар учун кадрлар тайёрлашни такомиллаштиришнинг долзарб муаммолари" мавзусидаги илмий-амалий анжуманда Россия Федерациясидан ва Қозоғистондан ташриф буюрган ўндан ортиқ олимлар, шунингдек, Республика ИИВ Академияси, Тошкент олий ҳарбий техник билим юрти, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ходимларининг ҳамда ўнлаб университет ва институтлардан келган олимларнинг маърузалари муҳокама қилинди.

Ўтган йилнинг январь ойида мактабда патентшунослик ва бошқа йўналишлардаги ўқув қўлланмаларини яратишга бағишланган семинар-тақдимот бўлиб ўтган эди. Унда тармоқнинг қатор илмий-тадқиқот бўлимлари, патентшунослик хизмати ходимлари, пойтахтнинг техникавий ўқув даргоҳлари вакиллари, Олий ва ўрта махсус мактаб муаммолари институти раҳбарлари иштирок этишди. Мактабимиз ёнғин тактикаси кафедраси бошлиғи, техника фанлари номзоди, доцент А.Фаттоҳов томонидан Патентшунослик дарслиги ва шу дарсликнинг намунавий дастури ўзбек ва рус тилларида нашр қилинди ҳамда Республикамиз олий ўқув юртларига бепул тарқатилди.

Мактабда илмий-тадқиқот ишларини амалиётга татбиқ этишга ҳам алоҳида эътибор

Farmon va ijro

берилмоқда. Жумладан, ички хизмат подполковниги Т.Абдуллаев томонидан 1999 йил яратилган, материалларни чиришдан ҳимоя қилиш ингибиторини Чирчиқ шаҳридаги "Электрохимпром" бирлашмасида ишлаб чиқиш технологияси йўлга қўйилди. Дастлабки йилда олинган иқтисодий самара қарийб 6 млн. сўмни ташкил этди.

Умумий фанлар кафедраси бошлиғи, доцент, ички хизмат полковниги М.Усмонов 1999-2003 йилларга мўлжалланган "Халқ хўжалик объектларида ёнғинга қарши янги воситаларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш" деб номланган Россия-Ўзбекистон қўшма лойиҳасида Ўзбекистон томонидан раҳбар сифатида иштирок этаётгани ҳам қувончли ҳолдир. Лойиҳа бўйича янги ёнғин ўчириш қурилмалари ишга туширилди. Уларни ишлаб чиқиш бўйича Россия Федерацияси ва Ўзбекистон Республикасининг патентлари олинди ҳамда 40 дан ортиқ чет мамлакатлар патент маҳкамаларига талабномалар жўнатилди. Синовдан ўтказилган бу қурилмалар мураккаб ёнғинларни жуда яқин масофадан туриб ўчириш имконини беради.

Илмий-тадқиқот фаолиятининг асосий йўналишлари мамлакатимиз ҳаётида юз бераётган ўзгаришларни инобатга олган ҳолда амалга оширилмоқда. Хусусан, "Динамик таъсир остида ишлатилаётган бинолар қурилиш конструкцияларининг ёнғинга чидамлигини тадқиқ қилиш", "Қурилиш полимер моддаларининг ёнғинга хавфлилигини тадқиқ қилиш ва уларнинг ёнғинга чидамлилигини ошириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш" каби мавзулар ҳозирги вақтда ёнғин хавфсизлиги хизмати олдида турган долзарб вазифаларни ҳал қилишда ғоят муҳим аҳамият касб этади.

Давр, тараққиёт доим биздан янги-янги ўзгаришларни, ташаббусларни кутмоқда. Бугунги кунда амалга оширилаётган илмий-тадқиқотлар мамлакат иқтисодий тараққиётида кечаётган таркибий ўзгаришлардаги устуворликлар билан мустаҳкам боғланмаган ҳамда жуда суст ҳолда кечаётганлиги кўпчиликка яхши маълум.

Юқорида зикр этилган Фармонга мувофиқ, Республика Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида олий даражадаги мувофиқлаштириш ваколатларига эга бўлган Илмий-техника тараққиётини Мувофиқлаштириш кенгаши бу соҳадаги камчиликларни тугатишга киришди.

Фан ва технологиялар соҳаси учун **қисқа муддатли, ўрта муддатли** ва **узоқ муддатли** истиқболга мўлжалланган мақсадли вазифалар белгиланяпти. Бизнинг олдимизда эса аввало ушбу Фармон мазмун-моҳиятини тўла-тўкис тушуниб етиш, уни аҳоли ўртасида тарғиб қилиш ва уни ижро этишда барчага ибрат бўлган ҳолда ёндашишдек ғоят масъулиятли вазифа турибди.

Зикрилла НЕЪМАТОВ,
ИИВ Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактаби Илмий-тадқиқот ва таҳририй-нашриёт бўлими бош муҳаррири, ички хизмат подполковниги

Шунингдек, мазкур ўқув йилининг бошида ўқув юртида 50 кишилик бепул "Инглиз тили клуби" очилди ва инглиз тилини мукаммал эгаллаш ниятида бўлган талабаларга хорижлик мутахассис Эмине Смит томонидан қизиқарли дарслар ташкил этиларди.

Tashabbus izidan

"КАМОЛОТ" – ЕШЛИК ИЛЛАЛОЯСИ

Ёшлик — умр баҳори. Бу фаслнинг беғубор қалдирғочлари бўлмиш йигит-қизларга, қалбидаги эзгу ниятларига боқиб, ҳаётнинг гўзаллигига тасанно ўқийсан. Зеро, уларни бирлаштириш, соғлом турмуш талаблари асосида тарбиялаш, жамиятда муносиб ўринларини эгаллашга кўмаклашиш, манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш келажакда комил инсон бўлиб шаклланишларида муҳим аҳамият касб этади.

"Қуш тилини қуш билади" деганларидек, бу эзгу мақсадларнинг амалга ошишига ҳисса қўшувчи "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатига 1-Тошкент Давлат тиббиёт институти мисолида назар солгимиз келди.

Ҳозирда институтнинг жами 4 та — даволаш, тиббий педагогика, стоматология, олий маълумотли ҳамшира факультетларида 3 мингдан зиёд талаба таҳсил оляпти. Уларни ўз сафига бирлаштирадиган, чин маънодаги етакчи ва ҳимоячи бўла оладиган институт "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти қандай ишлар билан машғул эканлигига қизиқдик.

Ташкилот 4 йўналишдаги масалалар юзасидан ўқув юрти ёшлари билан доимий алоқа ўрнатган. Факультетларда уюштириладиган ўқиш жараёни, сиёсий, маънавий-маърифий соҳаларни қамраб олувчи тадбир ва йиғилишлар, фикр-мулоҳазалар талабалар тафаккурини ўстиришга, турли соҳаларга доир билимларини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Шунингдек, бошланғич ташкилот томонидан бир ойда икки марта ўтказиладиган институт миқёсидаги спорт мусобақаларининг амалий аҳамияти хусусида ҳам кўп гапириш мумкин. Буни республикамизда спорт турлари бўйича фахрли ўринларга сазовор бўлаётган институт талабаларининг катта ютуқлари ҳам исботлаб турибди.

Юртимизда ота-онасиз фарзандларни вояга етказувчи меҳрибонлик уйлари мавжудки, унда тарбияланаётган шириншакар болажонлар жиндай меҳрни ҳам ўзларининг мурғак қалбларига қайноқ ҳарорат билан муҳрлайдилар. Шундай экан, "Камолот" ташаббуси билан бундай даргоҳларда хайрия ва байрам тадбирларининг ташкил этилаётганлиги барчамизни қувонтиради. Яқинда даволаш факультети 3-курс талабалари томонидан пойтахтимизнинг 80-меҳрибонлик уйига ҳамда карсоқов болалар мактаб-интернатига қилинган ташрифлар шулар жумласидандир.

Ташкилотнинг ҳар бир факультет, ҳар бир курсда ўз вакиллари бор. Улар жамоатчилик асосида фаолият кўрсатишмоқда. Шунингдек, талабалар уйларидаги вакиллар ёшларнинг ўқишдан кейинги фаолияти билан бевосита алоқада бўладилар ҳамда турли мазмундаги тадбирлар, кечалар уюштирадилар. Бу эса талабалар билан алоқанинг узвийлигини таъминлайди.

Институтда бўлганимизда, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти ваколатхонаси ва ёшлар клуби жойлашган бино эътиборимизни жалб қилди. Маълум бўлишича, бу бино таъмирлангач, замонавий жиҳозлар ўрнатилиб, 2001 йилнинг октябрь ойида ёшлар марказига айлантирилган ва "Камолот" ихтиёрига топширилган экан. 10 кишидан иборат операчилар, театр, замонавий мусиқачилар гуруҳлари тузилган. Шунингдек, мазкур ўқув йилининг бошида ўқув юртида 50 кишилик бепул "Инглиз тили клуби" очилди ва инглиз тилини мукаммал эгаллаш ниятида бўлган талабаларга хорижлик мутахассис Эмине Смит томонидан қизиқарли дарслар ташкил этилаяпти. Бу "Камолот"га уюшган ёшларнинг хорижий тилларни ўрганишга бўлган эҳтиёжларини маълум даражада қондирмоқда.

Ташкилотнинг маданий-маърифий ишлар, ташкилий ишлар, чет эл алоқалари ҳамда спорт бўйича етакчилари — Р.Фозилбеков, А.Шукурова, Ҳ.Баҳодиров, Ҳ.Холиқуловлар ёшлар билан елкадош ҳолда, уларнинг бошини қовуштиришмоқда, муаммолар эса биргаликда ҳал қилинаяпти. Фикр эркинлиги, ижтимоий-сиёсий воқеликка муносабат, касбий таълимда учраётган муаммолар бошланғич ташкилотнинг йиғинларида шундай кўзга ташланади ва муҳокама қилинадики, кузатиб туриб, бугунги ёшлар суслашиб кетди, деган фикрни кескин рад этасан.

Ҳаракатнинг 2001—2002 ўқув йили учун тузилган иш режасига мувофиқ, ҳозирга қадар кўпгина ишлар амалга оширилди. Жумладан, 1-курс талабалари билан учрашув, суҳбатлар олиб борилиб, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракат таркиби, аъзолари фаолияти ва режалари билан таништирилди. Мураббийлар кунига, талабалар кунига, Конституция кунига, Ватан ҳимоячилари кунига, Халқаро хотин-қизлар байрамига, Наврўз айёмига, Хотира ва Қадрлаш кунига бағишланган ижодий тадбирларда байрам сабабчилари тантанали равишда табрикланди. ОИТСга қарши, Силга қарши кураш кунларида эса шунга доир семинарлар ташкил қилинди, терроризмнинг, диний экстремизмнинг хавф-хатарлари ва унинг олдини олишга қаратилган маърузалар тайёрланди, "Камолот" соврини учун турли мусобақалар ўтказилди.

Айтиш мумкинки, "Камолот" бу тадбирларнинг ижросига талабаларни кенг жалб этиш орқали эришди. Айниқса, яқинда бўлиб ўтган "Талабалик баҳори—2002" анъанавий тадбиридаги бадиий намойишлар барчани ҳайратга солди. 120 минг қатнашчи иштирокида 7 кун давом этган тадбирнинг якунловчи босқичи муҳташам "Туркистон" саройида бўлиб ўтди. Унда 24 номинация бўйича ғолиблар аниқланди.

Бундай ижобий ютуқлар ҳақида кўп гапириш мумкин. Айни пайтда муаммолар ҳам мавжуд.

— Институт ёшларининг ёзги таътилни мароқли ўтказишлари учун Сижжак қишлоғида жойлашган "Шифокор" дам олиш оромгоҳи кўп йиллардан бери фаолият юритиб келаётган эди. Бироқ, айрим сабабларга кўра бу маскан бузилиш арафасида. Кўпгина мутасадди ташкилотларга арз қилдик. Бу сўлим гўша яна бизнинг ихтиёримизда қолдирилишини умид қиламиз, — дейди институт "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати раиси Абдуманнон Абдуқаюмов.

Ҳа, талаба ўзи ҳақида қайғурса, бундан хурсанд бўлиш керак. Бунинг замирида эса ёшлар фаоллигини оширишга қаратилган муштарак мақсадлар ётади.

Зеро, Президентимиз И.Каримов таъкидлаганидек, Ҳаракат **"ёшлар кўнглига йўл топиши, улар билан ҳамнафас бўлиб, дарду ташвишларини яқиндан ҳис этиб, уларнинг ҳақиқий ёрдамчисига, маслаҳатгўйига айланиши зарур"** экан, 1-Тошкент Давлат тиббиёт институти "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти ҳам ректорат, касаба уюшмалари, хотин-қизлар қўмиталари билан ҳамкору ҳамнафас бўлиб иш юритиши керак.

Фаррух БЎТАЕВ,
"Ma'rifat" мухбири

ИМКОНИЯТЛАР ЕТАРЛИ: УЛАРДАН ФОЙДАЛАНМОҚ ЗАРУР

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишнинг иккинчи босқичида академик лицейлар олдида турган вазифалар мазмуни нимадан иборат, улар қандай бажарилмоқда? Улар кўпроқ таълим сифатини яхшилаш, унинг мазмунини бойитиш ва такомиллаштириш билан боғлиқдир. Бу борада ўз тажрибамиздан келиб чиққан ҳолда, бир қатор фикрларни баён қилишни жоиз деб топдик.

Асосийси шуки, таълим соҳасида тўғри йўналиш олинди, муайян тажриба тўпланди, бу борада маълум муваффақиятларга эришилди. Миллий дастур фақат таълим соҳасигагина таъсир кўрсатиб қолмади. Касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларнинг ташкил этилиши, уларнинг ўқув, моддий-техник базасини яратиш саноатимиз ривожида, малакали ишчи-хизматчилар тайёрлашда катта рол ўйнамоқда. Замонавий ўқув биноларини барпо этиш, уларни ўқув жиҳозлари билан таъминлаш, махсус фан кабинетлари, лаборатория мажмуалари, дарсликларни яратиш, қурилиш, ишлаб чиқариш, матбаа саноати каби йўналишларнинг ривожига ёрдам бермоқда. Янги саноат корхоналари пайдо бўлди. Лекин, бизнингча, илмий, техник, педагогик салоҳият тўпланган академия институтларининг, айрим олий ўқув юртларининг бу соҳалар бўйича ишлаб чиқаришга эътиборлари етарли даражада бўлмаяпти. Натижада, таълим муассасаларига унча мураккаб бўлмаган ўқув жиҳозларини ҳам чет эллардан келтиришга тўғри келмоқда. Бу, айниқса, ахборот технологияларига ҳам тегишлидир. Ўзбекистон Миллий Университети ва унинг қошидаги Собир Раҳимов академик лицейида йиғилган тажрибалардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, жойларда бундай ишларни амалга ошириш имконияти мавжуд. Хусусан, Миллий Университетнинг физика факультетида ва академик лицейда кўп йиллик тажриба асосида яратилган физикадан лаборатория ишлари ва шунга ўхшаш бир қанча дидактик материаллар қатор ўрта махсус таълим муассасаларида қўлланилмоқда.

Чет тилларни ўрганишда ҳам янги усулларни кенг қўллаш зарур. Пастки курсларнинг ўзидаёқ ўқувчиларнинг тил ўрганишлари учун тўла шароит яратиб беришга эришмоқ лозим. Бу масалани ечишда лингафон кабинетлари билан бир қаторда компьютер техникасидан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бу ўқувчи учун эшитиш билан бирга кўриш имкониятини ҳам беради. Бунинг учун моддий-техник база ва хорижий тиллардаги дастурий таъминот етарлидир. Бироқ, ҳозирча, ўзбек тилидаги бундай материаллар кўпгина тақчил. Бу борада бизда йиғилган тажриба ҳам маълум маънода самарасини бермоқда. Университет мутахассислари, талабалар, ўқувчилар томонидан яратилаётган матнларни инглиз тилидан ўзбек тилига ўгириш, грамматик таҳлил қилишга имкон берувчи компьютер дастурлари, электрон луғат, электрон дарслар андозалари ўқув жараёнида самарали қўлланилмоқда ва ўқувчиларда тилга катта қизиқиш уйғотмоқда. Ҳозир ўзбек тили стандартларини, синхрон таржима дастурини яратиш устида иш олиб бораётган "Математик лингвистика" лабораторияси фаолиятига ўқувчи ёшлар ҳам жалб қилинмоқда. Мазкур ишларни бажариш билан зарурий ўқув жиҳозлари ва материаллари тайёрланаётган бўлса, ўз навбатида, бу жараён уларни яратишда қатнашаётган ўқувчиларга ўз билимларини такомиллаштиришга, бўш вақтларидан унумли фойдаланишга имкон бераётир. Аммо, қайд этилган ишларни кенг кўламда олиб боришга материалларнинг, бутловчи қисмларнинг, маблағнинг етишмаслиги бир мунча қийинчиликлар яратади, албатта. Бизнингча, бундай тажриба тўпланган ўқув юртлари, академия институтлари қошида маълум йўналишга ихтисослашган ўқув ишлаб чиқариш марказлари ташкил этилса, буюртма ва шартнома асосида қайд этилган масалалар ечилса, мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Бугунги кунда академик лицейлардаги таълим олий таълимдаги ўқув жараёнига, талабаларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда яқинлаштирилмоқда. Ўқув йили семестрларга бўлинди, кафедралар ташкил қилинди, дарс соатлари жуфтликка айланди. Бироқ, ўқитувчиларнинг ўқув юкламасини, лавозим тоифаларини белгилаш ўрта таълим қоидаларига мосланганича қолмоқда. Бизнингча, бундай масалани ечишда ва умуман, ўқув самарадорлигини оширишда академик лицей ўқитувчиларнинг мақомини олий ўқув юртларидаги каби белгилаш мақсадга мувофиқ бўлур эди. Ўқув юкламаларини белгилашда олий мактаблардаги меъёрларга ўтиш академик лицейларда педагогик салоҳиятдан фодаланиш имкониятини ҳам оширади.

Жиддий ўйлаб кўришга арзийдиган яна бир масала бор. Бугун айрим ўқувчиларда олий ўқув юртларига кириш имтиҳонларида тест синовлари бўлмайдиган фанларни ўрганишга муносабат нисбатан паст эканлиги кузатилмоқда. Бу, айниқса, физика, математика, химия каби фундаментал фанларда сезилади. Ваҳоланки, ҳозирги даврда ҳар қандай мутахассиснинг мазкур табиий фанлардан саводига талаб тобора ортиб бормоқда. Бизнингча, бу масалани ечишда кириш имтиҳонларидаги тест саволлари таркибига маълум нисбатда умумтаълим фанларидан саволлар киритиш жоиз. Бу бўлажак мутахассислар билим ва малакаларининг замон талабига мос тарзда шаклланишида, дунёқрашининг ривожланишида муҳим ўрин тутади.

Эргаш НАЗИРОВ,
профессор,
Баҳодир ЙЎЛДОШЕВ,
академик лицей директори, доцент

O'zbekiston-Yaponiya

ЭЛЧИНИНГ ЭЗГУ ИШЛАРИ

Таълим тизими ривожига қаратилган эътибор — бу юрт келажагига қўйилган пойдевор демакдир. Зеро, бугунги таълим даргоҳида таҳсил олаётган ўқувчи нигоҳида келажакнинг акси бор. Республикамизнинг ўз мустақиллигини қўлга киритганлиги туфайли барча соҳаларда юз бераётган ўзгаришлар, яратилаётган имкониятлар таълим жараёнини ҳам қамраб олдики, унинг акс-садоси ёшларимизнинг эришаётган, қўлга киритаётган муваффақиятларида ўз исботини топмоқда. Бу йўлда айниқса, таълим тизимини такомиллаштириш мақсадида хорижий давлатлар билан йўлга қўйилаётган ҳамкорлик алоқаларининг йилдан-йилга кўлами кенгайиб бораётганлиги эътиборли ҳол.

Таъкидлаш лозимки, ҳамкорлик алоқаларининг жаҳоннинг нуфузли давлат ва ташкилотлари ҳисобланган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг «ЮНЕСКО» ва «ЮНИСЕФ» ташкилотлари, Британия кенгаши ва «Меҳр» лойиҳаси, АҚШнинг «Тинчлик корпуси» ва АКСЕЛС ташкилотлари билан олиб борилаётганлигининг ўзиёқ амалга оширилган саъй-ҳаракатлар миқёси нақадар теранлиги тўғрисида тасаввур ҳосил қилади кишида.

Япония, АҚШ, Франция, Германия, Хиндистон, Туркия, Греция, Польша, Корея Республикаси ва бир қатор Ҳамдўстлик мамлакатлари билан таълимни янгилаш, илғор педагогик технологияларни таълим-тарбия жараёнига татбиқ этиш, таълим тизимининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш борасида Халқ таълими вазирлиги томонидан ҳам кўплаб ишлар амалга оширилмоқда.

Эътиборлиси, бугунги кунда Республикамизнинг барча шаҳар ва қишлоқлари таълим муассасаларига чет эл сармоялари кириб бормоқда. Бунда айниқса, ўзининг беғараз ёрдами, кичик грантлар лойиҳаси асосида жойлардаги таълим масканларига ҳар тарафлама моддий ёрдам бераётган Япония элчихонасининг тутган мавқеини, олиб бораётган эзгу амалларини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Зотан, таълим муассасаларининг асосан республикамизнинг энг чекка туман ва қишлоқ мактабларига зарур бўлган ичимлик суви, иссиқлик манбалари, мактабларни таъмирлаш, зарур ўқув жиҳозлари, компьютерлар билан таъминлаш борасидаги Япония элчихонасининг ишларига шахсан Япониянинг Ўзбекистондаги элчиси Кёке Накояма хонимнинг қўшаётган хиссасини ҳеч бир нарса билан таққослаб бўлмайди.

1995 йилдан Халқ таълими вазирлигининг Япония элчихонаси билан олиб бораётган ҳамкорлик ишлари натижасида кичик грантлар лойиҳаси асосида 50 та лойиҳага жами 2360329 АҚШ доллари миқдорида Япониянинг беғараз ёрдами берилди. Мазкур грантлар эса асосан вилоятлардаги қишлоқ мактабларига берилганлиги муҳим аҳамиятга эга. Чунки ўша беғараз ёрдам эвазига ўнлаб мактаблар, болалар интернатлари, минглаб шу мактаб қошида истиқомат қилаётган маҳалла аҳолиси ичимлик суви билан таъминланадиган бўлди.

Табиатан ўзбекларга хос меҳрибон, ватанпарвар, меҳнаткаш япон халқининг бизга, болаларимизга бўлган бу эътиборини эътироф этмай бўлмайди. 1995 йилдан буён Япония давлати томонидан мамлакатимизнинг соғлиқни сақлаш, таълим ва бошқа соҳаларига беғараз ёрдам бериб келинмоқда. Масалан, 1995-2002 йилда 4544509 АҚШ доллари миқдорида ёрдам кўрсатилди. Шундан 2360329 АҚШ доллари миқдоридаги маблағнинг таълим тизимига йўналтирилганлиги ва моддий техника базаси ниҳоятда ночор, капитал ремонт талаб қиладиган мактабларга, ичимлик суви йўқ таълим муассасаларни сув билан тўлиқ таъминлаш ишларига сарфланди. Рақамларга эътибор қаратиладиган бўлса, Фарғона вилояти халқ таълим муассасаларини 744547, Қашқадарё вилоятига 452810, Тошкент шаҳрига 331421, Тошкент вилоятига 309169, Андижон вилоятига 215188, Жиззах вилоятига 161115, Наманган вилоятига 38307 АҚШ доллари миқдорида беғараз ёрдам кўрсатилди.

Биз Фарғона вилоятида бўлиб, Япония элчихонаси томонидан ажратилган грантларга эга бўлган бир неча таълим муассасида бўлганимизда олинган маблағлар аниқ мақсадларга йўналтирилаётганлигининг гувоҳи бўлдик.

— Бизнинг мактабимиз ушбу элчихона томонидан ажратилаётган грантларни икки маротаба олишга муваффақ бўлди, — дейди Марғилон шаҳридаги 2-мактаб директори Мурувват Салимова. — 35318 АҚШ доллари миқдоридаги дастлабки грант маблағлари эвазига 300 та ўқувчилар партаси, 600 та стул, 18 дона ўқувчилар столи ва методика ҳамда ЭҲМ фан хоналари, шунингдек, ошхона учун мебеллар мажмуаси, спорт залини жиҳозлаш учун эса зарур инвентарлар олинди. Бундан ташқари 10 дона замонавий тикув машиналари, 12 дона Пентиум-3 компьютер мажмуаси, видеомагнитафон, аудиомагнитафон ҳамда нусха кўчириш машиналари келтирилди. Бугунги кунда ушбу жиҳозларнинг ўқувчиларимизнинг қулай шарт-шароитларда ўқишлари ва билим олишларида аҳамияти катта бўлмоқда.

Дарҳақиқат, мақсадга йўналтирилган маблағларнинг ўз ўрнида фойдаланиши, албатта, самара бериши тайин. Бу эътироф элчихона вакиллари томонидан ҳам тасдиғини топган ҳолда мактабга иккинчи маротаба ҳам 27 минг 517 АҚШ доллари қийматидаги маблағнинг ажратилиши сабабли илм масканининг мажлислар зали янада ўзгача кўриниш олди.

— Қарийб 8-9 йилдан бери мактабимизнинг ичимлик суви қувурлари таъмирталаб бўлганлиги боис сув чиқмас эди, — дейди Жиззах вилояти Бўстон шаҳридаги кар ва соқов болаларга ихтисослашган 1-мактаб интернати директори Тангир Наврўзов. Бу эса ўқувчиларимизга кўплаб қийинчиликларни туғдирар эди. Япония элчихонасининг ёрдами туфайли интернатга ва 3 минглик аҳолига етадиган сув тўплагич (воднопарный башня) қурилиб, 80 м чуқурликдан сув чиқариб олиш имконига эга бўлдик. Бундан ташқари бир вақтнинг ўзида 20 та бола чўмиладиган ҳаммом, кир ювадиган бино қурилиши учун 31157 АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратилган эди, шу пулга юқорида айтилган бино ишноотларни қурдирдик. Иккинчи босқичда ўқув биномизнинг томини ёпишга ва интернат учун алоҳида иссиқлик манбаи қуриш учун 88377 АҚШ доллари миқдорида маблағ олдик ва ҳозирги кунда таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда.

Сирасини айтганда, Япония элчихонасининг амалга оширилаётган бу каби хайрли ишлари туфайли мамлакатимиздаги кўплаб таълим муассасалари ва аҳоли қанчалик манфаат кўраётганлигининг гувоҳи бўлмоқдамиз. Бироқ, ўз ўрнида таъкидлаш лозимки, бугун жаҳонга юз тутган юртимизга ҳар доим ҳам ана шундай ўзининг амалдаги кўмаги билан ёрдам қўлини чўзаётган ҳамкорларни учратиш бироз мушкул кечмоқда. Бундан ташқари яна бир афсусланарли жиҳати мавжудки, у ҳам бўлса энг аввало жойлардаги баъзи вилоят халқ таълими бошқармалари ва туман халқ таълими бўлимлари мутасаддиларида етишмаётган ташаббускорлик, масъулиятини тўлиқ ҳис этиб, муаммолар ечимини ҳал этишга қаратилган изланишларнинг сустлигидадир. Мисол учун, эътибор қаратадиган бўлсак, Сирдарё, Самарқанд, Навоий ва Сурхондарё вилоятларида бу каби кичик грантлардан фойдаланишда ёки бошқа чет эл сармоясини жалб қилишда мутлақо ишлар олиб борилмаётганлиги ачинарли ҳолат.

Ҳозирги вақтда Халқ таълими вазирлиги томонидан 16 давлат элчихоналари ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда иш олиб борилмоқда. Япония элчихонаси ходимларининг жойлардаги вазиятни кузатиб тўғри таҳлил қилганлиги ва элчи Кёке Накояма хонимнинг ҳақиқий вазиятни чуқур ҳис этиб, кўрсатаётган моддий ёрдами учун кўплаб мактаблар ўқитувчи ва ўқувчилари, аҳоли ва ота-оналар чуқур миннатдорчилик билдиришмоқда. Кёке Накояма хонимнинг номи Ўзбекистоннинг кўплаб мактабларида ҳурмат билан тилга олиниши, ўқувчиларнинг Япония давлатига бўлган қизиқишининг ошиб бораётганлиги бежиз эмас, албатта.

Ҳамидулла ДАМИНОВ,
Халқ таълими вазирлиги маркетинг бўлими бошлиғи

Maktabgacha ta'lim

НОДАВЛАТ БОҒЧА — ТАДБИРКОРЛИК НИШОНАСИ

"Таълим тўғрисида"ги Қонуннинг 4-моддасида: фуқароларнинг "Билим олиш ҳуқуқи: — давлат ва нодавлат таълим муассасаларини ривожлантириш орқали таъминланади" дея таъкидланган. Бинобарин, ҳукуматимиз ушбу моддани ҳаётга татбиқ этишда қатор ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни қабул қилган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 24 июндаги "Давлатга қарашли бўлмаган мактабгача болалар муассасалари тармоғини ташкил этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 313-сонли қарори шулар жумласидандир.

Халқ таълими вазирлиги ва унинг жойлардаги кўплаб бошқарув органлари томонидан мазкур қарор жорий этилганидан бошлаб, қарорга шарҳ берувчи амалий-услубий семинарлар ташкил этилди, ўз фаолиятини тўхтатган болалар боғчалари қайта кўриб чиқилди ҳамда уларни хусусийлаштириш бўйича Давлат Мулк қўмитасига таклифлар киритилди.

Ана шу ҳаракатлар самараси ўлароқ, бугун республикамизда давлатга қарашли бўлмаган 20 га яқин мактабгача таълим муассасалари маҳаллий ҳокимият рўйхатларидан ўтиб, фаолият кўрсатмоқда.

Зеро, Президентимиз мамлакат иқтисодий-ижтимоий ривожланиш якунлари, иқтисодий ислоҳотларнинг боришини баҳолаш ва 2002 йилги вазифаларга бағишланган йиғилишда: жорий йил "мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш масаласини ҳал қилишда кескин бурилиш йили бўлиши зарур" дея, таъкидлаганлар.

Шундан келиб чиққан ҳолда биз хусусийлаштириш масаласида пойтахтимизда қалдирғоч саналган нодавлат мактабгача таълим муассасалари ҳақида қисқача маълумот бериб ўтмоқчимиз. Зеро, улар тажрибасини ўрганиш ва тарғиб қилиш фойдадан ҳоли эмас. Шунингдек, бундай ишларни нимадан бошлаш керак эканлигини билмай, иккиланиб турганларга бу мақола ёрдам беради, деган умиддамиз.

"ДЎМБОҚЧА"

Тошкент шаҳрининг деярли барча болалар боғчаларида Дилшода Нусратовани яхши танишади. Тажрибали, билимдон, тиниб-тинчимас Дилшода опа доимо изланишда. Айнан унинг раҳбарлигида педагогик жамоа республикада биринчилардан бўлиб молиявий жиҳатдан ўз-ўзини таъминлаш усулубларини кенг қўллай бошлади.

Д.Нусратованинг бошлаган ишлари истиқлол даврида янада ривожланди ва 1998 йил муассаса хусусийлаштирилди.

Ижтимоий, иқтисодий ва таълим соҳаларида амалга оширилган бундай қадамлар ҳеч кимни бефарқ қолдирмади: кимдир маъқуллаган бўлса, кимлардир қарши чиқди.

Ишнинг аввалида дастлаб опа ўз атрофида малакали педагог ходимларни тўплади. Улар билан биргаликда мавжуд дастурлар қайта кўриб чиқилди ва ота-оналарнинг талаблари ўрганилган ҳолда, янги муқобил дастурлар яратилди.

Бугун услубчи Дилдора Аҳмедова, логопед Татьяна Бундина ва бошқа педагогика касбининг маҳоратли соҳибалари 70 дан ортиқ кичкинтойларга таълим-тарбия бериб келмоқдалар.

Дилшода опа бошлаган ишидан афсусланмайди: ўша ҳаракат, ўша ташвиш, ўша муаммолар. Лекин, давлат боғчасидан фарқли равишда халқ таълими бошқарув органларидан, озиқ-овқат базаларидан нажот кутиб ўтирмайди: эндиликда ҳамма нарсани раҳбарнинг ўзи топиб, таъминлаши зарур. Боз устига, ота-оналар истак-талабларини ҳам мунтазам ўрганиб бориш лозим.

Демак, хусусий мактабгача тарбия муассасасини ҳаракатлантирувчи ва бозор иқтисодиётига ўтиш даврида сақлаб қолувчи бирдан-бир омил жамият (ота-оналар) талабларини тўлиқ қондиришдан иборатдир.

"ИСТИҚЛОЛ ЮЛДУЗЛАРИ"

Юлдуз Дадахўжаева ташкил этган мактабгача таълим маркази — асосан болаларнинг иқтидори, қизиқишлари ва қобилиятларини ривожлантиришга қаратилган тўгараклар тармоғини шакллантириб, улар фаолиятини марказлашган ҳолда бошқаришади.

Аввал, Юлдузхон ўзи эшитган, билган турли йўналишдаги тўгарак раҳбарларини марказга таклиф этди ҳамда бевосита иш жараёнида уларни синаб кўрди. Тўгарак йўналишига қараб, уларни дастурлар билан таъминлади.

2001 йил бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси ўқитувчиларининг биринчи анжумани қатнашчиларига тақдим этилган Халқ таълими вазирлигининг Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини 2001-2005 йиллар (2-босқич) мобайнида ҳаётга татбиқ этилиши лозим бўлган тадбирларда белгиланган "Нодавлат мактабгача тарбия муассасалари ўртасида ўтказиладиган муаллифли дастурлар танлови"га тайёргарлик кўриб, Ю.Дадахўжаева ҳозир Марказда синов-тажриба тариқасида ўқитилаётган "English by sings" (Қўшиқ воситасида инглиз тилини ўрганиш) қўлланмаси устида иш олиб бормоқда.

Кўриб турибсизки, "Истиқлол юлдузлари" номли хусусий марказда кичкинтойларнинг овқатланиши, кун давомида бўлишлари кўзда тутилмаган. Албатта, бу вақтинчалик. Марказ жамғармаси бойитилиши, педагогик кадрлар заҳираси шаклланиши ва мулкнинг тобора мустаҳкамланиб бориши билан Ю.Дадахўжаева халқ таълимига қарашли болалар боғчаларидан бирида бўшаб ётган хоналарни ижарага олиш ҳисобига ўз фаолиятини янада кенгайтиришни режалаб қўйган.

"ОЛТИН ҚАНОТ"

Яқинда мазкур муассасанинг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Бу ёш тадбиркор, интилувчан раҳбар Ҳамида Юнусованинг таълимда янгилик яратиш иштиёқида бошлаган илк тажрибасидир.

Албатта, байрам ўз-ўзидан келмайди. Барчани хушнуд қилган тақдимот заминида қарийб олти ойлик меҳнат ётибди. Ҳамидахон хусусийлаштирилган бинони таъмирлади, реконструкция ишларини амалга оширди ва ҳам жиҳози, ҳам дизайни бўйича халқаро андозаларига монанд боғчага 30 нафар болани қабул қилди. Ранг-баранг ўйинчоқлар, турли-туман ўқув қуроллари ҳатто "боғчага бормайман" деб, хархаша, кўз ёши қиладиган болани ҳам ўзига жалб қилди. Бу — мактабгача ёшдаги болалар учун ўта муҳим бўлган "ривожлантирувчи муҳит"нинг тўғри ташкил этилганлигидан далолат беради.

"Олтин қанот"да болаларнинг ривожланиши, нутқи, хорижий тиллар таълими, математик тафаккури шакллантирилишига алоҳида эътибор берилади. Таълим жараёнлари муассаса услубчиси ва руҳшуноси томонидан таҳлил этилади.

Алоҳида ҳозирланган мусиқа ва жисмоний тарбия заллари кун давомида бўш турмайди: машғулот ва эрталиклар, туғилган кунлар ва видео-томошалар кичкинтойларни зериктирмайди. Меҳрибон мураббийлар эса янги педагогик технологиялардан фойдаланган ҳолда болаларни мактаб таълимига пухта тайёрлайдилар.

Биз мазкур нодавлат мактабгача тарбия муассасалари раҳбарларидан фаолиятларида ўзига хос жиҳатлар ҳақида сўрадик.

Дилшода Нусратова:

Ғоямизни амалда татбиқ этишда кўпчиликка тушунтириш, ишонтириш, расмий қоғозларни кўрсатиб, аён бўлиб турган нарсани исботлашга тўғри келди. Лекин, қатъиятлигимиз, собитлигимиз туфайли бугун мақсадимизга эришдик.

Муассасамиз рекламага муҳтож эмас. Давлат тасарруфида ишлаб келган чоғларимизда ҳам боғчамизга ўз фарзандини топшириш иштиёқида юрган ота-оналарнинг оёғи узилмас эди. Шунга яраша ҳозирги кунда ҳам педагогик жамоамиз ўз анъаналари, иш услубларига содиқ ҳолда фаолият кўрсатмоқда.

Юлдуз Дадахўжаева:

Очиғини айтганда, мен Собир Раҳимов тумани ҳокимиятига иккиланиб боргандим. Мутасадди ходимларга мақсадимни айтишим, тегишли бўлимларга учрашишим билан барча гумонларимдан асар ҳам қолмади. Таклифим маъқулланди ва қўллаб-қувватланди.

Қувонарлиси, марказимиз ўз маскани, хона ва зарурий анжомларга эга бўлиши, ижарага бино олиш истагини билдирганда, ҳокимият ёрдам беришга тайёр турди. Ишончим комилки, марказимиз янада ривожланишида ёлғизланиб қолмаймиз.

Бугунги кунда реклама менинг бирдан-бир таянчим. Чунки, тўгаракларимиз ҳақида кўпчилик билмайди. Биз қанчалик тушунтириш ишларини олиб борсак, шунчалик қизиқувчи ва буюртмачилар сони ортиб боради.

Биз боғчаларга дастурларимизни таклиф этамиз, натижаларимизни намойиш этамиз, шундагина тўгараклар тармоғининг кенгайиши таъминланади.

Ҳамида Юнусова:

Бизнинг Низомимиз Миробод тумани ҳокимиятига тақдим этилганда, мазкур масала бўйича давлатимизнинг тегишли қарори қабул қилинган эди. Ташаббусимиз эътиборсиз қолмади. Боғчанинг ишини йўлга солишда Халқ таълими вазирлиги, шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси зарурий қўлланма, маслаҳат ва амалий ёрдам кўрсатиб, жонбозлик қилишди. Келгусида ҳам таълим-тарбия жараёнини ташкил қилишда уларга таянган ҳолда иш кўрамиз.

Тадбиркорликда тезкор рекламадан эҳтиёткорона фойдаланиш лозим деб, биламан. Менинг асосий мақсадим — муассаса ишини яхши йўлга қўйиб, ижобий натижа ва ютуқларни турғунлаштиришдан иборатдир. Ўйлайманки, бугун боғчамизда тарбия олаётган биринчи полапонларимиз "қанот чиқариб", мактабдаги таълимда бемалол "парвоз" қилиб, яхши ўқиб кетишса — рекламага ҳожат қолмайди.

Светлана АБДУЛЛАЕВА
тайёрлади

Xalq ta'limi va bozor iqtisodiyoti

МАКТАБДА НОНВОЙХОНА, САРТАРОШХОНА, ОШХОНА, ДЎКОН

— Мақсад илғор тажриба ҳақида ёзиш бўлса, — деди ниятимни англаган Уйчи туман халқ таълими бўлими мудири Маъруфжон Йўлдошев, — Абу Али ибн Сино номидаги 22-таълим мактабига борганингиз маъқул. Йўлдошали ака Исоқов бошчилигидаги жамоа нафақат ёшларга чуқур билим бериш, балки ўз фаолиятларини шу кун аниқроғи, бозор иқтисодиёти шароитида жонлантиришга қаратилган хайрли ишлари вилоятимиз миқёсида эътиборли десам муболаға бўлмайди.

Мактаб жойлашган Ғайрат қишлоғига йўл олдик. Бу илм масканидаги олиб борилаётган ишларни кўргандан сўнг бизда таҳлилий мақола тайёрлаш иштиёқи туғилди.

Одатда биз ўқитувчилар доимо яхши бир гапни такроран айтиб юришни хуш кўрамиз.

— Хулқи, ўқиши аъло боланинг меҳнати ҳам элга манзур. У барчага, барча соҳада ўрнак, — дея ибратли болани яхши ният билан кўкларга кўтариб таърифлаймиз.

Бу бор гап. Йўлдошали ака Исоқов бошқош бўлган мактаб жамоаси қишлоқ ёшларини илм-маърифатли, ўз мустақил фикрига эга шахс қилиб тарбиялаш борасида кўплаб эзгу ишларни амалга ошираётганлигини барча шоҳиди бўлган.

Жамоа нафақат таълим-тарбияда ибратли, ҳавас қилса арзийдиган тадбирлар кўламини кенгайтириш ва таъсирчанлигини оширишга ҳам эътибор қаратмоқда. Мактаб ўқитувчилари, ишчи-ходимлари ҳамда ўқувчилар баҳамжиҳатлиги боис кейинги икки-уч йилдан бери 640 ўринга мўлжалланган қўшимча бино ва ўнлаб хоналарни таъмирлашга кетадиган қурилиш ашёларига сарфланадиган маблағлар ҳам ўзлари ҳисобидан бўлаётганлиги эътиборга лойиқ. Бу ҳақда мактаб касаба уюшма қўмитаси раиси Сиддиқжон Шарипов қуйидагиларни гапириб берди:

— Рост гап, яшашни, ишлашни энди-энди ўрганаяпмиз. Берсанг оламан, бермасанг ўламан, қабилида иш тутадиган киши ҳозирги шароитда ҳақиқатан ҳам қийналиб қолиши ҳеч гап эмас. Сирасини айтганда, 1987 йили ҳозирги директоримиз Йўлдошали акани ўзимизга раҳбар этиб сайлагандик. Беш йил ишлаб соғликлари кўтармай бу масъулиятли ишдан бўшагандилар. Аммо у жамоа билан биргаликда қисқа муддат ишлаган давридаёқ салкам уч гектарли мактабимизнинг ҳовлисига мевали ва манзарали дарахтлар ўтказишни бошлагандилар. Орадан беш йил ўтиб, 1997 йил бу омилкор инсонни яна ўзимизга етакчи этиб тайинлашларини илтимос қилдик. Истагимиз ерда қолмади.

Ҳадемай, Йўлдошали ака ўзлари 10-13 йил бурун эктирган тераклар етила бошлади. Директорликка қайтгач, мактаб ҳудудидаги экин майдонларини ўқитувчиларга бўлиб бериб, ундан олинадиган ҳосилни мактаб ҳисобига кирим қилишни йўлга қўйдилар. Натижада ҳам муаллимлар, ҳам мактаб манфаат кўриб, қўшимча даромад кела бошлади. Ҳозир мактаб ҳисобига ҳар йили 350-400 минг сўмдан соф маблағ келиб тушмоқда.

Раҳбаримизнинг тадбиркорлиги фақат шунда эмас. У кишининг елиб югуриши билан иссиқхонада лимонзор барпо этдик. 20 тупдан кўпроқ хурмомиз ўтган йилдан мевага кирди. 50 тупдан зиёд нок, юз тупга яқин олмадан олинаётган даромад ҳам чакки бўлмаяпти.

Бу йил баҳорда етилган теракларимиздан салкам икки юзтасини бозор нархида сотиб, бир миллион сўм фойда қилдик.

Соф даромаднинг салкам саккиз юз минг сўмига янги видеокамера сотиб олиб, уни ижарада фойдаланишимиз эвазига ойига 5-10 минг сўмдан пул маблағи тушиши кутилмоқда.

Мактабимиз қишлоғимизнинг энг гавжум, серқатнов гузарида жойлашгани сабаб директоримиз таклифи билан унинг қулай жойига ғайратлик ишбилармон кишиларга сартарошлик, ошхона, сомсахона, тижорат моллари дўкони, нонвойхона қурдиртирдик. Улар ҳам иш бошлаши билан тузилган шартномамизга кўра, ҳисобимизга ҳар ойда 20-22 минг сўмдан яна маблағ қўшила бошлади.

Мактабда ташкил этилган тикувчилик тўгараги аъзолари еттита замонавий тикув машиналарида бежирим кийим-кечаклар тикиб ўзларини ҳам, мактабни ҳам моддий қўллаб турибди. Яқинда ушбу тўгарак фаолиятини кучайтириш мақсадида мактаб ҳисобидаги маблағдан 70 минг сўм мато олиб тикишга пул ажратдик. Бундан буён эса тўгарагимиз ҳам беш минг сўмдан даромад берадиган бўлди. Чунончи, улар мактабимиз қошида очилган таэквандо клуби аъзоларига спорт кийимини арзон нархда тикиб сотишди. Қўл жангининг бўлажак усталарига ҳам спорт кошонамизни ижарага берганмиз. Бу ҳам оз бўлса-да илм масканига фойда келтираяпти.

Тадбиркорлик йўли билан ишлаб топилган маблағларимиз ҳисобидан кейинги икки йилдан бери мактабимизнинг таъмирлаш ишларини тўлиқ ўзимизнинг кучимиз билан сифатли ва барвақт тугатишга эришаяпмиз. Бундан ташқари, мазкур пул маблағлари сарф-харажатини амалга ошираётган бешлик тафтишчи комиссиямиз қарори ҳамда жамоамиз истагига кўра хасталаниб ётиб қолган ҳамкасбларимизга 1,5-20 минг сўмдан пул ажратишни йўлга қўйганмиз. Турли хил туман ва вилоят тадбирларига қатнашувчи ўқитувчиларга тартибга кўра йўлкира, овқат пуллари ҳам ўша маблағ ҳисобидан тўланмоқда.

Туман ва вилоят миқёсидаги олимпиада, кўрик-танловларда яхши натижага эришган ўқувчи ва уларнинг устозлари ҳам мунтазам рағбатлантириб турилибди. Халқимизнинг байрамлари, ҳайитлари, Наврўз айёми каби маданий тадбирларни ўтказиш таъминоти ҳам яхшиланди.

Нафақага чиқадиган нуронийларимиз учун бир пиёла чой ташкил этилиб, эсдалик совға-саломлари топшириш имконига эга бўлдик. Муҳими, уларни тез-тез тадбирларимизга, учрашувларимизга таклиф этиб, бир пиёла чой устида суҳбат қуришни канда қилмаяпмиз.

Фаолиятимизнинг бундай самарасидан руҳланиб, сотилган тераклардан бўшаган майдонга яна 400 тупдан ортиқ янги кўчатлар ўтқаздик. Бундан ташқари яна 450 туп катта йўл чеккасида бўй чўзган теракларимизни уч-тўрт ҳамқишлоғимизга ўстириб қараб туришга берганмиз.

Албатта, юқорида тилга олган ташкилий ишларимизни хомчўт қилиб кўрсак, ойига яна 45-50 минг сўмдан қўшимча даромад тушар экан. Ҳозир банкда ҳисоб рақамимизни очишни режалаштирганмиз. У ерга ҳомийларимиз, тадбиркорлар берган маблағларни қўйишни мўлжаллаб турибмиз.

Ҳа, Уйчи туманидаги 22-мактаб жамоасининг барча жабҳада янгилик излаётганликлари, уни топиб, таълим-тарбия жараёнига жорий этаётганликлари, молиявий аҳволини эса кимларнингдир саховатига умид қилиб эмас, пешона терлари ҳисобига ўнглаётганликлари эътирофга, диққатга сазовордир.

Асқарали МАМАТОВ

Qirq yoshdan oshganimda she'rlarimni tashlab qo'yganimdan uyaldim. Bir ora kasalga chalinib kasalxonada yotganimda she'rlarim meni ko'rgani keldi...



"SHE'RLARIM MENI KO'RGANI KELDI"

Mashhur yapon adibi va shoiri Dzyun Takami 1907 yilda Yaponiyaning Fukun prefekturasiga qarashli Xonsyu orolida tug'ilib, 1965 yilda Tiba shahrida vafot etgan. 1930 yilda Tokio universitetining ingliz tili va adabiyoti bo'limini tugatgandi.

U yapon adabiyotida romanchi, hikoyanavis va shoir sifatida katta shuhrat qozongan. Ayniqsa, uning 1930 yilda e'lon qilingan "Eski do'stlar unutilmaydi", 1940 yilda bosilgan "Qaysi yulduzlar ostida" nomli romanlari yapon xalqining so'z erkinligi va hurriyat uchun kurashlarini ta'sirli lavhalarda aks ettirgani bois, milliy hayot taraqqiyotiga katta hissa bo'lib qo'shildi.

1960 yilda uning "Nafrat" nomli romani bosilib chiqdi. Bu asarida Dzyun Takami ikkinchi jahon urushi yillaridagi yapon ziyolilarining zo'ravonlik va o'zboshimchalik siyosatiga qarshi hech qanday kurash olib bormagani, qo'rqoqlarcha kechirgan hayotini, og'ziga tosh solib yurishlarini nafratlanib aks ettirgan. Bu roman uchun yozuvchi Sintyo mukofotining sovrindori bo'lgan edi. Asar ayniqsa yapon yoshlarining mangu sevimli kitobi bo'lib qoldi.

Dzyun Takami, yuqorida aytganimizday, 30—40-yillardayoq hikoya va romanlari bilan tanilgan edi, ammo 1947 yilda birdaniga she'rlar kitobini e'lon qildi. Bu haqda shoirning o'zi shunday deb yozadi: "Men nasr yozmasdan oldin she'r yozardim. Bundan yigirma yil ilgari yozgan she'r daftarimni yashirib qo'ygandim. Nasriy asarlar yoza boshlagach, she'r yozish menga xalaqit bera boshlagandi... Qirq yoshdan oshganimda she'rlarimni tashlab qo'yganimdan uyaldim. Bir ora kasalga chalinib kasalxonada yotganimda she'rlarim meni ko'rgani keldi... Kasalxona yotog'ida men qaytib kelgan she'rlarimga qo'l berdim. O'sha-o'sha avvalgiday o'quvchilik daftariga qalam bilan she'r yoza boshladim."

Shundan keyin shoir yana uch she'riy kitobini nashr ettirdi; bular "Daraxtlar maktabi" (1950), "Dafn marosimim" (1962), "O'lim qa'ridan" (1964) deb atalardi.

Shoir vafotidan keyin uning bosilmay qolgan she'rlari "Og'irlikni yo'qotish" nomi ostida bosib chiqarildi. Shunday qilib, shoirdan o'quvchilarga beshta she'riy kitobi meros bo'lib qolgan.

Dzyun Takami Yaponiyada erkin she'rning eng yirik ustasi sifatida tanilgan.

Dzyun Takami o'z she'rlarida inson ichki dunyosining ko'z ilg'amas teranliklarini ko'rsatishga, hamma tasodifiy hollar, voqealar tasviridan qochib, o'quvchiga eng samimiy tuyg'ular, fikrlar, dunyoqarashlarni shoirona ifodalab, taqdim etishga erishadi. Uning she'rlari, yuzaki qaraganda, fojeiy bo'lib ko'rinadi, ammo kitobxonda yorug' taassurot qoldiradi. Deyarli hamma she'rlarida yolg'izlikni yengish, yorug' kelajakka intilish, insonlarga katta mehr-muhabbat jilolanib turadi.

Dzyun Takamining "Daraxtlar maktabi" kitobi o'rta va katta yoshdagi bolalarning sevimli yo'ldoshidir. Bugun shoirning ana shu kitobidan tanlab olib tarjima qilingan she'rlarini e'tiboringizga havola qilamiz.

Miraziz A'ZAM

HAR BUTOQDA BITTA GUL

Mudrab ketib,
shodiyona bir tush ko'rdim:
qayoqqa qarasam,
har daraxtda,
har butoqda,
har shoxda
bittadan gul ochilib turardi,
har odamning bir o'z
quvonchi bo'lgani kabi.

DUKULLATISH

Duk! Duk! Duk!
Dukullatib ko'rar
ko'kragimni vrach.
Qiziq, bugungacha necha karra
dukullatdi ekan ko'kragimni.

Duk! Duk! Duk!
To'ppa-to'g'risini aytar ko'kragim,
hatto o'zimga ham noma'lum sirlarni
ochib tashlar.

Duk! Duk! Duk!
Men ham boshqalarning ko'kragini
dukullatib ko'rgim keladi,
ko'nglini ochmagan
odamning ko'kragini.

SHOXLAR TITROG'I

Daraxtlarning uchlarida
titrab turar yaproqlar.
Faqat shamoldan emas bu titroq.
Balki, yaproq soyasiga bir
qush kirgandir?
Ingichka novdalarning bu
besabab titrog'i,
hech narsani bildirmaydigan
ana shu titroq
ko'nglimni shu qadar rom etadiki...

QO'ZG'OLMAS DARAXT

Bulutlarning yirtiqlaridan
ko'k osmonni ko'rganing kabi
o'tayotgan vaqtning yirtiqlaridan
mangulikni ko'rib qolasan.

Bulutlar siljiydi, osmon qo'zg'olmas.
Sen ham, e daraxt,
shunday mahkam turibsan.

MUKAMMALLIK

Bugun daraxt
jazirama yoz quyoshini
savlat to'kib shunday kutib oldiki!

Boshini egmadi,
ruhi tushmadi
Ajoyib daraxt!

Tarovatga to'la, kuchga to'la
tanasida chirildoqlarning
ahil qo'shiqlari bilan
qilt etmasdan
yakunladi manzaraning komilligini.

DARAXTLAR KECHALARI...

Daraxtlar kechalari
yo'lga otlanadilar,
maxfiy til biriktirib,
ildizlarin yerga mahkam botirib
yo'lga uzoq-uzoq otlanadilar,
deyarli har kecha otlanadilar.

Qayerga boradilar —
bilmaslar, bilishni istamaslar ham.
Umr bo'yi istaklari ketmoqdan iborat.
Bu kecha ham
daraxtlar yo'lga otlanmoqdalar,
qo'llarida titroq, hech kimga bildirmay
yo'lga otlanmoqdalar daraxtlar.

OSMON

Osmon qayerdan boshlanar?
Qarchig'aylar parvoz qilgan
joylarmi osmon?
Odamlarning ko'zlaridan panada
asta-sekin pishadi meva
O! Meva atrofidagi makonning o'ziyoq
osmon demakdir.

TO'LQINLAR

Dovul hamla qildi.
Derazadan ko'rib turibman —
qoyadagi daraxtlar xuddi
guvillagan to'lqinlarday.
Ha, shunaqa. Daraxtlarning
yaproqlari —
yerning to'lqinlari,
to'lqinlar — dengizning yaproqlari
bo'lganiday.
O! Dengiz yaproqlari!

Daraxtlarni yaproqlar boqqani kabi
to'lqinlar dengizni boqadi.

Bo'ron yaqinroqqa surildi.
Naq derazagacha.
Ha, shunaqa, dengizning hayotini
bo'rondan ayirib bo'lmas
odamlar hayotini bo'rondan
ayirib bo'lmagani kabi.

O, shamolda hilpiragan yaproqlar!
O, mangu tentiragan to'lqinlar!

Insonning ham yaproqlariyu
to'lqinlari bor!
Dengiz — to'lqinlar bilan tirikdir,
odam ham
qalbining to'lqinlari bilan tirik.

OLXO'RI

Hali bog'da erib bitmadi qor,
ammo quriyotgan olxo'rining
shoxlarida kurtaklar bo'rtdi.

O, hozircha yashab turgan
qari bir tanning
zo'r berib ishlashi, qizg'in ishlashi!
Shu tobda, hali qish bitmay turib
bu sobit olxo'ri
shafqatsiz, sovqotgan dunyoda
jimgina jamg'argan go'zalligini
ko'rsatib qo'ymoqni istaydi.

O, bu ehtirosli go'zallik ruhi!

DARAXT

1. So'la turib,
yashar.
Yashay turib
so'lar.
Mardona hayot.
Dabdabali so'lish uchun yashamoq.

2. Yaproqlari — yumshoq.
Shoxlari — qattiq.
Qattiq shoxlarida
yumshoq yaproqlar tug'ilar.

3. Har yili o'z asarlarini yo'qotar
va qaytadan
har yili ularni uyg'otar
yanada kuchliroq o'sish uchun.

4. Barglari va shoxlarini ko'z-ko'z qilar
hayot uchun muhim bo'lgan
ildizlarin yashirar.

MEN KUCHSIZMAN

Men kuchsizman,
o'z jonimni saqlamoq uchun
boshqalarni tutib berish
qo'limdan kelmas.

Men kuchsizman,
uyalaman tuban ketishdan,
yolg'onni rost deyish mening
qo'limdan kelmas.

Men kuchsizman
va asrayman kuchsizligimni.

Rus tilidan
Miraziz A'ZAM tarjimasi

Sinab ko'ring

ЎҚУВЧИЛАР ФАОЛ ИШТИРОКЧИГА АЙЛАНИШМОҚДА

Шахснинг ички дунёси, маънавиятини шакллантириш санъатнинг олий мақсадидир. Таъбир жоиз бўлса, санъат тарбия қанотларидир. Ана шу қанотлар жамият ривожланишининг барча босқичларида ҳам инсонни тарбиялаш ва маънавий бойитишнинг бир воситаси сифатида хизмат қилади. Чунончи, Ўзбекистон халқ шоири Э.Воҳидов бу фикрни санъатга бахш этилган умр мисоли ила янада тўлдиради:

Санъатга бахш умрнинг
ажиб мўъжизаси бор,
У дунёни тарк этса,
ундан дунё қолади.
Одам умри сарҳадли,
қўшиқ умри пойидор,
Навосиз юракларда ўчмас
наво қолади.

Дарҳақиқат, мусиқа олами ғаройиб олам. Бу оламга назар солган киши, албатта, унинг сеҳрини, гўзаллигини ҳис қила олади, ахлоқини, нафосатини, дидини ўткирлаштиради. Мактабда олиб бориладиган "Мусиқа маданияти" фани фақат мусиқий билимлар предмети эмас, балки шу билан бирга ахлоқий тарбиянинг амалий воситаси ҳамдир. Ўзида ахлоқий поклик, маънавий бойлик ва жисмоний баркамолликни мужассамлаштирган, ҳар томонлама етук шахсни шакллантириш ҳозирги куннинг энг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади. Ана шу мураккаб вазифани бажаришда бошқа фанлар қаторида мусиқа дарси ҳам катта роль ўйнайди. Дарс жараёнида асар сўзи ва куйнинг уйғунлиги ўқувчи шахсига, ахлоқига бевосита таъсир этади, десак муболаға бўлмайди.

Умумий ўрта таълим муассасаларида ўқув йилининг илк кунларида, ўқув ҳафтаси аввали ва охирида дарсларда Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳиясининг янграши одат тусига кириб бораётгани қувонарли ҳолдир. Мадҳияни тик туриб, қўлларини кўксига қўйиб куйлаётганда, ҳар бир ўқувчи шу Ватан фарзанди эканлигидан фахрланиш ҳиссини туядилар. Фахрланиш туйғуси эса ўқувчи-ёшларга эзгу ишларни амалга ошириш ҳисларини ҳадя этади. Демак, бу ерда қўшиқлар инсон ҳаётида тутадиган ўрнини намоён қилаяпти.

Умуман, қўшиқларнинг ўзига хос тарбиявий аҳамиятга эгалигини яна кўплаб мисоллар билан исботлаш мумкин. Масалан, ўқувчилар "Яхши бола" (Н.Норхўжаев), "Неваралар қўшиғи", "Соғлом авлод қўшиғи" (Ш.Ёрматов) асарлари орқали меҳнатни қадрлашлари, табиатни асрашлари, "аъло" баҳоларга ўқишлари лозимлигини англасалар, "Бахтли эркатой", "Салимжон — нимжон", "Ҳалима ва Салима" каби қўшиқлар орқали яхшилик ва ёмонлик, одоблилик ва одобсизлик, меҳнатсеварлик ва дангасалик каби тушунчаларни фарқлаб борадилар. Мен мусиқа маданияти дарсларида ана шу каби жиҳатларга алоҳида эътибор бераман.

Шунингдек, дарсларимда мусиқа чолғу асбоби (пианино), қўшиқ мазмунига мос расм, карточкалар, плакатлар, тест саволлари, топишмоқлар, буклетлар ва магнитофон каби жиҳозлардан фойдаланаман.

Дарвоқе, шу йилнинг баҳор фаслида ўтказилган "Йил ўқитувчиси—2002" кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичида муваффақиятли иштирок этдим. Кўрик-танловнинг очиқ дарслар шарти бўйича "Оркестр ва унинг турлари" мавзуидаги бир соатлик дарсим мутахассисларга ҳам манзур бўлди. Бунинг боиси, мавзуни тушунтириш жараёнида кўргазмали қуроллардан унумли фойдаланган ҳолда "Оркестр нима? Унинг қандай турлари мавжуд?" каби саволларни ўртага ташлаб, жавобларни ўғил-қизлар билан биргаликда ишладик. Бунда ўқувчилар фаол иштирок этишиб, ўз билимини, зукколикларини кўрсатиш ҳаракатида бўлдилар. Ўқувчиларнинг фаолликлари дарсга ўзига хос жозиба бахш этди.

Жозибадорлик ҳамда дарс узвийлигини таъминлаш мақсадида ўқувчиларга ўзбек халқ чолғу оркестри ижросида "Андижон полкаси" куйини тинглатдим. Ва асар қандай асбобларда ижро этилганини сўрадим. Сўнгра "Болаларнинг кўзлари" асарини эстрада оркестри ижросида қўйиб эшиттирдим. Ўқувчилар расмлардан асарга мосини танлагач, мазкур қўшиқ моҳиятини болалар ҳаёти билан боғлаб, сўзлаб бердим. Шу аснода унинг оҳангига алоҳида тўхталиб ўтдим.

Оҳангни ҳис қилиш, овоз созлаш машқларидан сўнг (Қўнғироқ чалинди, дарсга вақтлироқ киринг; гул—ло—ла) ушбу қўшиқни ҳаракатлар билан ижро этишди. Шундан кейин ўқувчилар фаоллигидан фойдаланиб, мусиқа саводи бўйича уларни гуруҳларга ажратдим ва топшириқлар бердим. Топшириқларни тез ва тўғри бажарган гуруҳга қизил, секин ва тўғри бажарганга кўк ва охирида қолганларга сариқ карточка тарқатдим. Дарс якунида ўқувчиларни билимларига яраша баҳоладим.

Излансанг — олам сеники, дейишади. Мен бу нақлнинг нақадар ҳаётийлигига олти йиллик иш фаолиятим давомида қайта-қайта амин бўлаётирман. Гап шундаки, яқинда туман ХТБ методистлари "Мусиқий ўйинлар ёрдамида ўқувчилар билимини ривожлантириш" мавзуидаги ноанъанавий дарсимни туман миқёсида оммалаштиришга лойиқ, деб топишди. Айни пайтда ўқувчиларнинг ҳам бу каби дарсларга қизиқиш ва иштиёқлари ортиб бораяпти. Ўғил-қизларимизнинг иштиёқларини янада ривожлантириш ва рағбатлантириш мақсадида мактабимизда "Санъат ғунчалари" фольклор ансамблини ташкил этдик. Бундай саъй-ҳаракатларимиздан ота-оналар ҳам таъсирланишди. Улар оталиқ ташкилоти билан ҳамкорликда ансамблимизга халқ чолғу асбоблари, кийим-кечаклар ва бошқа жиҳозлар тақдим этишди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ансамбль репертуари болалар ёшига мос, яъни уларнинг ахлоқига бевосита таъсир этадиган қилиб танланган. Ундан "Омон ёр", "Бундай диёрни севмаса бўлмас", "О, Наврўз!", "Ўзбекистон — Ватаним маним", "Келажак бизники", "Наҳори нашта", "Ялло, ялло қизгина" каби халқ қўшиқлари, композиторлик асарлари ўрин олган. Қувонарлиси, Бобур Насриддинов, Муҳаббат Махсумова, Феруза Сотволдиева, Фарҳод Чумарин, Сардор Насриддинов, Моҳира Зоҳидова сингари иқтидорли ўқувчилар ансамблимизнинг фаол иштирокчиларига айланишмоқда.

Мана, ўқувчиларнинг ёзги таътили ҳам бошланди. Мусиқа дарслари эса доимо машқ қилиб туришни талаб этади. Шу боис, мусиқа машғулотларининг узлуксизлигини таъминлаш мақсадида фаолиятимизни тўгаракларда давом эттиришни мўлжаллаяпмиз.

Бир сўз билан айтганда, иш фаолиятимда ота-оналарнинг мактабга, фарзандлари таълимига эътибор билан қараб боришларига эриша олдим. Дарсларда, машғулотларда эса ўқувчи ҳамиша фаол иштирокчи бўлишлари зарурлигини тушуниб етдим. Ана шундагина улар мустақил фикрлаб, ўз тушунчаларини эркин ифодалай олар эканлар. Хуллас, айни кунда бу каби муваффақиятларимни мустаҳкамлаб бориш йўлида чуқур изланишлар олиб бораётирман.

Муҳайё БЕРКИНБОЕВА,
Тошкент шаҳар Сирғали туманидаги 237-мактаб ўқитувчиси

ОНА ОРЗУСИ

Zulfiya qizlari

Қизи Дилоромнинг исм-фамилиясини газетада ўқиб, Мавжуда опанинг дили энтикиб кетди. У бу йилги Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлган эди.

Мавжуда опа юксак мукофотга даъвогарлар орасида қизига ўрин ажратилишини ҳам, ажратилмаслигини ҳам билмасди. Гарчанд, қизи Дилором ҳар жиҳатдан бу номга лойиқ бўлса-да, номзодлар орасида ундан ҳам зўрроқлари учраши мумкин. Ўзбекистон катта юрт, унинг баркамол қизлари кўп.

Алқисса, Дилором Бердиева — I-Тошкент Давлат тиббиёт институти даволаш факультети талабаси — Зулфия номидаги нуфузли мукофот соҳибаси. Бундан ортиқ омад борми? Шаҳрисабз шаҳридаги 101-ўрта мактабда география фанидан ёшларга сабоқ бериб келаётган Мавжуда Умидова, гўёки, қизи эмас, ўзи бу мукофотга лойиқ топилгандек, юз-кўзидан табассум аримасди. Самимий қутловларни қўли кўксида қабул қиларди.

Бу ҳолат, аслида табиий. Ахир қайси ота-она фарзандларининг ютуғидан қувонмайди, фахрланмайди дейсиз?

Тиббиёт соҳасининг ўта мураккаблиги шу йўналишдаги олий ўқув юртларида таълим муддати кўпроқ белгиланишини тақозо этади, яъни 7 йил. Агар бунга магистратура ҳам қўшилса, 10 йил. Дилором, яъни бундан етти йил муқаддам 1-ТошДТИга абитуриентлик ҳужжатларини топширган шаҳрисабзлик қиз, ўқиш муддати кўп йил эканлигини биларди. Аммо шифокорлик касби унинг юрагига ўрнашиб қолганди. Ётса ҳамки, турса ҳамки, ўзини оқ халат кийган шифокор қиёфасида тасаввур қилаверарди.

Институтга 198,7 балл билан қабул қилинган Дилором болаликдаги эрмаги — шеър машқ қилишни ҳам канда этмас, "Дил изҳори", "Оқ орзулар тонги" деган мўъжазгина шеърий тўпламларини унда-бунда варақлаб қўяр, янги шеърлар ҳам ёзарди. Талаба қиз ўйларди — шифокор малҳами билан, шоир эса ширин сўзи билан даволайди.

Мактабда кимё фанидан эгаллаган базавий билимлари Дилоромга қўл келди. У "Биоорганик кимё" кафедрасида ўз илмий тадқиқотларига қўл урди. Янги фаол биологик модда — металл органик бирикма кашф қилинди. Дилором "Металл органик бирикмалар, биологик фаол моддаларнинг асосий синтез йўлидир" деган илмий тадқиқот устида иш олиб борди.

Киши организмида айрим элементлар етишмаса, у ёки бу хилдаги касалликлар келиб чиқиши мумкин. Бундай ҳолатда кўпинча кишилар Оллоҳ берган дард-да, деб қўйишади. Лекин ўша Оллоҳ берган дарднинг келиб чиқиш сабаблари, аслида қайсидир моддаларнинг етишмаслиги билан боғлиқ эканлигини кўпчилик англаб етавермайди. Олиб борилган тадқиқотлардан маълум бўлишича, киши танасида Менделеев даврий жадвалидаги жамики моддалар оз-оздан бўлса ҳам учрар экан. Шунга кўра, агар киши организмида руҳ моддаси етишмаса миокард инфаркти келиб чиқар экан. Айрим руҳий касалликлар эса миснинг етишмаслигидан келиб чиқиши тажрибада

исботланган. Демак, модда алмашинув жараёнида уларнинг мувозанати сақланиши керак.

Дилором олиб борган иккинчи тадқиқот инсон ҳаётига хавф солувчи меллори — вейкс синдромидир. Бундай ҳолатда меҳнатга лаёқатли ёш эркаклар ошқозонидан бирдан қон кетиб қолади. Биринчи тез тиббий ёрдам фақат жарроҳлик йўли билангина кўрсатилади.

Тошкент шаҳридаги 16-шифохонага кейинги беш йил мобайнида шу касаллик билан келтирилган 5 минг беморнинг касаллик тарихи ўрганиб чиқилди. Беморлар орасида, асосан, ичувчилар кўпроқ. Айрим ҳолларда дард наслий характерга ҳам эга. Жарроҳлик усулида даволаш беморларда кутилган натижани берган.

Аср вабоси — гиёҳвандлик инсоният ҳаётини таҳликага солиб қўймоқда. Қанчалик тарғиб-ташвиқ қилинмасин, тақиқланмасин, бу иллат домига илинганлар сони камайгани йўқ. Қандай қилиб самарали йўл топиш мумкин? Энг катта фожеа шундаки, гиёҳванд-ларнинг аксарияти "нинага ўтирган"лардир ва уларнинг келажагидан умуман умид йўқ.

Бўлғуси шифокор Дилором Бердиева кейинги икки-уч йил давомида бу муаммони йўқотиш ёки сал бўлса-да, енгиллатиш хусусида муккасидан кетиб изланди. Унинг тадқиқотлари "Оғуни томир ичига қабул қилаётган гиёҳвандлар орасидаги ВИЧ инфекцияси тарқалишининг олдини олиш ва самарали чора-тадбирлар" номли рисолада ўз аксини топди. Ёш тадқиқотчи тавсия этган тадбирлар беш бандни ўз ичига олади.

Булар — аҳолини ахборотлаштириш ва илмий савиясини ошириш, тиббий ва ижтимоий ёрдамларни осонлаштириш, фаол инъекцион гиёҳвандларни аниқлаш, инъекцион асбоблар ва матолар стериллигини таъминлаш, ўринбосар терапияни ўтказиш.

... Фанда, хусусан тиббиёт соҳасида инсон саломатлигини сақлаш билан боғлиқ муаммолар сон-саноқсиз. Зулфия мукофоти соҳибаси Дилором Бердиева буни яхши англайди. Мақсади — илм олишни магистратурада давом эттириш. Зеро, отаси ҳам, онаси ҳам унинг қўли енгил, беморлар таҳсин ўқийдиган шифокор бўлишини орзу қилишган. Ниятнинг холислиги эса орзулар рўёбини таъминлайди.

Хулкар ТЎЙМАНОВА

БОЛАЛАР УЙИДА БАЙРАМ КЕЧАСИ

Тошкент шаҳридаги 21-болалар уйи тарбияланувчиларига мурувват кўрсатилди.

Тадбирни уюштирган Юнусобод тумани Қизил ярим ой жамияти болажонларга 92 минг 500 сўмлик кийим-кечак, марказлашган кутубхоналар тизими эса рангбаранг китоблар жамғармасини топширди. Шунингдек, қишлоқ хўжалигига ихтисослашган тадбиркор Турғун Ёқубов ўзи етиштирган хўл меваларни тарбияланувчиларга улашди. Шундан сўнг Фурқат номидаги маданият уйи ходимлари болаларга концерт дастурини намойиш этишди.

Беҳзод АҲМАТОВ

Таҳлилдан кўриниб турибдики, Қорақалпоғистон Республикасида тест имтиҳонларига тайёргарлик кўриш ва ўтказишда қатор камчиликлар ва фойдаланилмаган имкониятлар мавжуд.

Ma'rifat

КЎЗГУДА ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ВИЛОЯТИ

Қорақалпоғистон республикаси бўйича абитуриентларнинг тест натижалари ўрганилганда қорақалпоқ, ўзбек ва рус тилларида топширилган тестларга хос хусусиятлар таҳлил этилди. Республика абитуриентларининг умумий контингенти бўйича 2000 йилда самарадорлик 34.72 фоизни, 2001 йилда 33.8 фоизни ташкил этган.

Қорақалпоқ тилида тест топширган абитуриентларнинг натижалари ўтган йилга нисбатан 5 та фандан (математика, физика, кимё, инглиз ва француз тили) ўсиш ва 5 фандан (қорақалпоқ тили ва адабиёти, биология, тарих, география, немис тили) пасайиш содир бўлган. Аниқ маълумот қуйида келтирилган:

(қорақалпоқ гуруҳлари)

Фан номи	2000 йил Самарадорлик	2001 йил Самарадорлик
Қорақалпоқ тили ва адабиёти	30,60	28,69
Математика	36,27	39,28
Физика	29,54	34,53
Биология	43,45	40,86
Кимё	32,45	33,49
Тарих	37,09	33,37
География	43,75	38,73
Инглиз тили	28,82	30,19
Немис тили	25,57	25,18
Француз тили	26,13	27,08

Ўзбек тилида имтиҳон топширган гуруҳларда ўтган йилга нисбатан 5 та фандан (Физика, биология, география, инглиз ва француз тили) ўтиш ва икки фандан (кимё, немис тили) пасайиш содир бўлган. Республика бўйича аниқ маълумот қуйида келтирилган:

(ўзбек гуруҳлари)

Фан номи	2000 йил Самарадорлик	2000 йил Ўрин	2001 йил Самарадорлик	2001 йил Ўрин
Ўзбек тили ва адабиёти	26,73	13	25,33	13
Математика	35,87	6	37,78	6
Физика	28,51	8	28,94	7
Биология	33,88	12	34,55	11
Кимё	32,31	9	30,65	10
Тарих	31,23	12	29,64	12
География	46,15	3	42,55	2
Инглиз тили	35,17	7	36,54	6
Немис тили	25,22	12	23,16	14
Француз тили	26,82	13	26,60	12

Рус гуруҳларининг натижалари ўтган йилга таққосланганда, ўсишга нисбатан пасайиш кўпроқ бўлган. Фақат икки фандан (математика, инглиз тили) ўсиш ва 5 фандан (рус тили ва адабиёти, физика, биология, кимё, немис тили) пасайиш содир бўлган. Кўриниб турибдики, рус гуруҳларида тестга тайёргарлик етарлича бўлмаган. Аниқ маълумот қуйида келтирилган:

(рус гуруҳлари)

Фан номи	2000 йил Самарадорлик	2000 йил Ўрин	2001 йил Самарадорлик	2001 йил Ўрин
Рус тили ва адабиёти	43,48	6	43,08	7
Математика	44,55	3	45,32	3
Физика	30,78	5	26,64	11
Биология	46,44	4	45,31	6
Кимё	37,80	5	34,71	8
Тарих	39,84	5	37,13	5
Инглиз тили	45,56	8	47,68	7
Немис тили	28,03	11	26,64	12

Қорақалпоғистон республикасидан тест имтиҳонида қатнашган абитуриентларнинг тўплаган баллари ўрганилди. Натижа шуни кўрсатадики, 6655 абитуриент тестда 0 дан 30 фоизгача тест топшириғини еча олган. 50 дан 100 фоизгача тест топшириғига тўғри жавоб берган абитуриент 2443 кишини ташкил этган. Кўриниб турибдики, умумий абитуриентлар миқдорига нисбатан бўш тайёрланганлар сони кўпчиликни ташкил этган.

Абитуриентларнинг мутахассисликлар бўйича қизиқиши ўрганилганда, абитуриентлар орасида математика ва техника, тарих, биология, қорақалпоқ тили ва адабиётига қизиқиш кучли бўлганлиги кўринади.

Қорақалпоғистон республикаси туман ва шаҳарларидан тестда қатнашган абитуриентларнинг самарадорлик кўрсаткичлари ўрганилди. 8 та тумани 100 гача бўлган ўринни эгаллаган. 8 та шаҳар ва тумани 150 гача бўлган ўринни эгаллаган. Тўрткўл шаҳри, Мўйноқ, Кўнғирот, Амударё туманлари анча паст ўринларни эгаллаганликлари аниқланди. Республика бўйича аниқ маълумот қуйида келтирилган.

Олий ўқув юртларининг кундузги бўлимлари (ўзбек гуруҳлари)

Т.р	Туман ёки шаҳар номи	Самарадорлик 2001	Республикада тутган ўрни
1.	Қораўзак тумани	35,91	21
2.	Бўзатов тумани	35,52	24
3.	Конликўл тумани	34,55	37
4.	Чимбой тумани	33,25	60
5.	Тахтакўпир тумани	33,21	62
6.	Элликқалъа тумани	32,7	81
7.	Нукус тумани	32,67	82
8.	Тўрткўл тумани	32,3	93
9.	Кегейли тумани	31,9	107
10.	Нукус шаҳри	31,79	111
11.	Беруний тумани	31,73	113
12.	Тахиатош шаҳри	31,61	118
13.	Беруний шаҳри	31,48	123
14.	Шуманай тумани	31,27	130
15.	Хўжайли шаҳри	31,1	138
16.	Хўжайли тумани	30,88	146
17.	Тўрткўл шаҳри	29,16	189
18.	Мўйноқ тумани	29,11	190
19.	Қўнғирот тумани	28,82	194
20.	Амударё тумани	28,33	197

Қорақалпоғистоннинг тест имтиҳонида энг юқори кўрсаткичга эга бўлган шаҳар ва туманлари Республиканинг энг илғор туман ва шаҳарларига таққосланганда шу нарса маълум бўлдики, Нукус шаҳри абитуриентлари инглиз тилидан

DTM tahlili

46.02 фоиз самарадорлик кўрсатган бўлса-да, Республикада энг илғор Когон шаҳридан 7 фоиз орқада қолган. Қорақалпоғистоннинг бошқа шаҳар ва туманлари ҳам илғорлардан 3 дан 16 фоизгача орқада эканлиги маълум бўлди. Аниқ маълумот қуйида келтирилган:

(ўзбек гуруҳлари)

Қорақалпоғистон Республикаси туман, шаҳарлари кўрсаткичлари				Республика кўрсаткичлари			
Фан	Туман ёки шаҳар номи	Қатнашган	Самарадорлик	Вилоят номи	Туман ёки шаҳар номи	Қатнашган	Самарадорлик
Она тили ва адабиёти	Тўрткўл шаҳри	34	29,66	Бухоро вилояти	Тўқимачилик тумани	284	33,26
Математика	Чимбой тумани	44	44,57	Самарқанд вилояти	Боғишамол тумани	356	50,98
Физика	Элликқалъа тумани	116	32,90	Қашқадарё вилояти	Баҳористон тумани	16	47,57
Биология	Элликқалъа тумани	153	43,83	Бухоро вилояти	Пешку тумани	253	46,97
Химия	Элликқалъа тумани	141	36,72	Қашқадарё вилояти	У.Юсупов тумани	81	42,32
Тарих	Тўрткўл шаҳри	21	36,64	Андижон вилояти	Шаҳрихон шаҳри	17	48,53
География	Беруний тумани	15	45,56	Тошкент шаҳри	С. Рахимов тумани	17	57,10
Инглиз тили	Нукус шаҳри	257	46,02	Бухоро вилояти	Когон шаҳри	47	53,13
Немис тили	Тўрткўл тумани	14	26,39	Самарқанд вилояти	Боғишамол тумани	50	44,17
Француз тили	Хўжайли тумани	19	30,41	Бухоро вилояти	Ромитон тумани	54	46,60

Қорақалпоғистоннинг тестда энг паст натижага эришган шаҳар ва туманлари ўрганилди. Хўжайли шаҳри абитуриентлари тариҳдан 26.11 фоиз ва Бўзатов тумани абитуриентлари 21.39 самарадорлик билан, Ўзбекистон Республикасида энг охирги ўринни эгаллаганлар. Қорақалпоғистоннинг бошқа туман ва шаҳарларида ҳам энг паст кўрсаткичли худудлардан 2% дан 6% гача фарқ қилган. Эътибор билан иш олиб борилмаса, бу кўрсаткич жуда пасайиб кетиши мумкин.

(ўзбек гуруҳлари)

Қорақалпоғистон Республикаси туман, шаҳарлари кўрсаткичлари				Республика кўрсаткичлари			
Фан	Туман ёки шаҳар номи	Қатнашган	Самарадорлик	Вилоят номи	Туман ёки шаҳар номи	Қатнашган	Самарадорлик
Она тили ва адабиёти	Бўзатов тумани	22	21,34	Қорақалпоғистон Рес.	Бўзатов тумани	22	21,34
Математика	Амударё тумани	317	27,83	Навоий вилояти	Томди тумани	27	25,51
Физика	Қўнғирот тумани	97	25,03	Андижон вилояти	Бўз тумани	56	20,98
Биология	Қўнғирот тумани	102	31,10	Сирдарё вилояти	Сайхунобод тумани	122	27,14
Химия	Тўрткўл тумани	62	27,06	Сурхондарё вилояти	Шеробод тумани	108	23,77
Тарих	Хўжайли шаҳри	25	26,11	Қорақалпоғистон Рес.	Хўжайли шаҳри	25	26,11
География	Элликқалъа тумани	14	34,52	Сурхондарё вилояти	Қумқўрғон тумани	31	28,05
Инглиз тили	Элликқалъа тумани	71	30,71	Сурхондарё вилояти	Бандихон тумани	74	22,67
Немис тили	Хўжайли тумани	26	21,69	Фарғона вилояти	Сўх тумани	12	19,21
Француз тили	Амударё тумани	89	23,94	Қашқадарё вилояти	Нишон тумани	14	20,44

Тест имтиҳонларида энг юқори кўрсаткичга эришган мактаблар ўрганилди. Қорақалпоқ гуруҳларида имтиҳон топширган абитуриентлардан Нукус шаҳрининг 1 мактаби ўқувчиларида физика ва тариҳдан, 3 мактаб ўқувчилари математикадан, 4 мактаб ўқувчилари француз тилидан юқори кўрсаткичга эришган. Шунингдек, Қўнғирот тумани ўқувчилари инглиз тилидан юқори самарадорликка эришган.

Ўзбек гуруҳлари бўйича Нукус шаҳрининг 37-мактаб ўқувчилари инглиз тилидан, Элликқалъа туманидаги 2-мактаб ўқувчилари биологиядан, Хўжайли туманидаги 64-мактаб ўқувчилари математикадан юқори кўрсаткичга эришганлар.

Тест имтиҳонларида қатнашган айрим абитуриентлар фанлардан тест имтиҳонида жуда паст натижа кўрсатганлар. Қўнғирот туманидаги 47-мактабдан қатнашган 5 абитуриент қорақалпоқ тили ва адабиётидан 16.67%, Нукус шаҳрининг 3-мактабидан қатнашган 4 абитуриент физикадан 15.97%, Тахтакўпир тумани 4- мактабидан қатнашган 6 абитуриент тариҳдан 17.59% самарадорлик кўрсатган.

Тест имтиҳонларида Қорақалпоғистоннинг 53 та мактабидан қатнашган 437 абитуриент жуда кам балл тўплаб, уларнинг бирортаси ҳатто контракт бўйича ўтишга имкон берадиган даражага ҳам эриша олмаган. Амударё туманидаги 844 мактабдан 15, Элликқалъа туманининг 13-мактабидан 14, Конликўл туманининг 3-мактабидан 26, 20-мактабдан 15, Қораўзак туманининг 22-мактабидан 16 абитуриент тестда қатнашиб, бирортаси ҳам кўзлаган мақсадига эриша олмаган.

Республика бўйича аттестатдаги ўтиш баҳоси 4.6 дан юқори бўлган абитуриентларнинг натижалари ўрганилди. Уларнинг бир қисми тестда юқори натижаларга эришиб, Республикадаги энг нуфузли олий ўқув юртларига қабул қилинган. Бунда ўқитувчиларнинг, абитуриентларнинг фаол ҳаракат қилганлиги, ўқитиш пухта бўлиб, аттестатга объектив баҳо қўйилганлиги сезилади. Бундай абитуриентларнинг айрим гуруҳлари ҳақидаги маълумот қуйида келтирилган:

(ижобий ҳол)

Т.р.	Тестда қатнашган ўқув юрти	Туман	Мактаб рақами	Аттестат ўртача баҳоси	Тестда олган бали
1.	Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети	Нукус тумани	1	5	213
2.	Тошкент давлат иқтисодиёт университети	Тахиатош шаҳри	10	4,8	210,9
3.	Қорақалпоқ давлат университети	Нукус шаҳри	23	4,8	210,1
4.	Тошкент юридик институти	Нукус шаҳри	37	5	209,9
5.	Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети	Нукус шаҳри	1	5	205,6
6.	Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети	Нукус шаҳри	7	4,8	205
7.	Қорақалпоқ давлат университети	Нукус шаҳри	37	4,7	204,3
8.	Тошкент давлат иқтисодиёт университети	Амударё тумани	8	4,1	204,1
9.	Қорақалпоқ давлат университети	Шуманай тумани	5	5	204
10.	Қорақалпоқ давлат университети	Нукус шаҳри	37	4,9	202
11.	Қорақалпоқ давлат университети	Нукус шаҳри	2	5	200,9
12.	Тошкент тиббиёт педиатрия институти	Хўжайли тумани	57	4,4	199,9
13.	Қорақалпоқ давлат университети	Нукус шаҳри	41	5	199,6
14.	Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети	Нукус шаҳри	2	5	199,6
15.	Тошкент юридик институти	Беруний тумани	65	4,8	197,3

Тест имтиҳонларида жуда кам балл тўплаб, аттестатдаги баҳони тўлиқ тасдиқламаган абитуриентлар ҳам бор. Бу ўқувчиларни ўқишга тайёрлашда, таълим беришда камчиликлар мавжудлигини кўрсатади. Бундай абитуриентларнинг бир қисми ҳақидаги маълумот қуйида келтирилган.

(салбий ҳол)

Т.р.	Тестда қатнашган ўқув юрти	Туман	Мактаб рақами	Аттестат ўртача баҳоси	Тестда олган бали
1.	Тошкент тиббиёт педиатрия институтининг Қорақалпоғистон филиали	Хўжайли тумани	65	4,7	29,5
2.	Қорақалпоқ давлат университети	Чимбой тумани	3	4,9	29,5
3.	Урганч давлат университети	Амударё тумани	13	5	29,4
4.	Нукус давлат педагогика институти	Тўрткўл тумани	63	4,7	29,4
5.	Қорақалпоқ давлат университети	Элликқалъа тумани	25	5	28,7
6.	Нукус давлат педагогика институти	Амударё тумани	3	5	28,5
7.	Нукус давлат педагогика институти	Беруний тумани	49	4,7	28,4
8.	Тошкент давлат аграр университети	Беруний тумани	15	4,7	28,4
9.	Қорақалпоқ давлат университети	Мўйноқ тумани	26	5	28,3
10.	Қорақалпоқ давлат университети	Беруний тумани	50	4,8	27,8
11.	Қорақалпоқ давлат университети	Чимбой тумани	1	4,8	27,4
12.	Тошкент темир йўл транспорти муҳандислари институти	Элликқалъа тумани	2	4,6	27,4
13.	Қорақалпоқ давлат университети	Хўжайли тумани	7	4,6	27,3
14.	Қорақалпоқ давлат университети	Шуманай тумани	1	5	26,2
15.	Тошкент ирригация ва муҳандислари институти қишлоқ хўжалиги механизацияси	Элликқалъа тумани	3	4,7	25,2

Таҳлилдан кўриниб турибдики, Қорақалпоғистон Республикасида тест имтиҳонларига тайёргарлик кўриш ва ўтказишда қатор камчиликлар ва фойдаланилмаган имкониятлар мавжуд. Таълим жараёнини мукаммаллаштириш, яъни таълим технологияларини амалиётга татбиқ этиш, ўқувчилар ўртасида касб танлаш ишларини етарлича ўтказиш, тест натижаларини атрофлича таҳлил этиш ва хулоса чиқариш, таълимий тестлардан фойдаланишга аҳамият бериш ишлари амалга оширилса, тестда самаралироқ натижага эришиш мумкин бўлади.

М.МУҲИТДИНОВ,
Давлат тест маркази директори

БИРИ-БИРИГА ШОГИРД, БИРИ-БИРИГА УСТОЗ

Ўқитувчилик қадим-қадимдан эл-юрт эъзозлаган, қадрлаган энг шарафли касблардандир. Шунинг учун ҳам Шарқда бу касбни бободан ота, отадан ўғил, набира қабул қилиб, ифтихор билан давом эттирганлар. Зотан, элни саводли қилишдек зиёкорлик иши ҳар бир муаллим учун эзгулик ҳисобланган. Ўзбекистон педагогларининг кўпминг кишилик сафида ўқитувчи сулолаларини кўплаб учратамиз.

— Оталар йўли — фарзандлар камолоти дейишади, — деди пойтахтнинг Акмал Икромов туманидаги 4-мактабнинг она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси Лутфи Исломова. — Шу лимлик касбини танлашиб, эл-юрт эътиборида бўлиб келишаяпти.

Аслида, инсон учун маҳалла-кўй, эл эътиборида бўлишининг ўзи катта бахт. Бу ҳақиқат мағзи бўлакчалигини яхши англаган опа-сингиллар янада чуқур изланишмоқда. Бири ўқувчилар билан якка тартибда кўпроқ

Бироқ муаллим, устоз, мураббий деган ардоққа эга бўлиши учун бу касб соҳиблари доимо ўқиши, ўрганиши, ҳаёт билан, омма билан ҳамнафас бўлиши, ҳамкорликда иш юритиши, ўғил-қизларни севиши ва ҳурматлаши, ақл-заковати, ахлоқ-одоби билан ҳамма-ҳаммага намуна бўлиши шарт. Ана шу каби тамойилларга риоя этган билимдон муаллимларни эл-юрт донишмандлар қаторида ҳурмат қилган. Муаллимлик меҳнатини қадрлаш, бу касбга ўз фарзандлари ихлосини ошириш ота-оналарнинг бурчига айланган. Халқ орасида бу анъаналар давом этиб келганлиги сабабли боисми, оиладаги 7 нафар фарзанд ота-онамиз изидан бориб ўқитувчилик касбини танладик. Сулоламиз бошлиғи — отам Тоҳир Соипов тарих фанидан, онамиз Қутбихон ая Усмонова эса бошланғич таълимдан ўқувчиларга сабоқ беришиб, эл-юрт ҳурматини қозонган эдилар. Уларнинг ўгитлари, насиҳатлари билан сингилларим Зулфия Комилова (Собир Раҳимов туманидаги 134-мактаб), Қумри Тожиева (Юнусобод туманидаги 220-мактаб), Мунира Раҳимова (Чилонзор туманидаги 126-мактаб), Муҳайё Тулаева, Маъмура Каримова, Маҳфуза Соипова (134-мактаб)лар муал-

шуғулланса, иккинчиси мулоқот усулида дарс ўтади.

— Биз бир жойга йиғилишиб қолсак, мулоқотимиз ўз-ўзидан муаллимлик касби, дарс ва амалий машғулотларга бориб тақалади, — деди Мунира Раҳимова суҳбатни давом эттириб. — Орамизда турмушнинг бошқа жабҳаларидан ҳам гаплашайлик, дегувчилар бўлмайди. Суҳбатларимиз бадиий адабиётлардаги қаҳрамонлар тавсифи билан тугайди.

— "Қуш уясида кўрганини қилади", деган халқимизда ажойиб нақл бор, — дейди сулола вакилларидан бири Қумри Тожиева, — Масалан, мен

Sulola

уйда китоб мутолаа қилсам, бошқалар ҳам шунга эргашишади...

Зийрак газетхон пайқаганидек, сулола вакиллари орасида китобсеварлик муҳити шакллантирилиб, бу давра янада кенгайтириб борилади. Асосийси, фарзандлар инсон ҳаётида китоб муҳим ўрин тутишини ҳис этадилар. Шу билан бирга уларда ота-боболардан мерос касб муаллимликка меҳр-муҳаббати ошиб боради. Демоқчи бўлганимиз, опа-сингиллар муаллимлик касбининг этагидан тутишиб кам бўлишмаяпти — уларнинг меҳнатлари халқ орасида эътироф этилаяпти. Масалан, Лутфи Исломова давлат мукофоти, Зулфия Комилова "Ижодкор ўқитувчи", Мунира Раҳимова "Халқ таълими аълочиси", Қумри Тожиева Оқилхон Шарофиддинов номидаги кўкрак нишонлари эгалари бўлишди. Хуллас, ота-оналари йўлини камолот йўли деб билган опа-сингил—муаллималар ўқитувчилик — шарафли касбнинг муқаддаслигини ўзларининг давомчилари бўлган фарзандлари — кейинги авлод вакиллари онгига сингдириб боришаяпти.

Ҳафиза ИБРАИМОВА,
Фотима ХОЛМИРЗАЕВА,
РТМ бош методистлари

ҚАДРЛАСАНГ, ҚАДР ТОПАСАН

Ҳаётда шундай дамлар бўладики, юрагингда пайдо бўлган ҳис-туйғуларни кимгадир айтмасдан иложинг йўқ. Мустақил Ўзбекистонимиз келажагини ёшларсиз тасаввур қилиш жуда қийин. Бугун мактаб партасида ўтирган, келажакка ишонч билан боқаётган жажжи болажонлар, навқирон йигитлар, дилбар қизлар биз қураётган бахтли ҳаётнинг давомчилари, биз ҳориганимизда елкамиздаги юкни олиб, олға интилувчи мададкорларимиздир.

Бу йил табаррук ёшини қаршилаган Рўзимурод Очиловни каттақўрғонликлар ана шундай устоз сифатида билишади. Каттақўрғон тумани Чўянчи қишлоғидаги 8-мактабни тугатгач, 1943 йилда ҳарбий хизматга чақирилади. Уруш ва ундан кейинги тикланиш йилларида хизмат қилган Р.Очилов 1950 йилда қишлоғига қайтиб келади. 1951 йилда тумандаги 8-мактабда ёшлар етакчиси, ҳарбий раҳбар вазифасида иш бошлаган Р.Очилов 1956 йилда педагогика билим юртини, 1963 йилда Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг тарих факультетини тугатди. Шундан бошлаб тумандаги А.Қодирий номли 10-мактабда тарих ўқитувчиси вазифасини ўз зиммасига олди. Устоз ўзининг 51 йиллик меҳнат фаолияти даврида кўпларга ўрнак бўлгулик ишларни амалга оширишга улгурди. Юрагида ёшлик куч-ғайрати жўш уриб турган, камтарин, ширинсўз устоз оилада ҳам саккиз фарзанднинг пиру бадавлат отаси.

Кўксини турли орден-медаллар безаб турган устоз Рўзимурод Очилов бугунги кунда ҳам мактаб қучоғида ёшларга таълим бериш билан банд.

Халқимизда "Қариси бор уйнинг париси бор", деган ҳикматли гап бор. Дарҳақиқат, шундай. Р.Очиловнинг мактабдаги бугунги шижоати сўнмаслигини шогирдларига устозлик қилиб, ҳали узоқ йиллар ишлашини тилаймиз.

Абдулла ТУРСУНОВ,
Каттақўрғон туманидаги
8-мактаб ўқитувчиси

Болаларда ёшлигидан бирор шаклни чизишга ё бирон буюмни ясашга иштиёқ кучли бўлади. Бухоро вилояти Ромитан туманидаги "Олтин балиқча" номли болалар боғчасида бу жиҳатни йўналтиришга алоҳида эътибор билан қарамоқдалар.

Суратда: жажжи ўғил-қизлар доирачалар ясаш билан банд.

Б.РИЗО
олган сурат.



КУН-ТУНЛАР ҚАНДАЙ ЎЗГАРАДИ?

Sinab ko'ring

Табиатга уюштирилган саёҳат ўқувчиларнинг кузатувчанлигини оширишга хизмат қилади, айни пайтда атроф-оламдаги ўзгаришларни ўрганиб, она табиатга меҳр-муҳаббатини ўстиради, уларда эстетик ҳиссиётни таркиб топтиради. Биринчи синфда саёҳат дарсларини бир неча кўринишда ва мақсадда ташкил этиш мумкин. Энг биринчи навбатда ўқувчилар билан об-ҳаво кузатилади. Ўсимликлар олами, қушлар ҳаракати, осмон, қуёш, хуллас, атрофимизда рўй бераётган барча ўзгаришлар табиат дафтарга қайд этилади. Об-ҳавони кузатиш давомида ўқувчилар қуёшнинг бизнинг ўлкамизга қандай таъсир этишини ҳамда сояни кузатадилар. Ўқувчиларга соянинг ўзгариш ҳолатининг сабаблари тушунтирилади, яъни қуёш ерга доимо бирдек таъсир этмайди. Шунинг билан бирга улар қуёшнинг қандай баландликда туришига кўра йил давомида 21 март баҳорги тенг кунлик эканини, 21 сентябрь эса кузги тенг кунлик, 22 июнь куннинг энг узун ва туннинг эса энг қисқа вақтини ташкил этишини, 22 декабрда аксинча, куннинг энг қисқа, туннинг энг узун дақиқасини қамраб олишини билиб оладилар.

Менга тажрибамдан маълумки, табиат бағрига саёҳат дарсларини ўқув йили охирида ўтказиш самарали натижа беради. Шу тартибда ўтказилган саёҳат дарслари ва ҳосил байрамлари ўқувчиларнинг табиатга бўлган қизиқишини орттиради, уни асраб-авайлаш туйғуси камол топади, она табиатга муносабат маданиятининг таркиб топишига таъсир кўрсатади.

Табиатга саёҳат дарси сўнгида ўқувчиларга ҳар хил мевали ва мевасиз дарахтлар ҳамда гулларнинг баргидан гербарий тайёрлаш вазифа сифатида топширилади. Ўқувчилар гербарийни тайёрлаш давомида баргларнинг тузилишини, уларнинг ранги жиҳатдан фарқланишини билиб оладилар. Хуллас, табиатга саёҳат дарсларида кўзланган мақсадларга бирмунча тезроқ, осонроқ эришиш мумкин.

Рисолат ОМОНОВА,
Қашқадарё вилояти
Ғузор туманидаги
34-мактабнинг бошланғич синф
ўқитувчиси

СЎЗНИНГ ҚУДРАТИ ЎҚУВЧИ ҚАЛБИГА СИНГСА...

Она тили фани ўқувчиларда миллий ифтихор, миллий ғурур туйғусини тарбиялашда етакчи ўрин тутади. Зеро, барча миллий қадриятлар, анъаналар замирида она тили ётади. Адабиёт эса она тилини шакллантирувчи, сўзга кўрк берувчи, маънавий тарбиянинг мағзи ҳисобланади. Бу икки фан ҳамиша муштарак бўлиб, қадимий, миллий анъаналаримизни ўзида мужассам этган, илдизи бақувват, инсонларни меҳр-оқибатга, Ватанни севишга, одоб-ахлоққа, ҳаётга меҳр уйғотувчи воситадир.Шундай экан, ҳозирги долзарб даврда биз адабиётчилар зиммасида улкан вазифалар турибди. У ҳам бўлса, ўқувчини мустақил фикрлашга ўргатиш, бадиий адабиётга ҳавас уйғотиш. Бунинг учун биз ўқувчини А.Қаҳҳор айтгандай, сўз орқали тарбиялашимиз зарур.

Биз ўқувчига сўзнинг қудратини, адабиёт кемтик инсон қалбини тўлдириш, тош юракли, қўпол инсонларни тарбиялаш, чарчоқ қалбларга ором бериш, инсонларни кулдириш қувватига эга эканлигини тушунтира олишимиз керак.

Адабиёт ўқитувчисининг дарси бошқа дарслардан фарқ қилиши, бу дарсларни ўқувчилар бошқача интиқлик билан кутишлари учун адабиёт фани ўқитувчиси сўзларни ўз ўрнида тўғри қўллай билиши, ҳар бир ўқувчига қачон қандай муомала қилиш кераклигини билиши зарур.

Биз ўқувчига дарс давомида берган билимларимизни, дарсдан кейинги фан тўгаракларида мустаҳкамлаб боришга интилсак, уни янада адабиёт оламига тезроқ етаклаб киришимизга замин ҳозирлаган бўламиз. Бу эса уларни ижодий изланишга ундайди. Бунинг учун биз ўқувчига намуна бўлишимиз, юзлаб шеърлар, ғазалларни ёддан ифодали айта олишимиз, кўплаб бадиий асарларни ўқиган бўлишимиз, хуллас ҳам санъаткор, ҳам актёр, ҳамда режиссёрлик қилишимиз керак. Бундай тўгаракларда ўқувчилар ўзини анча эркин тутади. Уларнинг айрим яширин истеъдодлари ҳам юзага чиқади.

Мен тўгаракларда асосан "Ёш қаламкашлар" билан иш олиб бораман. Уларнинг шеъриятга бўлган қизиқишларини ошириш мақсадида турли шеърият кечалари, "Баҳру байт", "Мушоира" каби қизиқарли кечалар ташкил қиламан. Уларга турли мавзулар бўйича иншолар ёздираман, сценарийлар тузиш, қандай қилиб бошловчилик қилиш сирларини ўргатишга интиламан. Ушбу эзгу ишлар самараси ўлароқ, ўқувчим Озода Қўзиева 1996 йили Республика иншолар танловида "Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир" мавзусидаги иншоси билан фахрли ўринни эгаллади. 2001 йил март ойида яна бир ўқувчим Элёр Хўжамбердиев "Ёш қаламкашлар" танловида ўзининг шеърлари билан Республика иқтидорли ўқувчилар анжуманида иштирок этиб, фахрли ўринга лойиқ топилди. Бу икки ўқувчимнинг шеърлари туман, вилоят матбуотида чоп этилиб туради. Мактабда ўқувчиларнинг бадиий ўқишга бўлган интилиши жуда кучли. Мен дастурда берилган мустақил ўқиш дарсларини албатта тўлиқ ўтишга ҳаракат қиламан. Айрим ўқитувчилар мустақил ўқилган асарлар юзасидан суҳбат мавзуларини қисқартириб ўтишади. Менинг фикримча, бундай мавзуларни иложи борича кенгроқ ўтиш мақсадга мувофиқ.

Каромат ҚЎЗИЕВА,
Сирдарё вилояти, Сайхунобод
туманидаги 1-мактабнинг она
тили ва адабиёти
фани ўқитувчиси

Келгуси ҳафта теледастурлари билан танишинг!

Душанба, 10

«Ўзбекистон» телеканали

Телетомошабинлар диққатига! Профилактика муносабати билан душанба, 10 июнь куни «Ўзбекистон-1» телеканали кўрсатувлари соат 15.00 дан бошлаб кўрсатилади.

15.00 «Таҳлилнома».
15.45 Ўзбекистон телерадиокомпанияси халқ чолғулари оркестрининг концерти.
16.10 «Уй бекаси».
«Ёзги таътил кунларида: «Болалар сайёраси» **16.30 1. «Олтин тож». Телевизион ўйин. 2. «Саргузаштлар асири». Видеофильм. 4-қисм.**
17.30 ТВ клип.
17.35 «Инсон ва қонун».
17.55 ТВ маркет.
18.00 ЯНГИЛИКЛАР
18.10 Эстрада тароналари.
18.30 «Мулк».
18.45 «Бахтли воқеа». Телелоторея.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 ЭЪЛОНЛАР
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 Биржа ва банк хабарлари.
20.30 «Ахборот».
21.05 Ўзбекистон - АҚШ: Ҳамкорлик йўлида. «Узоқ ва яқин Америка». 1-қисм.
21.25 Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар.
21.45 Теннис бўйича «Тошкент оупен» халқаро турнирининг тантанали очилиши (ёзиб олинган)
22.15 2002 йил - Қарияларни қадрлаш йили. **«Париси бор уй».**
22.45 Футбол бўйича жаҳон чемпионати кундалиги.
23.00 «Ахборот - дайжест».
23.20-23.25 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканали

9.00 Давр тонги.
10.00 «Янги авлод» студияси: Болалар учун концерт.
10.20 «Мульттомоша».
10.50 Мусиқий лаҳзалар.
11.00 «Давр» ҳафта ичида.
11.30 Футбол бўйича жаҳон чемпионати кундалиги.
13.20 Кўҳна оҳанглар.
13.30 Давр-news.
13.50 «Бор экан-да, йўқ экан». Телефильм.
14.00 Футбол бўйича жаҳон чемпионати кундалиги.
15.50 Мусиқий лаҳзалар.
16.00 «Янги авлод» почтаси, «Билағон маслаҳати».
16.30 Футбол бўйича жаҳон чемпионати кундалиги.
18.25 Муқаддас бурч.
18.45 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.35 ТВ-анонс.
19.40 Кўҳна оҳанглар.
19.50 Ёшлар овози.
20.10 Бир ўлкаки.
20.30 Ёшлик наволари.
20.55 «Эсмеральда».
21.30 Қишлокдаги тенгдошим.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.40 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.
23.05 «Ёшлар» телеканалида спорт: Интерфутбол.
0.50 «Давр». Ахборот дастури.
1.05-1.10 Хайрли тун!

«Тошкент» телеканали

17.20 «Официна баридан чиққан фирибгарлар». 6-қисм.
17.55, 19.10, 21.35 «Экспресс» телегазетаси.
18.15 «Спорт ва болалар».
18.30, 20.00, 21.15 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.50 «Халқ саломатлиги йўлида».
19.30 «Аёл-она, мураббий, раҳбар» телеклуби.
19.50 «Камалак».
20.30 «Бебилиска пул».
21.55 «ТВ плюс».
22.20 «Пойтахт шарҳи».
22.45 Кинонигоҳ. «Азизим, мен болаларни кичрайтирдим».

«Халқаро» телеканал

РЖТ 6.30-8.00
16.05 «Вести».
16.25 «Аншлаг».
17.15 «Бугун оламда».
РЖТ
17.25 «Мени кутгил».
18.20 Катрин Денев ва Филип Нуаре «Африкалик» саргузашт фильмида.
20.00 «Время».
20.35 «Заиф бўғин». Шоу ўйин.
ЎзТВ–IV
21.25 «Ҳаётим менинг - севгим менинг». С. Ротару иштирокидаги концерт дастури.
23.15 Футбол бўйича жаҳон чемпионати.
00.55 «Ахборот» (рус тилида)

Сешанба, 11

«Ўзбекистон» телеканали

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 - 8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 «Камалак».
9.40 «Соғлом она - соғлом бола».
10.00, 12.00, 18.00 ЯНГИЛИКЛАР
10.05 «Мулк».
10.20 «Гугуртга кетиб». Бадиий фильм.
12.05 «Париси бор уй».
12.35, 13.35 ТВ анонс.
12.40 «Ёшлар ва мусиқа».
13.10 «23,5 даражали бурчак остида». Телесериал премьераси. 83-қисм.
13.40 Теннис бўйича «Тошкент оупен» халқаро турнири.
Ёзги таътил кунларида: «Болалар сайёраси».
16.00 1. «Саргузаштлар асири». Видеофильм. 5-қисм. 2. «Покахонтас». Мультсериал премьераси.
16.55 «Ватанимга хизмат қиламан».
18.10 «Баркамол авлод орзуси».
18.30 «Инсон ва қонун».
18.50 «Олтин мерос».
19.05 «Тафсилот».
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 Ўзбекистон - АҚШ: Ҳамкорлик йўлида. «Ҳамкорликнинг янги босқичи». 2-қисм.
21.25 «Ўзбекистон» каналида илк маротаба: **«Ошин». Телесериал премьераси.**
21.55 «Осори-атиқаларимиз».
«Спорт» дастури:
22.25 От спорти бўйича жаҳон кубоги.
22.55 Футбол бўйича жаҳон чемпионати кундалиги.
23.10 «Ахборот - дайжест».

«Ёшлар» телеканали

9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» почтаси, «Билағон маслаҳати».
9.45 «Мульттомоша».
10.00 Бизнес-академия.
10.15 «Эсмеральда».
10.45 Мусиқий лаҳзалар.
10.50 Ёшлар овози.
11.10 Аскар мактублари.
11.30 Футбол бўйича жаҳон чемпионати кундалиги.
13.20 Кўҳна оҳанглар.
13.30 Футбол бўйича жаҳон чемпионати кундалиги.
15.10 Мусиқий лаҳзалар.
15.20 Азизим.
15.55 «Янги авлод» студияси: «Оқ кабутар», «Ҳар соҳага саёҳат».
16.25 Ўзбек мумтоз мусиқасидан.
16.30 Футбол бўйича жаҳон чемпионати кундалиги.
18.20 Автопатруль.
18.35 Сифат белгиси.
18.45 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.35 ТВ-анонс.
19.40 Давр-интервью.
19.55 «Илдиз ва япроқ».
20.15 Марди майдон.
20.35 Муҳаббат қўшиқлари.
20.55 «Эсмеральда».
21.30 Ёшлар овози.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.40 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.
23.05 «Ёшлар» телеканалида спорт: Интерфутбол.
00.50 «Давр». Ахборот дастури.

«Тошкент» телеканали

17.20 ТТВда сериал «Официна баридан чиққан фирибгарлар». 7-қисм.
17.55, 19.20, 21.35 «Экспресс» телегазетаси.
18.15 «Шаҳримиз дурдоналари».
18.30, 20.00, 21.15, 22.25 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.50 «Бир қўшиқ тарихи». «Салламно».
19.40 «Суҳбатдош».
19.55 «Жозиба».
20.30 «Бебилиска пул».
21.55 «Туризм ҳақида».
22.50 Кинонигоҳ. «Азизим, мен болаларни катталаштирдим».

«Халқаро» телеканал

РЖТ 6.30-8.00
16.05 Теннис бўйича «Тошкент оупен» халқаро турнири.
РЖТ
20.00 «Время».
20.35 «Ким миллионер бўлишни истайди?» Телеўйин.
ЎзТВ–IV
21.25 «ТВ-4да Немис тўлқини».
22.05 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
22.15 «Оилавий ришталар». Сериал.
23.10 Футбол бўйича жаҳон чемпионати.
00.50 «Ахборот» (рус тилида)

Чоршанба, 12

«Ўзбекистон» телеканали

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 -8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 «Ўзбекетлефильм « намойиши: «Ўзбекистон маркаси».
9.10 «Осори-атиқаларимиз».
9.40 «Оламга саёҳат». Кинокўрсатув.
10.00, 12.00, 18.00 ЯНГИЛИКЛАР
10.05 Алифбо сабоқлари.
10.25 «Бошсиз чавандоз». Бадиий фильм.
12.05 «Баркамол авлод орзуси».
12.30 «Бу ажиб фасл». Телеальманах.
12.55 ТВ клип.
13.05 «Ошин». Телесериал.
13.40 Теннис бўйича «Тошкент оупен» халқаро турнири.
16.00 «Ҳаёт қомуси».
16.20 «Остонаси тиллодан».
16.40 «Ягона оилада».
Ёзги таътил кунларида: «Болалар сайёраси».
17.10 1. «Сарзузаштлар асири». 6-қисм. 2. «Қувноқ шаҳарча». Телемусобақа.
18.10 «Ажаб саодат эрур». Бадиий-публицистик кўрсатув.
18.30 «Умид» телелотореяси.
19.10 «Мулк».
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 Киноконцерт.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Ўзбекистон - АҚШ: Ҳамкорлик йўлида. «Муштарак мақсадлар сари». 3-қисм.
21.25 «Қўшиғимиз Сизга армуғон».
21.50 «Ўзбекистон» каналида илк маротаба: **«Ошин». Телесериал премьераси.**
22.20 Футбол бўйича жаҳон чемпионати кундалиги.
22.35 «ТВ-клуб».
23.00 «Ахборот -дайжест».

«Ёшлар» телеканали

9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» студияси: «Оқ кабутар», «Ҳар соҳага саёҳат».
9.45 «Мульттомоша».
10.00 Давр-интервью.
10.15 Мусиқий лаҳзалар.
10.25 «Эсмеральда».
10.55 Ёшлар овози.
11.15 Автопатруль.
11.30 Футбол бўйича жаҳон чемпионати кундалиги.
13.20 Кўҳна оҳанглар.
13.30 Футбол бўйича жаҳон чемпионати кундалиги.
15.10 «Буюк ипак йўли. Нурота». Телефильм.
15.30 «Янги авлод» студияси: «Дунё ва болалар».
15.50 Уйна, болажон, ўйна.
16.05 Таянч.
16.30 Футбол бўйича жаҳон чемпионати кундалиги.
18.25 Оқшом наволари.
18.40 Каталог.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.40 Сийрат.
20.00 Спорт-лото.
20.10 Очил дастурхон.
20.25 Ёшлик наволари.
20.50 «Эсмеральда».
21.25 Ёшлар овози.
21.45 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.40 «Муҳаббат қаҳваси».
23.05 «Ёшлар» телеканалида спорт: Интерфутбол.
00.50 «Давр». Ахборот дастури.

«Тошкент» телеканали

17.20 ТТВда сериал «Официна баридан чиққан фирибгарлар». 8-қисм.
17.55, 19.10, 22.20 «Экспресс» телегазетаси.
18.15 Болажонлар экрани.
18.30, 20.00, 22.00, 22.40 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.50 «Мусиқий меҳмонхона».
19.30 «Санъатга бахшида умр». Ф. Раҳматова.
20.30 ТТВда сериал: «Бебилиска пул».
21.15 «Дорихона эшитади». Бевосита мулоқот.
23.05 Кинонигоҳ. «Оқ фотиҳа».

«Халқаро» телеканал

16.05 Теннис бўйича «Тошкент оупен» халқаро турнири.
РЖТ
20.00 «Время».
20.30 «Балиқ овининг миллий хусусиятлари». Кинокомедия.
ЎзТВ–IV
22.25 «Италия ҳақида ҳикоялар».
23.05 Футбол бўйича жаҳон чемпионати.
00.45 «Ахборот» (рус тилида)

Пайшанба, 13

«Ўзбекистон» телеканали

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
Ёзги таътил кунларида: «Болалар сайёраси».
9.00 1. «Саргузаштлар асири». Видеофильм. 6-қисм.
2. «Қувноқ шаҳарча». Телемусобақа.
10.00, 12.00, 18.00 ЯНГИЛИКЛАР
10.05 «Мулк».
10.20 «Товус малика». Бадиий фильм.
11.50, 13.30 ТВ клип.
12.05 «Ажаб саодат эрур». Бадиий-публицистик кўрсатув.
12.25, 12.55, 16.40 ТВ анонс.
12.30 «Ўзбекистон - Ватаним маним».
13.00 «Ошин». Телесериал.
13.40 Теннис бўйича «Тошкент оупен» халқаро турнири.
16.00 «Депутат».
16.20 «Талабалик йилларим».
16.45 «Харита». Халқаро шарҳ.
Ёзги таътил кунларида: «Болалар сайёраси».
17.00 1. «Санъат ғунчалари». 2. «Бешбармоқ». Тележурнал.
18.10 «Ўзбекистон: XXI аср ёшлари».
18.30 «Яхши ният». Телелоторея.
19.05 «Инсон ва қонун».
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 «Телемулоқот». Саволларга Давлат тест маркази ходимлари жавоб берадилар.
21.35 «Аския кечаси».
22.05 «Руҳият манзаралари».
22.35 Футбол бўйича жаҳон чемпионати кундалиги.
22.50 «Кавингтон Кросс». Телесериал.
23.40 «Ахборот-дайжест».

«Ёшлар» телеканали

9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» студияси: «Дунё ва болалар».
9.35 Сийрат.
9.55 Таянч.
10.20 «Эсмеральда».
10.50 Ёшлар овози.
11.10 Тафаккур элчинлари.
11.25 Мусиқий лаҳзалар.
11.30 Футбол бўйича жаҳон чемпионати кундалиги.
13.20 Кўҳна оҳанглар.
13.30 Футбол бўйича жаҳон чемпионати кундалиги.
15.10 Мусиқий лаҳзалар.
15.15 Саломат бўлинг.
15.45 Сифат белгиси.
15.55 «Янги авлод» студияси:
16.15 Огоҳ.
16.30. Футбол бўйича жаҳон чемпионати кундалиги.
18.25 Табобат оламида.
18.45 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.35 Тв-анонс.
19.40 Давр-интервью.
19.55 Соғлиқни сақлаш вазирлиги тақдим этади: «Илк туйғу» видеофильми. 1-қисм.
20.20 Мезон.
20.40 Ёшлик қўшиқлари.
20.55 «Эсмеральда».
21.30 Ёшлар овози.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.40 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.
23.05 «Ёшлар» телеканалида спорт: Интерфутбол.
00.50 «Давр». Ахборот дастури.

«Тошкент» телеканали

17.20 ТТВда сериал «Официна баридан чиққан фирибгарлар». 9-қисм.
17.55, 19.15, 21.35 «Экспресс» телегазетаси.
18.15 Болажонлар экрани.
18.30, 20.00, 21.15, 21.55 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.50 «Камолот фасли».
19.35 «Эътиқод».
19.50 Мусиқий лаҳзалар.
20.30 ТТВда сериал: «Бебилиска пул».
22.20 Кинонигоҳ. «Муҳаббат барини кечиради».

«Халқаро» телеканал

РЖТ 6.30-8.00
16.05 Теннис бўйича «Тошкент оупен» халқаро турнири.
РЖТ
20.00 «Время».
20.35 «Рус рулеткаси».
ЎзТВ–IV
21.25 «Оилавий ришталар». Сериал.
22.25 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
22.35 «Футбол кундалиги».
23.00 Футбол бўйича жаҳон чемпионати.
00.40 «Ахборот» (рус тилида)

Жума, 14

«Ўзбекистон» телеканали

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 - 8.35 «Ахборот».
8.35 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
Ёзги таътил кунларида: »Болалар сайёраси».
9.00 1. «Санъат ғунчалари». 2. «Бешбармоқ». Тележурнал.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 ЯНГИЛИКЛАР
10.05 «Унутмас мени боғим».
10.25 «Вена почта маркаси». Бадиий фильм.
12.05 «Ўзбекистон : XXI аср ёшлари».
12.25, 13.55 ТВ анонс.
12.30 «Китоб жавонингизга».
12.50 ТВ клип.
13.00 «Олам». Телеальманах.
13.35 «Ўзбек спорти одимлари».
14.10 «Йиллар ва йўллар».
Ёзги таътил кунларида: «Болалар сайёраси».
14.30 «Ўйла, изла, топ». Телемусобақа.
15.10 Теннис бўйича «Тошкент оупен» халқаро турнири.
18.10 «Тафсилот».
18.25 «Омад қувончи». Телелоторея.
19.05 «Зиё» студияси намойиш этади: «Эътиқод мустаҳкамлиги йўлида».
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 «Тиббиёт одимлари».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Азиз одамлар». Дам олиш дастури.
21.50 «Соғлом она - соғлом бола».
22.10 «Ўзбекистон» каналида илк маротаба: **«Ошин». Телесериал премьераси.**
22.40 «Бу ажиб фасл». Телеальманах.
23.00 «Олтин бешик».
23.25 Футбол бўйича жаҳон чемпионати кундалиги.
23.40 «Ахборот - дайжест».

«Ёшлар» телеканали

9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» студияси: «Уйна, болажон, ўйна.
9.50 Давр-интервью.
10.05 «Эсмеральда».
10.35 Мезон.
10.55 Мусиқий лаҳзалар.
11.10 Ёшлар овози.
11.30 Футбол бўйича жаҳон чемпионати кундалиги.
13.20 Кўҳна оҳанглар.
13.30 Футбол бўйича жаҳон чемпионати кундалиги.
15.10 Мусиқий лаҳзалар.
15.20 Оддий одамлар.
15.40 «Янги авлод» студияси: «Спорт майдончаси», «Ҳамма нарсани билишни истайман».
16.10 Бир ўлкаки.
16.30 Футбол бўйича жаҳон чемпионати кундалиги.
18.25 Аскар мактублари.
18.45 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.35 ТВ-анонс.
19.40 Кўҳна оҳанглар.
19.50 «Илк туйғу» видеофильми. 2-қисм.
20.15 Аср қиёфаси.
20.35 «Ёр ишқи». Мусиқий дастур.
20.55 «Эсмеральда».
21.30 Ёшлар овози.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.40 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.
23.05 «Ёшлар» телеканалида спорт: Интерфутбол.
00.50 «Давр». Ахборот дастури.

«Тошкент» телеканали

17.20 ТТВда сериал «Официна баридан чиққан фирибгарлар». 10-қисм.
17.55, 19.15, 21.35 «Экспресс» телегазетаси.
18.15 Болажонлар экрани.
18.30, 20.00, 21.15, 22.10 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.50 ТТВда сериал: «Бу ҳам кино». 18-қисм.
19.35 «Кўркам ўлкам».
19.50 Мусиқий танаффус.
20.30 ТТВда сериал: «Бебилиска пул».
21.55 «Саломатлик маскани».
22.35 Кинонигоҳ. «Кулгу ишқибозлари».

«Халқаро» телеканал

РЖТ 6.30-8.00
16.05 «Вести».
16.25 «Аншлаг». Волгада «Кулги кечаси».
18.05 Теннис бўйича «Тошкент оупен».
халқаро турнири.
РЖТ
20.00 «Время».
ЎзТВ–IV
20.35 «Кун мавзуси».
20.50 «Оилавий ришталар». Сериал.
21.45 «Дурдаршан».
22.10 «Футбол кундалиги».
22.35 Футбол бўйича жаҳон чемпионати.
00.15 «Ахборот» (рус тилида)

Шанба, 15

«Ўзбекистон» телеканали

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
Ёзги таътил кунларидая: «Болалар сайёраси».
9.00 «Ўйла, Изла, Топ». Телемусобақа.
9.40 «Зиё» студияси намойиш этади: «Эътиқод мустаҳкамлиги йўлида».
10.00 «Дунё эшиклари очилди бизга».
10.20 «Санъатга бахшида умр». Ф. Аҳмедов.
10.50 ТВ-1 кинотеатри: **«Онегин». Бадиий фильм.**
12.30 «Бу қадим йўлларда».
12.45 «Ягона оилада».
13.15 «Интерклуб».
14.00 «Маърифат».
Ёзги таътил кунларида: «Болалар сайёраси».
14.20 «Мўъжизалар майдончаси». Телешоу.
15.10 Теннис бўйича «Тошкент оупен» халқаро турнири.
18.00 «Митивойлар оиласи».
18.25 «Сиҳат-саломатлик».
18.45 «Бадиий кенгашдан сўнг».
19.05 «Қишлоқ ҳаёти».
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 «Обод уйда пок одамлар яшайди».
21.25 Футбол бўйича жаҳон чемпионати кундалиги.
21.40 «Шанба оқшомида».
«Тунги ёғду». Дам олиш дастури.
22.10 «ТВ альманах».
22.30 «Ахборот-дайжест».
22.50 «Ўзбекистон» каналида илк маротаба: **«Ширин орзулар». Бадиий фильм.**

«Ёшлар» телеканали

8.00 «Давр тонги».
9.00 «Янги авлод» студияси: «Спорт майдончаси», «Ҳамма нарсани билишни истайман».
9.30 Табобат оламида.
9.50 Мусиқий лаҳзалар.
10.00 «Эсмеральда».
10.30 Аср қиёфаси.
10.50 Ёшлар овози.
11.10 Огоҳ.
11.25 Мусиқий лаҳзалар.
11.30 Футбол бўйича жаҳон чемпионати кундалиги.
13.20 Кўҳна оҳанглар.
13.30 «Саргардон руҳ». Бадиий фильм.
15.00 Кўшқулоқ.
15.15 «Рамаяна». Телесериал.
15.50 «Янги авлод» студияси: «Катта танаффус».
16.15 «Мульттомоша».
16.30 Футбол бўйича жаҳон чемпионати кундалиги.
18.25 Саломатлик сирлари.
18.45 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.40 Каталог.
19.50 Кўҳна оҳанглар.
19.55 Давр-интервью.
20.10 Ёшлик қўшиқлари.
20.30 Кутилмаган меҳмон.
20.55 «Жюли Леско». Бадиий фильм. 9-қисм.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.40 Тунги тароналар.
22.50 Киногакдим.
23.10 «Ёшлар» телеканалида премьера: «Гирдоб».

«Тошкент» телеканали

17.20 «Мультчархпалак».
17.40 «Жаҳон географияси».
18.40, 20.20, 21.50 «Экспресс» телегазетаси.
19.00 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
19.20 «Мисли гавҳар».
19.35 «Ташриф».
19.55 «Бу ҳам кино». 19-қисм.
20.40 «Нима учун?»
21.10 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
22.10 «Ҳамшаҳарлар» таклиф этади. «Менинг маҳаллам».
шоуси.
23.10 Кинонигоҳ. «Аёллар нима истайди?»

«Халқаро» телеканал

9.05 «ТВ-4да мусиқа».
РЖТ
9.10 «Лаззат».
9.25 «Катта футбол». Ток-шоу.
10.00 «Сиҳат-саломатлик».
ЎзТВ–IV
10.40 «CFI янгиликлари».
10.50 «Инглиз тили Сиз учун».
11.00 «Фан-тайм».
11.10 «Лего-ленд». Шоу дастур.
11.40 CFI тақдим этади: «Қирол ва қуш». Мультфильм.
13.00 Дўстлик видеоканали: «Умид», «Чинсэн», «Бизнен мирас».
14.00-14.30 «Немис тили».
ЎзТВ–IV
16.05 «Бинафша».
РЖТ
16.20 А. Малинин «Ўнинчи бал» концерт дастурида.
17.00 ЯНГИЛИКЛАР
17.15 А. Малинин «Ўнинчи бал» концерт дастурида (давоми)
18.05 Теннис бўйича «Тошкент оупен» халқаро турнири.
РЖТ
20.00 «Время».
20.30 «Нима? Қаерда? Қачон?» Финал ўйини.
ЎзТВ–IV
21.50 «7 дан 70 гача».
22.20 «Ассалом Франция!»
22.35 «Мюзик холл».
22.50 Футбол бўйича жаҳон чемпионати.
00.30 Ахборот (рус тилида)

Якшанба, 16

«Ўзбекистон» телеканали

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 «Камалак».
9.10 «Фаройибот».
9.30 «Балиқчи ва олтин балиқ ҳақида эртак». Мультфильм.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Она меҳри».
11.20 «Қувноқ стартлар». Телемусобақа.
Ёзги таътил кунларида: «Болалар сайёраси»:
12.00 «Мўъжизалар майдончаси». Телешоу.
12.55 «Футбол-шоу».
13.30 ТВ-1 кинотеатри: **«Замонлар оша-2».**
15.20 «Қалб гавҳари».
15.40 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати. «Насаф» - «Пахтакор».
16.40 «Рангин дунё».
17.00 «Оқ олтин». Телелоторея.
Ёзги таътил кунларида: »Болалар сайёраси»:
17.40 1. «Улғайиш поғоналари». 2. «Олтин тож». Телевизион ўйин.
18.45 «Талабалик йилларим».
19.05 «Тўртинчи хокимият».
19.30 «Таҳлилнома» (рус тилида)
20.05 Эстрада тароналари.
20.30 «Таҳлилнома».
21.15 Теннис бўйича «Тошкент оупен» халқаро турнирининг финал учрашуви ва тантанали ёпилиши (Ёзиб олинган)
22.45 «Кино оламида».
23.05 Футбол бўйича жаҳон чемпионати кундалиги.
«Якшанба кинозали»:
23.20 «Ўзбекистон» каналида илк маротаба: **«Сен борсан». Бадиий фильм.**

«Ёшлар» телеканали

8.00 «Давр тонги».
9.00 «Янги авлод» студияси: «Уй вазифаси», Болалар клуби.
9.45 Мультфильмлар.
10.20 Давр-интервью.
10.35 Мусиқий лаҳзалар.
10.45 «Зинама-зина».
11.15 Очил дастурхон.
11.30 Футбол бўйича жаҳон чемпионати кундалиги.
13.20 Кўҳна оҳанглар.
13.30 «Учинчи сайёра» маърифий дастури.
14.20 «Ёшлар» телеканалида ҳарбий-ватанпарварлик дастури: 1. Марди майдон. 2. Аскар мактублари.
15.00 «Рамаяна». Телесериал.
15.35 Очун.
15.55 «Янги авлод» студияси: «Ким эпчил-у? Ким чаққон?»
16.20 Мусиқий лаҳзалар.
16.30 Футбол бўйича жаҳон чемпионати кундалиги.
18.25 Якшанбада кўришгунча.
18.40 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр»-news.
19.20 Синфдош.
19.45 Аёл қалби наволари.
20.10 «Жюли Леско». 10-қисм.
21.00 «Заковат» интеллектуал ўйини.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр ҳафта ичида».
22.35 Тунги тароналар.
22.45 «Ёшлар» телеканалида премьера: «Виждон амри». Бадиий фильм.

«Тошкент» телеканали

17.20 «Эртакларнинг сеҳрли олами».
19.00, 21.50, 22.40 «Экспресс» телегазетаси.
19.20 «Жаҳон географияси».
20.20 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
21.00 «Пойтахт шарҳи».
21.25 ТТВда сериал: «Бу ҳам кино». 20-қисм.
22.10 «Телефакт».
22.20 «Спорт-клуб».
23.00 Кинонигоҳ. «Бўйдоқ».

«Халқаро» телеканал

9.05 «ТВ-4да мусиқа».
9.15 «Саёҳатчилар клуби».
9.55 «Биз анойи эмасмиз». Ҳажвий кўрсатув.
10.25 «Кайфият». Информацион дам олиш дастури.
11.55 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
12.05 «Парле ву франсэ?»
12.30 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
12.50 Болалар соати: «Пўлат қаҳрамон». Мультфильм.
14.20-15.20 «Дўстлик» видеоканали: «Рангинкамон», «Дидар».
ЎзТВ–IV
16.05 CFI тақдим этади: «Бешинчи ўлчов».
16.30 «Ҳикоя».
16.50 «Лего-ленд».
РЖТ
17.20 А. Розенбаум, Л. Долина, Н. Басков ва бошқалар «Истеъдод» мукофотининг тақдимот маросими.
18.55 «Ўпқон». Бадиий фильм.
ЎзТВ–IV
21.30 «7 кун». Ҳафта якунлари.
21.55 «Тенгдошлар».
22.25 «Олтин микрофон». Мусиқий дастур.
22.50 «Кинопрофи».
23.10 «Футбол кундалиги».
23.35 Футбол бўйича жаҳон чемпионати.
1.15 «Таҳлилнома».

КЎЗГУДА XVII ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ

Илк бор Осиёда ўтказилаётган жаҳон чемпионатига 32 терма жамоа таркибидаги 736 нафар футболчи ташриф буюрган. Терма жамоалар таркибини кузатиб, бир қатор қизиқарли маълумотларга эътиборингизни жалб қилишни лозим топдик.

Энг "кекса" терма жамоа — Бельгия (ўртача ёши — 29,5).

Энг ёш терма жамоа — Нигерия (ўртача ёши — 24).

Энг узун бўйли ўйинчи Жианг Жинг — 198 см (Хитой).

Энг бўйи паст ўйинчи — Муҳаммад ал-Шлхуб — 163 см (Саудия Арабистони).

Энг оғир вазнли ўйинчи — Найл Куинн — 100 кг (Ирландия).

Энг енгил вазнли ўйинчи — Роман Моралес — 59 кг (Мексика).

Энг "кекса" ўйинчилар — Дэвид Симен (Англия) ва Станислав Черчесов (Россия) — 39 ёш.

Энг ёш ўйинчи — Феми Опабунми — 17 ёш (Нигерия, 1985 йил 3 мартда туғилган).

Жамоаси таркибида энг кўп ўйин ўтказган футболчи — Хорхе Кампос — 123 та (Мексика).

Жамоаси таркибида энг кўп тўп киритган футболчи — Габриэль Батистута — 55 та (Аргентина).

ЖЧ — 2002 да энг кўп Англия премьер лигасида тўп сураётган футболчилар иштирок этмоқдалар — 99 нафар. Италия биринчи дивизионидан 75, Германия бундеслигасидан — 60, Испания премьерасидан 59, Франция биринчи дивизионидан 55 нафар футболчи Япония — Корея майдонларида тўп сурмоқда.

ЖЧ-2002 ўйинларини Европадан — 14, Жанубий Америкадан — 6, Шимолий ва Марказий Америкадан — 5, Африкадан — 5, Осиёдан — 5, Океаниядан — 1, жами 36 нафар бош ҳакамлар бошқариб борадилар. Улар ичида энг "кекса" ҳакам — Анхель Санчес — 45 ёшли (Аргентина). Энг ёш ҳакам — Марк Александр Шилд — 29 ёш (Австралия).

Ҳозиргача Бразилия 4 марта, Италия ва Германия 3 мартадан, Уругвай ва Аргентина 2 мартадан, Англия ва Франция 1 мартадан Жаҳон Кубогини қўлга киритишган. Жанубий Америка — Европа — 8:8.

Африкаликлар ва осиёликларга ҳам навбат етиб келмадимикин?!.

ДАСТЛАБКИ НАТИЖАЛАР

1-турданоқ кутилмаган натижани тортиқ қилган янги асрнинг илк жаҳон чемпионати бирмунча қизиқарли ва шов-шувли ҳодисаларга бой бўлмоқда. Ҳакамларнинг қўпол ўйнаган ва баҳонакаш футболчиларга сариқ ва қизил карточкалар кўрсатишию ўз дарвозасига урилган голлар, 8:0 ҳисобию бир ўйиндагина дарвозаларнинг даҳлсиз қолиши, энг сўнгги жаҳон чемпионларининг икки ўйинда ҳалигача гол уролмаганию гуруҳда энг кучсиз деб ҳисобланган жамоаларнинг энг кучли ҳисобланганларни мағлуб этиши... Хуллас, бугунгача қуйидаги натижалар қайд қилинди:

"А" гуруҳи

Франция-Сенегал-0:1
Уругвай-Дания-1:2
Франция-Уругвай-0:0
Дания-Сенегал-1:1

"В" гуруҳи

Парагвай-ЖАР-2:2
Испания-Словения-3:1
Испания-Парагвай-3:1

"С" гуруҳи

Бразилия-Туркия-2:1
Хитой-Коста-Рика-0:2

"D" гуруҳи

Корея-Польша-2:0
АҚШ-Португалия-3:2

"Е" гуруҳи

Ирландия-Камерун-1:1
Германия-Саудия Арабистони-8:0
Германия-Ирландия-1:1
Камерун-Саудия Арабистони-1:0

"F" гуруҳи

Англия-Швеция-1:1
Аргентина-Нигерия-1:0
Швеция-Нигерия-2:1
Аргентина-Англия-0:1

"G" гуруҳи

Хорватия-Мексика-0:1
Италия-Эквадор-2:0

"Н" гуруҳи

Япония-Бельгия-2:2
Россия-Тунис-2:0

Ҳозиргача икки ўйинда ғалаба қозонган Испания терма жамоаси биринчи бўлиб 1/8 финалга йўлланмани қўлга киритган бўлса, икки ўйинда мағлуб бўлган Саудия Арабистони ва Нигерия терма жамоалари муддатидан илгари баҳсни тўхтатдилар.

КОМПЬЮТЕР ТЕРМА ЖАМОАСИ

Маълумки, ҳар бир жаҳон чемпионати якунида финал турнирининг рамзий терма жамоаси тузилади. Интернетда тарқатилган хабарга кўра, Opta Jndex компьютери Япония ва Жанубий Кореяда бўлаётган XVII жаҳон чемпионати I тур якунлари бўйича терма жамоани аниқлаган.

Футболни яхши тушунадиганларнинг фикрича, Германия — ўртача савиядаги ўйинчилардан иборат, алоҳида хусусиятга эга бўлмаган терма жамоа. Компьютернинг ҳисоби бўйича эса Саудия Арабистонини 8:0 ҳисобида мағлуб этган жамоа истеъдодли футболчилардан иборат. Шу сабаб Opta Jndex терма жамоасидан 4 нафар немис футболчиси жой олган.

Компьютер энг аввало, I турда гол урган футболчиларга юқори баҳо берган. У танлаган терма жамоа аъзоларининг дарвозабондан бошқа барчаси I турдаёқ тўп киритган ўйинчилардир.

Компьютер танлаган терма жамоа дарвозасини французларнинг 7 та кучли зарбасини қайтарган сенегаллик Тони Силва қўриқлайди. Ўнг қанот ҳимоячиси — ЖАР билан ўйинда бир тўп киритган ва яна бир голга ассистентлик қилган парагвайлик 31 ёшли ҳимоячи Франсиско Арсе. Чап қанотда — Дания дарвозасига чиройли тўп киритган Дарио Родригес (Уругвай). Марказий ҳимоячилар — Томас Линке (Германия) ва Маурисио Райт (Коста-Рика).

Чап қанот ярим ҳимоячиси ўрнида ЖАР терма жамоаси ва "Манчестер Юнайтед" клуби ўйинчиси Квинтон Форчун ўйнайди. Ўнг қанот эса германиялик Бернд Шнайдерга топширилган. Марказий ярим ҳимоячилар — Михаэль Баллак (Германия) ва Егор Титов (Россия).

Компьютер тузган жамоанинг ҳужум чизиғида I турдаёқ "хет-трик"ка эришган Мирослав Клозе (Германия) ҳамда "дубль" соҳиби бўлган Кристиан Въери (Италия) "ўйнайди".

Бу фақат натижаларга, ҳисоб-китобларга таянувчи, инсон томонидан ясалган компьютернинг I турдан кейинги хулосалари, холос.

Ҳисоб-китоб қилишларича, сайёрамиз аҳолисининг 40 фоизи (эркак ва аёлларни қўшиб ҳисоблаганда) кашанда экан. Улар бир сонияда 300 минг дона сигарет чекишаркан. Агар буни бир йилга кўпайтирадиган бўлсак, 12 млн. сигарет чекилиб, қолдиққа айланади деган сўз. Бинобарин, шунча сигарета қолдиғи эса 2 млн. 500 минг тоннани ташкил этарди.

Афсуски, кашандалар дастидан бир йилда салкам 700 тонна синил кислотаси, 400 минг тонна аммиак, 600 минг тонна қора мой ва 100 минг тонна никотин атмосферага тарқалади.

Ҳар йили тамаки келтириб чиқараётган касалликлардан дунё бўйича 3 млн. киши вафот этаётган бўлса-да, чекувчилар сони 3 фоизга ортган.

Тиббиётчиларнинг айтишича, ҳар бир чекилган си-

БИР ҚУТИ СИГАРЕТ ЧЕККАН КИШИ
4 кг апельсин ейиши керак

гарет одам қон томирини ярим соатгача торайтириб туради ва организмни 25 миллиграмм С дармондорисидан маҳрум этади. Бир кунда бир қути сигаретни кўрдим демайдиган чекувчилар йўқотган дармондори ўрнини тўлдириш учун 4 кг апельсин ейишлари керак.

Бугунги кунда бундай офатга қарши Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ҳамда кўплаб давлатлар махсус чора-тадбирлар кўрмоқдалар. Жумладан, бизнинг юртимизда ҳам худди шундай тадбирлар ўтказилаяптики, бунинг мисолини мактабларда ва олий ўқув юртларидаги кўргазмали ва амалий чиқишларда кўришимиз мумкин.

Яқинда тамаки маҳсулотларига қарши курашиш кунига бағишланиб ўтказилган пойтахтимизнинг талабалар шаҳарчасидаги катта тадбирда тамаки маҳсулотларининг зиёни хусусидаги шундай маълумотларга эга бўлдик ва бундан ёшлар ҳам керакли хулоса чиқариб олишларига умид боғладик.

Дилдора ТЎЙЧИЕВА

АҚШ ЧОРА ИЗЛАЙДИ

Қўшма штатлар Президенти Жорж Буш ўтган йили 11 сентябрда содир бўлган воқеалар муносабати билан Америка ҳукумати тизимида катта ўзгариш ясалишини маълум қилди. Давлат раҳбарининг телевидение орқали ўз халқига қилган мурожаатида Миллий хавфсизлик вазирлиги ташкил этилиши ва ушбу орган зиммасига ҳозирда турли хавфсизлик ва жосуслик хизматлари бажариб келаётган муҳим вазифалар юклатилиши таъкидланди. Янги ташкилотнинг хизмат доираси бутун дунё бўйича амалга оширилади ва ҳозирда 8 та алоҳида шаклда иш олиб бораётган тузилмалар фаолиятига эҳтиёж қолмайди.

МУЗОКАРАЛАРГА ЯПОНИЯ ҲАМ КИРИШМОҚЧИ

Япония Ташқи ишлар вазири Йокиро Ковагути Исроил Бош вазири Ариэль Шарон ва Фаластин миллий маъмуриятининг раҳбари Ёсир Арофат билан учрашиш ниятида эканлигини маълум қилган. Халқаро доирада ҳар икки тараф учун ҳам холис бўлган Япониянинг ушбу таклифи рад этилмаса, бугун Кавагаути Тель-Авив ва Рамаллоҳда Яқин Шарқ можароларини бартараф этиш юзасидан музокаралар олиб борилиши режалаштирилган.

ҚАТТИҚ НАЗОРАТГА ОЛИНДИ

Ҳиндистоннинг муҳим нефт қувурлари тармоғи армия томонидан мунтазам қаттиқ назорат остига олинди. Шунингдек, денгиз йўлларида ҳам хавфсизлик чоралари кучайтирилди. Матбуотда хабар берилишича, мамлакат ҳукуматининг Америка махсус хизмати томонидан олган террорчилик ҳаракатлари хавфи борлиги ҳақидаги хабари ушбу чораларнинг кўрилишига сабаб бўлган.

САММИТ МАВЗУСИ ЁҚМАДИ

Шимолий альянснинг шу йил ноябрь ойида Чехия пойтахти Прага шаҳрида ўтказиладиган саммитида Россия Федерацияси иштирок этмаслиги кутилмоқда. Бу ҳақда хабар берган Россия мудофаа вазири Сергей Ивановнинг айтишича, саммитда кўриладиган асосий масала мамлакат манфаатларига зиддир. НАТОнинг кенгайиши масаласи эса, у ташкил топгандан буён кун тартибидан тушган эмас.

Самарқанд шаҳар халқ таълими бўлими жамоаси шаҳар халқ таълими бўлими мудири Абдумалик Мажидовга отаси
Мажид ҚЎЛДОШЕВнинг
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Тошкент шаҳар С.Раҳимов тумани Л.Б.Шастри номли 24-мактаб жамоаси мактаб директори Доно Мираҳмедовага онаси
ОЗОДАХОН аянинг
вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети ректорати, касаба уюшма қўмитаси ва фалсафа факультети жамоаси профессор Маҳмуджон Нурматовга ўғли
ЖАВЛОНБЕКнинг
бевақт вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради

Ko'ngil bitiklari

СЕВМАСА

Камалак рангларин йўқотиб кўяр,
Қуёш ҳам нур сочмас қовоғин уяр,
Нигоҳинг боғни ҳам биёбон деяр,
Сен севсангу сени севмаса агар.

Дўстларинг давраси сенга бўлар тор,
Ҳазил кулдиролмас — беради озор,
Висолга етмоқлик гўё тубсиз ғор,
Сен севсангу сени севмаса агар.

Лабларинг кулгидек дўстин йўқотар,
Ёстиқ ҳам кўкракка тош каби ботар,
Кечалар ороминг бузиб уйғотар,
Сен севсангу сени севмаса агар.

Мазмунсиз, маъносиз чиқади сўзлар,
Борлиққа ишончсиз боқади кўзлар,
Қалб ёлғиз қаламу қоғозга бўзлар,
Сен севсангу сени севмаса агар.

Сарвар ЖАМОЛОВ

ЎТАР ОДАМЗОД

Ҳалол меҳнат билан боғ қилар биров,
Унинг боғин кезиб бошқа қилар ов.
Машаққат-ла сомон йиғар бир банда,
Ўйнаб кимдир қўйиб кетади олов.

Нокаснинг кўнглида мудом кин-ғараз,
Ҳатто дўстидан ҳам қилиб юрар арз.
Мард элига қалқон бўлиб ўтади,
Номард ўтар ҳатто узолмасдан қарз.

Турфа йўлдан довон ошар одамзот,
Умр якунига шошар одамзот.
Кенг дунёда кичик жуссаси билан,
Сиғмайин туртиниб ўтар одамзот.

Ойширин БОБОНАЗАРОВА,
Хатирчи туманидаги 53-мактаб ўқитувчиси

Ilk qadam

БОТИР ЗОКИРОВДАН РУҲ ОЛИБ...



Ўхшашлик ҳам шунчалар бўларкан: овоз, жусса, юз бичими, эҳтимол, санъатга муносабат ҳам. Бир зум кўзингизни юминг—гўёки Ботир Зокиров қўшиқ куйлаётгандек, олис эмас, яқингинадаги ўтмишга етаклаб кетади...

Раънолар ичра барно, Раъно,
Гулмисан, гулёрмисан,
Ошиққа дилдормисан
Ҳамма гуллардан аъло.
Раъно... Раъно...

Бу ёрқин сиймога ўз юрагидан жой тугул меҳр-муҳаббатни ҳам қўш қўллаб тутқазган замондошларимиз миллионлаб. У куйлаган маҳзун қўшиқлари билан қалбларга муҳрланди.

Шоир битганидек, "Инсон борки, тиригида ўликдир, Инсон борки, ўлигида тирикдир".

Агар хассос хонанда тирик бўлганида, ўз овозига жуда ўхшатиб қўшиқ куйлаётган хонанда борлигидан мамнунлик туярди. Агар Ботир Зокиров тирик бўлганида, ўз авлодига умуман мансуб бўлмаган самарқандлик шинаванда йигит билан ё ота-бола, ё ака-ука тутинган бўларди.

Акмал Саидов ...Бу хонандага унга Ботир Зокировнинг овози қандай "юққан" экан, дея таажжубланасан, киши. Хонандани кўриш эса унга "ойнаи жаҳон" орқалигина насиб этган. Радио тўлқинлари ҳам болаликда Акмалга нозик қалб эгасининг оҳанрабодек қўшиқларини етказувчи восита эди.

Акмал Самарқанд вилоятининг Иштихон туманида таваллуд топган шоир ва публицист Ўткир Саидовнинг "супрақоқдиси". Беш ўғилнинг энг кенжаси санъат йўлига кирди, бу аслида болаликдан кўнгилга уруғ каби қадалган туйғунинг мева беришидир. Шу ўринда шоир сатрлари дилга энади:

Тақдирни қўл билан яратур одам,
Ғойибдан келажак бахт бир афсона.

Ботир Зокиров куйлаган "Арабча танго", "Раъно", "Анҳор", "Газли", "Ҳабиба" қўшиқлари аввало пластинка ва кассеталарда қолгани билан қадр-қиммат топаётган бўлса, бир жиҳатдан ўзининг янги ижрочисига эга бўлганлиги билан ҳам мухлислар дилига таскин ва ҳузур-ҳаловат бағишламоқда. "Арабча танго" спектаклида марҳум санъаткор образини яратишга муваффақ бўлган Акмал Саидов 2001 йил натижаларига кўра, "Йилнинг энг умидли актёри" номинацияси бўйича ғолиб деб топилди.

Акмал илк устозлари сифатида аяси — мактаб ўқитувчиси Шарофат опа ва Ўткир акани эътироф этади. Қолаверса, Тошкент Давлат маданият институти хор дирижёрлиги йўналишида таҳсил олган ёш йигитга онаси билан исмдош, фамилиядош бир аёл учради. Шарофат Саидова Акмалнинг овозидаги майин бир оҳангни илғар экан, уни асраб-авайлаш, ривожлантириш, қўллаб-қувватлашга бош-қош бўлди. Бугунги кунда Акмал Саидов Тошкентдаги мусиқали комедия (оперетта) театрида хизмат қилаяпти. Концертлар, репетициялар, томошалар, учрашув ва суҳбатлар Акмалнинг вақтини қанчалик кўп ўғирламасин, у ўз ўрнида булар ҳам керак, деб ҳисоблайди.

— Ўз қўшиқларим ҳам бўлишини истайман. Назаримда, Ботир акадай улуғ бир сиймо мени хаёлан қўллаб-қувватлаб тургандек бўлади. У киши айтган қўшиқлар менга туганмас қувват бағишлайди. Отам ёзган шеър асосида қарияларни қадрлаш мавзусида қўшиқ яратдик. Бастакор Гулнора Азизхўжаева куйи устида ишлаяпти. Чамамда, қўшиқ мухлисларимга ёқса керак.

Қўшиқ — қалбдан сизиб чиқадиган дард, қалбдан-қалбга кўчадиган дард. Ўз кўнглига ёруғ ниятларни жойлаб куйлаётган Акмал Саидов ижодий парвози баланд бўлсин!

Ҳулкар ТЎЙМАНОВА

"АЖТИҚА" кроссворди

Бўйига: 2. Нефть экспорт қилувчи давлатлар уюшмаси. 3. Того пойтахти. 4. Бадан. 5. Бошоқли дон экини. 6. Вазн ўлчов бирлиги. 7. Хўжа Убайдуллоҳ... 9. Аёл қариндош. 10. Ари маҳсулоти. 12. Нав, тур (рус). 13. Ҳар бир банди 8 мисрадан иборат шеър. 14. Таназзул. 15. Филиппин пойтахти. 16. Амир Темурнинг пири. 17. Туркия футбол клуби. 21. Мунисннг исми. 24. Мозамбик пул бирлиги. 25. 1923-1938 йиллардаги Туркия президентининг унвони. 26. Гадо. 27. Уч давлат битими (1907). 29. Франциядаги дарё. 30. Пайғамбарлар отаси. 32. Франциядаги қўзғолон (1358). 33. Сув тақсимловчи. 35. Европадаги пойтахт шаҳар. 42. Якун. 43. Маъруза. 44. Ҳинд фильми. 45. Замбия пойтахти. 55. Масжид, мадрасалар ерлари. 56. Ўзбекистондаги машҳур шаҳар. 57. С.Айний қиссаси. 59. Мато. 61. Экин майдони. 62. Аҳмад... Фарғоний. 64. Самолёт русуми. 65. Намоз вақти. 68. Тўғри ёзиш қоидалари. 70. Салом жавоби. 72. Ўзбекойимнинг Кумушга берган таърифи.

Энига: 1. Манзарали дарахт. 5. Суриянинг бошқача номи. 6. Марказий Америкадаги давлат. 8. Лирик поэзиянинг жанрларидан бири. 10. Тугамоқ, тамом бўлмоқ. 11. Металл. 13. Биринчи ўзбек романи қаҳрамони. 15. Ўзбек халқ шоири. 17. Халқаро трибунал жойлашган шаҳар. 18. Узум етиштириладиган жой. 19. Япониядаги шаҳар. 20. Сўз туркумларидан бири. 22. Нота. 23. Уй ҳайвони. 24. Сўроқ қўшимчаси. 25. Ўт, олов. 26. Машҳур шахсларнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумот берувчи адабиёт термини. 28. Пойтахти Бомако бўлган давлат. 31. Мотоцикл русуми. 33. Мусиқа асарининг асосий элементи. 34. Илон тури. 36. Германия империализмининг "қўшиб олиш" сиёсати. 37. Ажойиб, ғаройиб. 38. Машҳур боксчи. 39. Ҳинд аёли исми. 40. Осиё қитъасидаги чўл номи. 41. Европадаги ташкилот. 42. Юк ташувчи одам. 44. Танча. 46. Отанинг шевада айтилиши. 47. Қизлар исми. 48. "Сайранг, булбулим, сайранг..." қўшиғи ижрочиси. 49. Ном, от. 50. Брюс... 51. Эквадор пойтахти. 52. Чангалга тушмоқ. 53. Миркарим... 54. Ин. 55. Боғловчи. 58. Ҳид. 60. Германия сиёсий арбобларидан бири: ... Фишер. 61. Автомобиль русуми. 63. Бангладеш пойтахти. 66. Домла. 67. Россия футбол жамоаси. 69. Ясриб. 71. Ром. 73. Лаос пул бирлиги. 74. Чин, ҳақиқий. 75. Океан. 76. Мотам. 77. Дарё.

Тузувчи: Муслим МИРЗАЖОНОВ
Фарғона вилояти Риштон тумани

O`tgan sondagi yaponcha krossvordning javobi:



Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир: Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот Қўмитасида № 20 рақам билан 12 июнь 1998 йил рўйхатга олинган.

ИНДЕКС: 149, 150. Г-529.
Тиражи 32918 Г. 1 2 3 4 5 6
Ҳажми 4 босма табоқ.
Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-3

Навбатчи муҳаррир: Ҳулкар ТЎЙМАНОВА,
Навбатчи: Фаррух БЎТАЕВ.

«Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—136-56-42, хатлар, мактабгача ва мактабдан ташқари таълим янгиликлари бўлими —136-54-23, умумий ўрта таълим янгиликлари бўлими, касбга йўналтириш ва ўрта махсус таълим янгиликлари бўлими — 136-54-03, олий таълим янгиликлари бўлими, реклама ва тарғибот бўлими — 136-55-58.

Газета материаллари «Ma'rifat Madadkor» нашриётида терилди. Pentium компьютерида Лилия БИНАШЕВА ва Малоҳат ТОШОВА саҳифалади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акционерлик компанияси босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти—20.00.
Топширилди — 20.00